

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ САНЪАТ ВА МАДАНИЯТ ИНСТИТУТИ

Қўлёзма ҳуқуқида

УДК: 398.1

КБК: 82.3 (5Ўзб)

A-14

АБДУРАХМОНОВА ФЕРУЗА ЭШҚОБИЛОВНА

“Ёр-ёр” қўшиқларининг жанрий хусусиятлари ва бадиий талқини

5А151601 – Халқ ижодиёти (фольклор ва этнография)

Магистр

академик даражасини олиш учун ёзилган

д и с с е р т а ц и я

Илмий раҳбар: филология фанлари доктори,
профессор, Ж.С.Эшонқулов

Тошкент – 2019

М У Н Д А Р И Ж А

	Кириш.....	3
I боб	“Ёр-ёр” қўшиқларининг ўрганилиши масалалари.....	10
1.1.	“Ёр-ёр” қўшиқларининг ўрганилиши масалалари.....	10
1.2.	“Ёр-ёр” қўшиқларининг ареал хусусиятлари.....	27
	I боб бўйича хулоса.....	40
II боб	“Ёр-ёр” қўшиқларининг жанрий хусусиятлари ва таснифи масалалари.....	43
2.1.	“Ёр-ёр” қўшиқлари жанрий хусусиятлари.....	43
2.2.	“Ёр-ёр” қўшиқларининг таснифи ва миллий тарбиядаги ўрни.....	66
	II боб бўйича хулоса.....	77
III боб	“Ёр-ёр” қўшиқларининг бадий хусусиятлари.....	79
3.1.	“Ёр-ёр” қўшиқларида образлар талқини.....	79
3.2.	“Ёр-ёр” қўшиқларида бадий тасвирий воситалар.....	96
	III боб бўйича хулоса.....	107
	Хулоса.....	109
	Адабиётлар рўйхати.....	113

КИРИШ

Магистрлик диссертацияси мавзусининг асосланиши ва унинг долзарблиги. Миллий маданиятимиз, менталитетимизнинг бир қаноти бўлган фольклор анъаналарини ўрганиш ва ривожлантириш миллатнинг маънавияти мувозанатини сақлаб қолишнинг асосий тамойилларидан биридир. Зеро, юртбошимиз Шавкат Мирзиёев таъкидлаганларидек, “мамлакатимизда маданият ва санъат тараққий этмаса, жамият ривожланмайди. Халқимизнинг ривожланиш даражаси аввало миллий маданиятимизга қараб баҳоланади. Шу маънода, маданият – бу халқимиз, жамиятимиз қиёфасидир. Биз Ўзбекистоннинг янги қиёфасини яратишга киришган эканмиз, бунини аввало миллий маданиятимизни ривожлантиришимиздан бошлашимиз лозим”.¹ Албатта, инсоннинг жамиятдаги ўрни унинг моддий бойликлари билан эмас, балки юксак маънавий қиёфаси билан белгиланади. Маънавият эса, ота-боболаримиз тўплаган жамики яхши фазилатлар ва хислатлар, қадриятлар ва анъаналарнинг мажмуи, қолаверса, улар тўплаган тарихий-ижтимоий тажриба ва барча қарашларни ўзида мужассам этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 13 сентябрдаги ПҚ-3271-сон “Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолasi ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида”ги қарори, 2017 йил 24 майдаги “ПҚ-2995-сон “Қадимий ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқ ва тарғиб қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, қарори, 2017 йил 31 майдаги “Маданият ва санъат соҳасини янада ривожлантириш ва такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 7 октябрда “2010-2020 йилларда номоддий маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш, асраш, тарғиб қилиш ва улардан

¹ Шавкат Мирзиёев. 2017 йил 25 декабрь маданият ва санъат соҳасидаги долзарб масалалари муҳокамасига бағишланган нутқи. – Тошкент, 2017. www.lex.uz

фойдаланиш давлат дастурини тасдиқлаш тўғрисида”ги 222-сон қарорларининг қабул қилиниши ҳам бу борада қилиниши керак бўлган вазифа ва мақсадларнинг **асоси ҳисобланади**. Бу қарорлар ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Юртимизда маданий меросни муҳофаза қилиш, асраш, тарғиб қилиш ва улардан фойдаланиш бўйича махсус қонунлар қабул қилинди ва дастурлар ишлаб чиқилди. Мазкур қонун ва дастурлар ўзбек халқининг энг ноёб қадриятларини асраш билан биргаликда, маданий меросини тарғиб қилиб, келажак авлодларга етказишни мақсад қилган.

Номоддий маданий меросимиз орасида, ўзбек халқ қўшиқларининг уммони жуда катта меросни жамлаган. Мазкур қонунларга кўра, айни тадқиқотимиз объекти бўлган “Ёр-ёр”лар ҳам номоддий мерос сифатида асраш ва тарғиб қилишга муҳтождир. Фольклоршунос олимларимиз томонидан “Ёр-ёр” қўшиқларининг ареал ва жанрий хусусиятлари, уларнинг тарихий асослари ва бадиияти билан боғлиқ баъзи кичик илмий тадқиқотларни ҳисобга олмаса, “Ёр-ёр” қўшиқлари **махсус тадқиқ** этилмаган.

Халқ қўшиқлари жанрий хусусиятларини ўрганилиши ва бадиий образлар бадиияти хусусиятларини аниқлаш мақсадида ўтказилган кўплаб таҳлиллар, қўшиқлардаги сеҳрловчи, турли туман ҳис-туйғулар туғдирувчи ўзига хос тасвирий воситалар тизимини яхлит ва ички ўзаро мутаносиб муносабатда ўрганиш имконини беради. Жумладан, “Ёр-ёр” қўшиқларининг бадиий матнида инсониятнинг пайдо бўлишидан тортиб, асрлар оша шаклланиб келган тарихи ва орзу интилишлари талқин қилинган. Халқ қарашларининг бадиий тадрижида “Ёр-ёр” жанрининг тутган ўрни, спецификаси, тарихий асослари, поэтикаси, ғоявий-бадиий хусусиятлари ва ўзбек никоҳ тўйлари тизимидаги маиший вазифаси, шунингдек, жанр табиатидаги структурал, функционал ўзгаришларни илмий нуқтаи назардан таҳлил этиш асосида муайян хулосаларга келиш фольклоршуносликнинг тадқиқ этилиши зарур бўлган **долзарб масалалари**

жумласидандир.

Бу жанрга мансуб халқ оғзаки бадиий ижоди намуналарини бевосита ижрочилар оғзидан жонли ижро шароитларида ёзиб олиш ишлари эса XX асрнинг 20-йилларидан бошланган. “Ёр-ёр”ларни ёзиб олиш, тўплаш ва архивлаштиришдек хайрли ишга Ҳ.Зарифов, Б.Каримий, М.Афзалов, М.Алавия, З.Хусаинова, М.Муродов, Т.Мирзаев, О.Собиров, Т.Ашуров, А.Мусакулов, М.Жўраев, О.Сафаров, С.Рўзимбоев каби фольклоршунос олимлар катта ҳисса қўшишган. ЎзРФА Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти Фольклор архивида бошқа жанрларга мансуб фольклор асарлари билан бир каторда қарийб юз йиллик фольклористик изланишлар – экспедициялар жараёнида ёзиб олинган “Ёр-ёр”ларнинг бадиий жиҳатдан энг мукамал намуналари ҳам сақланади”.² “Ёр-ёр” қўшиқларининг ўзига хос хусусиятлари ва поэтик табиатини тадқиқ этишда ўзбек фольклоршунослигининг маънавий қадриятлар тизимини ўрганиш борасида эришган илмий-назарий ютуқларидан фойдаланилади.

М.Алавия, Б.Саримсоқов, А.Мусакулов, О.Собиров, О.Сафаров, М.Жўраев, Ҳ.Раззоқов, М.Ёқуббекова, Н.Турғунова, Л.Худойқулова, Д.Ўраева³ ва бошқаларнинг асарларида баён қилинган назарий хулосалар диссертация иши учун **методологик асос** бўлиб хизмат қилади.

Тадқиқот объекти ва предмети. Тадқиқот ишимиз учун ўзбек халқ “Ёр-ёр” қўшиқларининг барча ижро жараёнлари **асосий объект** сифатида хизмат қилади. Таҳлил жараёнида фольклоршунос олимларнинг илмий изланишлари, шунингдек, фольклор тўпламларида, вақтли матбуотда чоп этилган

² Икки кўнгил бир бўлсин. / Ёр-ёрлар. Тўпловчи ва тузувчилар: М. Жўраев, Л. Худойқулова. – Тошкент: Ғ. Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2016.

³ Оқ олма, кизил олма. Ўзбек халқ қўшиқлари. / Ўзбек халқ ижоди. Кўп томлик. Тўпловчи: М. Алавия. – Тошкент: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1972; Саримсоқов Б. Мотам ёр-ёрлари ҳақида // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1983. – №5, 29-33-бетлар; Гулёр. Фарғона халқ қўшиқлари. Кўп томлик. Тўпловчи: Ҳ. Раззоқов. – Тошкент: Ғ. Ғулом нашриёти, 1967; Келиной қўшиқлари. Халқ қўшиқлари ва термалари. Ёзиб олувчи ва нашрга тайёрловчи: О. Собиров – Тошкент: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1981; Ой олдида бир юлдуз. Ўзбек халқ маросим қўшиқлари. Тўплаб, нашрга тайёрловчи, кириш сўзи ва изоҳлар муаллифи: М. Жўраев. – Тошкент: Адабиёт ва санъат нашриёти, 2000; Тўй муборак, ёр-ёр. Тўй маросим қўшиқлари. Тўплаб, нашрга тайёрловчи: О. Сафаров. – Тошкент: Маънавият, 2000; Бўзлардан учган ғазал-ей. Тўплаб, нашрга тайёрловчи: О.Сафаров, Д.Ўраева. – Тошкент: Адабиёт ва санъат нашриёти, 2005; Икки кўнгил бир бўлсин. / Ёр-ёрлар. Тўпловчи ва тузувчилар: М. Жўраев, Л. Худойқулова. – Тошкент: Ғ. Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2016.

намуналари, ҳамда бугунги жонли ижро ҳолатида яшаб келаётган “Ёр-ёр” кўшиқлари билан боғлиқ бўлган урф-одатларни тарихий-этнографик материаллар ва илмий адабиётлар асосида ўрганиш эса тадқиқот **предмети** вазифасини ўтади.

Тадқиқот мақсади ва вазифалари. “Ёр-ёр” маросим кўшиқлари генезисини этнофольклористик жиҳатдан таҳлил қилиш, унинг жанр хусусиятларини аниқлаб таснифлаш, “Ёр-ёр” кўшиқларининг бадииятини тилимиздаги тасвирий воситалар ёрдамида ҳосил қилиниши масаласини ўрганиш, ҳудудлараро фарқли жиҳатларини аниқлаш ва ойдинлаштириш, “Ёр-ёр” жанри кўшиқларининг ғоявий-бадиий хусусиятлари, табиати ва бадииятини ўрганиш, илмий-назарий жиҳатдан асослаш диссертациянинг **асосий мақсадини** ташкил этади. Ушбу мақсадга эришиш учун қуйидаги вазифалар қўйилди:

- муаммога доир адабиётларни ва мумтоз намуналарни ўрганиш, таҳлил қилиш, умумлаштириш;

- “Ёр-ёр” жанрининг бошқа жанрлар билан генетик алоқадорлигини текшириб, улар ўртасидаги вазифадошлик хусусиятига кўра алмашилиш ҳодисасини кузатиш ва шу асосда генезисини ўрганиш;

- “Ёр-ёр”ларнинг жанрий хусусиятларини аниқлаш ва уларни тасниф қилиш;

- “Ёр-ёр” кўшиқларининг ареал хусусиятларига кўра фарқли жиҳатларини аниқлаш ва бу жанрни никоҳ тўйи маросими фольклори тизимида, фольклор-этнографик жамоалари репертуарларида тадқиқ этиш;

- мавзуга доир истеъмолдаги атамаларга маълум муносабат билдириб, мантиқий ва назарий жиҳатдан асослаш;

- “Ёр-ёр” кўшиқларидаги анъанавий мотивлар ва образлар тизимининг тарихий асосларини тадқиқ этиш;

- “Ёр-ёр” кўшиқларининг ғоявий-бадиий хусусиятлари, ўзбек никоҳ тўйи тизимидаги маиший вазифаси, жанр таркибидаги структурал, функционал ўзгаришларни илмий нуқтаи назардан таҳлил этиш асосида муайян хулосаларга

келиш.

Илмий янгилиги. Маълумки, ўзбек халқ маросимларида ижро этиладиган “Ёр-ёр” кўшиқларининг жанрий таркиби ва генезиси, бадиияти ҳозирга қадар алоҳида монографик тадқиқот мавзуси сифатида ўрганилмаган эди. Ушбу диссертация иши эса шу йўналишдаги ўзига хос уринишлардан бири ҳисобланади. Тадқиқотнинг илмий янгилиги, **биринчидан**, “Ёр-ёр” маросим кўшиқларининг генезиси, шаклланиш жараёни ва тарихий тараққиёт босқичлари этнофольклористик нуқтаи назардан ёритилганлиги; **иккинчидан**, ўзбек фольклоршунослиги материаллари, мавжуд илмий адабиётлар, тарихий-этнографик ва ёзма манбаларга суянган ҳолда “Ёр-ёр” кўшиқларининг жанрий хусусиятлари тадқиқ қилинди; **учинчидан**, “Ёр-ёр”ларнинг турли намуналарини қиёсий таҳлил этиш орқали, ареал ҳудудларга кўра, фарқли жиҳатлари аниқланди; **тўртинчидан**, шу соҳа мутахассислари (яъни, тўй маросимларида халқ кўшиқларини жонли ижро этувчилар, ҳамда шу йўналишда, яъни оғзаки тарзда талабаларга устоз шогирд анъанасида, халқ кўшиқларини ўргатаётган устозлар) билан интервьюлар олиб бориб, уларнинг фикрлари ўрганилиб, ҳали-ҳамон “Ёр-ёр”ларнинг янгидан-янги вариантлари юзага келаётгани, ҳамда, “Ёр-ёр”лар никоҳ тўй маросимларидан ташқари “хатна тўйи” ва “хотин оши” маросимларида ҳам қуйланаётганлиги аниқланди; **бешинчидан**, “Ёр-ёр” кўшиқлари намуналарининг мотивлари ва образлари энг кўп қўлланилган образлари, бадиий қурилиши, таснифи масалалари таҳлил этилди; **олтинчидан**, ҳар бир жанрнинг ўзига хос бўлган жанрий хусусиятларини ўрганиш ўзбек халқ кўшиқларининг генезисини тадқиқ этишнинг муҳим манбаи эканлиги, унинг юзага келиш тарихи, мифологик асослар билан чамбарчас боғлиқлиги ва қадимда “Ёр-ёр”ларнинг тўй маросимининг йиғи айтимлари таркибида бўлганлиги илмий асосланди; **еттинчидан**, “Ёр-ёр” кўшиқларининг келиб чиқиши ва тадрижий ривож туркий халқлар поэтик тафаккури ва бадиий-эстетик анъаналари билан муштарак жиҳатларга эгалиги кўрсатиб берилди. Шунингдек, диссертацияда яна “Ёр-ёр” намуналарининг кўп вазифадорлиги, ижро ўрни, пайти, усули, ижрочилари, оммага ахлоқий-эстетик

таъсири масалалари ҳам яхлит тизим шаклида илк марта ёритишга ҳаракат қилинди.

Тадқиқотнинг асосий масалалари ва фаразлари. “Ёр-ёр” кўшиқларининг жанрий ва ареал ўзига хослиги яхлитликда ўрганилиши, бадий асар таҳлилида янгича йўналишнинг ўринлашуви ва такомиллашувига кўмаклашади. “Ёр-ёр”ларнинг ареал хусусиятларини тўғри талқин қилиш, никоҳ тўйи фольклори, фольклор-этнографик жамоалари ижро жараёнларида тўғри фойдаланиш билан боғлиқ масалаларни ўрганиш, уларни таҳлил ва тадқиқ этишни фараз қилиш мумкин.

Тадқиқот мавзуси бўйича адабиётлар шарҳи (таҳлили). Ўзбек халқ “Ёр-ёр” маросим кўшиқлари хусусида фольклоршунослик, мусикашунослик ва тилшуносликка оид илмий адабиётларда ўринли мулоҳазалар билдирилган. Жумладан, тадқиқотимизда олдимизга қўйган муаммоларни ёритишда, М.Алавия, Б.Саримсоқов, Ш.Турдимов, Ж.Эшонқулов, Р.Турсунов, М.Якуббекова, Д.Ўраева, А.Аширов, М.Жўраев, Л.Худойкулова, А.Мусакулов, С.Давлатов, Н.Турғунова⁴ каби фольклоршунос, санъатшунос ва тарихчи олимларнинг тарихий фактик материаллари, назарий хулосаларидан кенг фойдаландик.

Тадқиқотда қўлланилган методиканинг тавсифи. Мавзунинг, ишга жалб этилган материалнинг табиатидан келиб чиқиб, лингвопоэтик, тарихий-қиёсий, таҳлил қилиш, интервью, таққослаш, “суҳбат” методлари ҳамда, умуммиллий методлар билан бир қаторда, ўрни билан функционал, структурал

⁴Алавия М. Ўзбек халқ маросим кўшиқлари – Тошкент: Фан, 1974; Саримсоқов Б. Мотам ёр-ёрлари ҳақида // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1983. №5, 29-33-бетлар; Турдимов Ш., Эшонқулов Ж., Ўзбек фольклоршунослигининг янгиланиш тамойиллари. – Тошкент: 2017; Эшонқулов Ж. Ўзбек халқ ижро санъатининг Номоддий маданий меросда тутган ўрни // Номоддий маданий мерос ва фольклор ижро санъати анъаналари. Йўлдошева С. –Тошкент: Наврўз, 2017. Ўқув қўлланма; Турсунов Р. “Ёр-ёр”ларнинг мусикий табиати //Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1990. №1. 59-62-бетлар; Якуббекова М. Ўзбек халқ кўшиқларининг лингвопоэтик хусусиятлари – Тошкент: 2005. Диссертация; Ўраева Д.С. Ўзбек халқ лирик кўшиқларида паралелизмларнинг характери ва бадий-композицион вазифалари. – Тошкент: 1993. Диссертация; А. Аширов Ўзбек халқининг қадимий эътиқод ва маросимлари. – Тошкент: 2007. 174-бет; Икки кўнгил бир бўлсин. Ёр-ёрлар. Тўпловчи ва тузувчилар: М. Жўраев, Л. Худойкулова. – Тошкент: Ғ. Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2016; Мусакулов А. Ўзбек халқ лирикаси. – Тошкент: Фан, 2010; Давлатов С. Қашқадарё воҳаси ўзбек тўй маросимлари фольклори. – Тошкент: 1996. Диссертация; Турғунова Н. Фарғона водийси яллачилик санъати. – Наманган: 2016.

таҳлил методларидан фойдаланилди.

Тадқиқот натижаларининг назарий ва амалий аҳамияти. Тадқиқотда “Ёр-ёр” кўшиқларнинг ўзига хос жанрий ва ареал хусусиятлари ва таснифи тўғрисидаги қатор муаммоларига бизнинг баҳоли қудрат ечимларимиз келгусида бу соҳада иш олиб борувчи тадқиқотчилар учун маълум йўл-йўриқлар бериши мумкин. Ишда келтирилган далиллар, назарий фикр-мулоҳазалардан олий ўқув юртларида халқ оғзаки бадиий ижодиёти, этнография фанлари бўйича махсус курсда ўтишда ва маърузалар ўқишда фойдаланиш мумкин. “Ёр-ёр”лар таснифини ҳал этиш, маросим кўшиқлари поэтикаси тараққиётининг ўзига хос жиҳатлари ҳақида хулосалар чиқариш имконини беради. Бу унинг илмий-амалий аҳамиятини белгилаб, “Ёр-ёр”ларни ҳудудий жиҳатдан тўғри талқин қилишни ва доимий барқарорлигини асраб қолишни назарда тутди.

Иш тузилмасининг тавсифи. Магистрлик диссертацияси кириш, уч асосий боб, хулоса ва таклифлар, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

I. БОБ. “ЁР-ЁР” ҚЎШИҚЛАРИНИНГ ЎРГАНИЛИШИ МАСАЛАЛАРИ

1.1. “Ёр-ёр” қўшиқларининг ўрганилиши масалалари

Халқимизнинг дунёқараши, ижтимоий-сиёсий, маънавий эстетик ва фалсафий қарашларини ўзига хос тарзда бадиий талқин қилувчи маросим фольклори ўнлаб жанрларни ўз ичига олган ғоят нодир манба ҳисобланади. Маросим фольклорининг эмоционалликни туғдирувчи, энг таъсирчан ва маросимнинг асосий узви бўлган қўшиқларни ўрганар эканмиз, улар ўзбек халқининг ўлмас анъаналаридан таркиб топган ноёб дурдоналари эканлигини англаймиз.

Фольклоршунос олим М.Жўраев халқимиз яратган, турли маросимлар ҳақида фикр юритар экан, уларда ижро этиладиган қўшиқлар ҳақида шундай дейди: ...маросим қўшиқлари ва турли урф-одатлар жараёнида ижро этиладиган айтимлар она диёримизда юксак маданиятни бунёд этган улуг аجدодларимизнинг турмуш тарзи, орзу-интилишлари, урф-одат ва маросимлари, қадри абад анъаналари-ю, ўзбекона самимиятини мукамал акс эттирганлиги учун ҳам қадрлидир.⁵ Дарҳақиқат, инсонлар қадим-қадимдан қўшиқлар орқали ўз орзу-умидлари, ички кечинмалари-ю, шодликларини бир-бирларига узатиб келганлар.

Халқимизда асрлар оша халқ қўшиқлари замирида, истеъдодли кишиларимиз томонидан қўшиқларнинг мураккаб жанрлари ҳам яралган бўлиб, булар, “Шошмақом”, “Катта ашула” каби буюк мерос дунё юзини кўрди. Аммо бу қўшиқларни ҳамма ҳам осонгина куйлай олмас, тинглаганда ҳам асл моҳиятини англамас эдилар. Худди Кайковус айтганидек, барча ҳам дилга ёқар қўшиқнинг оғир йўлини истамас эдилар: “...фаннинг устодлари санъатга шундоғ тартиб бермишларки, аввал подшоҳлар мажлиси учун хисравона дostonлар тузмишлар, ундин сўнг вазнсиз бир оғир йўл тузмишларки, уни икки суруд⁶ била айтса бўлур ва унга оғир йўл деб от қўймишлар. Бу йўл

⁵ Жўраев М., Худойкулова Л. Маросимнома – Тошкент: 2008. Б.3.

⁶ Суруд – ашула, қўшиқ.

қариларнинг ва хирадманд⁷ларнинг таъбига мос келмуш эрди ва бу йўлни мазкур қавм учун туздилар. Ундин сўнг эрса кўрдиларки, халқнинг барчаси қарилар ва хирадмандлар эрмасдурлар. Ундин кейин енгилроқ вазнлик шеърлар учун енгил йўллар тузиб, уларга хафиф⁸ деб от қўйдилар”.⁹ Кайковус таърифлаган бу қўшиқлар халқ оғзаки ижодига яқин, балки айна тегишли бўлган қўшиқлар бўлиши эҳтимол.

Адабиётда тур(род) ниҳоятда кенг тушунча бўлиб, ўз ичига турли жанрларни қамраб олади. Қадимги грек философи Аристотель (эрамиздан олдинги 384-322 йиллар), немис философи Гегель (1770-1831) ва В.Г.Белинский (1811-1848)лар бадиий ижоднинг уч тури – эпос, **лирика** ва драма мавжудлигини эътироф этадилар. Адабий турларнинг бу таснифи Аристотель “Поэтика”сидан бошланган бўлиб, ҳанузгача илмий таомилда кенг қўлланилиб келинмоқда. Мазкур бадиий ижоднинг катта туркуми бўлмиш лирика жанрига мансуб қўшиқлар, энг қадимги даврлардан бошлаб инсонларнинг ҳис тўйғулари ва кечинмаларини ўзида ифодалаш билан бирга даврлар руҳиятини бизгача етказиб келган.

Бу ҳақда тарихий маълумотлар ҳам кўп учрайди. Эрамиздан олдинги IV асрда яшаган тарихчи Геродот шундай деб ёзган: “Аракс – Амударё бўйларида яшовчи массагетлар кечаси гулхан ёқиб, ўсимлик ҳидидан маст бўлишиб, унинг атрофида олов ўчгунча қўшиқ айтиб, рақсга тушар эдилар”.¹⁰ Бундан ташқари инсонлар қўшиқни ҳам қуш каби реал мавжудот деб тасаввур қилганликларини Ч.Валихонов ёзиб олган ушбу ривоятда ҳам кўришимиз мумкин. “Бир замонлар қўшиқ ер узра учиб, одамларни қуйлашга ўргатган. У аёлдай инжик, гўзал бўлган. Қўшиқ қайси жойда кўпроқ тўхтаб, қувонса, у ерда одамлар серфарзанд ва фаровон яшашган”.

Машҳур тарихчи Шарафиддин Али Яздий ўзининг “Зафарнома” китобида Амир Темур томонидан уюштирилган мусиқий анжуманлар ҳақида тўхталиб, “Яхши овозли хонандалар қуйлашни бошлаб, ғазалу нақш айтур эрдилар. Ва

⁷ Хирадманд – ақлли.

⁸ Хафиф – вазни енгил.

⁹ Кайковус. Қобуснома. – Тошкент: Истиқлол, 1994. – Жами: 176 бет. Б.125.

¹⁰ Геродот История. – Ленинград, 1955. С.75.

турку мўғул, хитою араб ва ажамдир ҳар ким ўз расми билан нағма айтур эрди¹¹”, деган маълумотларни келтиради. Амир Темур каби кўплаб буюк ҳукмдорлар ҳам, санъат ва маданиятнинг ривож топишида, асрлар оша сайқалланиб, бизнинг давримизгача етиб келишида, ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшганлар.

Ўзбек никоҳ тўйи маросими фольклорининг анъанавий жанри “Ёр-ёр”ларни ёзиб олиш, тўплаб чоп эттириш ва илмий тадқиқ этиш борасида ҳозирга қадар анча ишлар амалга оширилган. “Ёр-ёр” тўғрисидаги илк маълумот улуғ шоир Алишер Навоий қаламига мансубдир. Навоий ўз асарларида “Ёр-ёр”лардан мисралар келтириб ўтади ва уларни зуффоф ва қиз кўчирар вақтларда куйланадиган қўшиқ дея таърифлайди. Халқимизнинг никоҳ тўйи маросимида “Ёр-ёр” қўшиғини айтиш XV-XVI асрларда ғоят кенг тарқалганлигини Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳам ўзининг “Рисолаи аруз” номли асарида эътироф этган эди. У ўша даврда халқ орасида анъанавий “туркий”, “ўлан”, “ёр-ёр” сингари турлари жуда кенг оммалашганлиги ҳақида тўхталиб, шундай ёзади: “Атрок аросида бир суруд борким, “ўлан” дерлар, аксар тўйларда айтурлар, бу вазн анга мавсумдир. Аввал сурудға тақсим қилурда ҳар мисрадан сўнг Ёр-ёр лафзин келтирурлар. Султон Ҳусайн Мирза замонида чиққан “туркий”нинг аёлғу даврининг ўзиға бу “ўлан”ни тартиб берилди, ҳейли рабоянда ва яхши келди¹²”.

Ўзбек халқ маросим қўшиқларининг ўзига хос хусусиятларини ўрганишга бутун умрини бахшида этган фольклоршунос олима Музайяна Алавия бу ўринда “тўй қўшиғи “ўлан” билан “ёр-ёр” бир нарса бўлиб, “Бобур ёзган “ўлан”га Навоийнинг “чинга” ёки “чинка” тўғрисидаги маълумоти тўғри келади”¹³, деб ҳисоблайди.

Бу жанрга мансуб халқ оғзаки бадиий ижоди намуналарини бевосита ижрочилар оғзидан жонли ижро шароитларида ёзиб олиш ишлари эса XX асрнинг 20-йилларидан бошланган. “Ёр-ёр”ларни ёзиб олиш, тўплаш ва

¹¹ “Маънавий ҳаёт” тарихий-фалсафий, маънавий-маърифий, илмий-оммабоп журнал. 1(2)-сон 2014. Б.9.

¹² Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Мухтасар. Нашрга тайёрловчи: С.Ҳасанов. – Тошкент: Фан, 1971. Б.172.

¹³ Алавия М. Ўзбек халқ маросим қўшиқлари. – Тошкент: Фан, 1974. Б.45.

архивлаштиришдек хайрли ишга Х.Зарифов, Б.Каримий, М.Афзалов, М.Алавия, З.Хусаинова, М.Тошпўлатова, Ф.Султонова, М.Муродов, Т.Мирзаев, О.Собиров, Т.Ашуров, А.Мусакулов, М.Жўраев, О.Сафаров, С.Рўзимбоев, каби фольклоршунос олимлар катта ҳисса қўшишган. ЎзРФА Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти Фольклор архивида бошқа жанрларга мансуб фольклор асарлари билан бир қаторда қарийб юз йиллик фольклористик изланишлар – экспедициялар жараёнида ёзиб олинган “Ёр-ёр”ларнинг бадиий жиҳатдан энг мукаммал намуналари ҳам сақланади.

Ўзбек никоҳ тўйи маросими фольклорида муҳим ўрин тутадиган “Ёр-ёр”ларнинг жанр хусусиятлари, ўзига хос табиати ва бадиияти масалалари М.Алавия, Б.Саримсоқов, Р.Турсунов, Ш.Баратова, О.Исмонова, М.Жўраев, С.Давлатов каби олимлар томонидан ўрганилган.¹⁴ “Ёр-ёр” жанрига мансуб фольклор асарлари “Ўзбек халқ ижоди” кўпжилдлиги рукнида чоп этилган “Гулёр”, “Оқ олма, қизил олма”, “Халқ қўшиқлари” тўпламларида, шунингдек, “Келиной қўшиқлари”, “Халқ дурдоналари”, “Остонаси тиллодан”, “Тафаккур чечаклари”, “Алла айтай, жоним болам”, “Тўй муборак, ёр-ёр”, “Ой олдида бир юлдуз”, “Ўзбегим ёр-ёрлари”, “Ёр-ёрлар” ва бошқа тўпламларга киритилган.

Ўз ижодий фаолияти ва изланишлари жараёнида ўзбек халқ қўшиқларининг ўрганилиши ва қўшиқларнинг таснифи масаласига алоҳида тўхталган фольклоршунос Ж.Эшонкулов халқ қўшиқларидаги, баъзи бир муаммоларга, жумладан, таснифи масалаларига ойдинлик киритиб ўтади. “Халқ қўшиқларининг тарихига назар ташлар эканмиз, узоқ тарихий тараққиёт давомида қўшиқлар мифологик тафаккурдан бадиий тафаккурга айланиб борганлигининг гувоҳи бўламиз. Шунинг учун қўшиқларда қадимий тасаввур излари билан бир қаторда, ўрта асрларда, ҳамда куни кеча ёхуд бугун юз

¹⁴ Алавия М. Ўзбек халқ маросим қўшиқлари. – Тошкент: Фан, 1974, 184-194-бетлар; Саримсоқов Б. Мотам ёр-ёрлари ҳақида // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент: 1983. – №5, 29-33-бетлар; Турсунов Р. “Ёр-ёр”ларнинг мусикий табиати // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент: 1990. – №1, 59-62-бетлар; Баратова Ш. Ўзбек халқ Ёр-ёрларининг жанр хусусиятлари // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент: 1998. – №2, 46-48-бетлар; Исмонова О. Фарғона водийси ўзбек тўй маросим фольклорида ёр-ёр жанрининг ижро ўрни // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 2006. – №4, 68-71-бетлар; Жўраев М. Ёр-ёрлар. Икки кўнгил бир бўлсин – Тошкент: 2016. Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи. Жами: 264 бет; Давлатов С. Қашқадарё воҳаси ўзбек тўй маросимлари фольклори. – Тошкент, 1996. Диссертация.

бераётган воқеалар, кечинмалар ўз ифодасини топади”.¹⁵ Дарҳақиқат, неча асрлар ошиб бизгача етиб келган, халқ қўшиқларида, шомонизм, анимизм, тотемизм каби диний эътиқодлар ўз изини қолдирибгина қолмай яқин ўтмиш ҳис-кечинмаларини ҳам ўзида ифодалаб келади.

Бизнинг тадқиқотимиз бўлган “Ёр-ёр” қўшиқларининг қадимий қўшиқлар эканлигини унинг ранг-баранг матнлари орқали ҳам билиб олишимиз мумкин. Уларда ҳар бир даврнинг руҳи, шукуҳи акс этиб туради. “Ёр-ёр” маросим қўшиқларининг илдизлари жуда қадим-қадимларга бориб тақалишини олимларимиз ўрганган бир неча тадқиқотлар орқали билиб олишимиз мумкин. Масалан, халқ қўшиқларининг энг содда ҳам мураккаб жанрларини ўрганган олим, Исҳоқ Ражабов “Ёр-ёр” қўшиқларини ўзининг содда интонацияси, ритмик хусусиятлари жиҳатидан мусиқа маданиятининг дастлабки даврларига мансубдир”,¹⁶ дея эътироф этади. Ҳаттоки, халқ “Ёр-ёр”лари таъсирида, баъзан, “Ёр-ёр”лардан фойдаланиб, шоир ва шоиралар томонидан “Ёр-ёр” қўшиқлари яратилиб, асарларида “Ёр-ёр” матнларидан фойдаланиб келинган.

Биз Навоий, Нодира, Фурқатнинг ва бошқа кўплаб шоирларимизнинг халқ “Ёр-ёр”лари таъсирида яратилган “Ёр-ёр”лар ҳақидаги байтларини кўришимиз мумкин.

Нодира соф муҳаббат, самимий севгини, одамнинг ички ва ташқи гўзаллигини ифодалаш учун “Ёр-ёр” қўшиғига мурожаат қилади. У қиз, йигит тавсифи, таърифи мотивидан озиқланиб, ғоявий ва бадиий жиҳатдан оригинал асар яратди. Нодиранинг “Ёр-ёр”и севги, садоқат ва гўзалликни мадҳ этади. Фурқат ҳам ўз асарларидан бирида тўй маросими ва келин-куёвлар таърифини келтириб, уларнинг содда самимий муҳаббатини таърифини келтириб ўтади.

Ўзбек халқ қўшиқларини тўплашда фольклоршунос олима, Музайяна Алавиянинг хизматлари беқиёсдир. Музайяна Алавия ўзбек халқ маросим қўшиқларининг мавзу қамрови, ғоявий мазмуни, бадиий хусусиятлари, ижтимоий моҳияти, қўшиқчиларнинг ижрочилик санъати, қўшиқларнинг

¹⁵ Эшонкулов Ж. Ўзбек халқ ижро санъатининг Номоддий маданий меросда тутган ўрни. // Номоддий маданий мерос ва фольклор ижро санъати анъаналари. – Тошкент: Наврўз, 2017. Лойиҳа раҳбари: профессор С. Йўлдошева. Ўқув қўлланма. – Жами: 214 бет. Б.45.

¹⁶ Турғунова Н. Фарғона водийси яллагичлик санъати. – Наманган: 2016. – Б.17.

тарихий асосларига доир кўплаб илмий тадқиқотлар олиб борган. М.Алавия ЎзР ФА Тил ва адабиёт институтининг фольклор экспедицалари иштирокчиси сифатида оилавий-маиший маросимлар билан алоқадор “Ўлан”, “Лапар”, “Ёр-ёр”, “Келин салом” каби жанрларга оид матнларни тўплаган.

Музайяна Алавия ўз тадқиқотларида “Ёр-ёр” кўшиқларига ҳам алоҳида тўхталиб, улар ҳақидаги ўз фикр мулоҳазалари ва хулосаларини билдириб ўтади. Жумладан, “Ўзбек халқ маросим кўшиқлари” монографиясида “Ёр-ёр” кўшиқларининг ўлан ва лапарлар билан генетик боғлиқлиги ва “Ёр-ёр” кўшиқларининг куйга муносабати ва ареал хусусиятларига мисоллар келтиради. Халқ “Ёр-ёр”лари ҳақида фикр юритар экан, “Ёр-ёр”лар ҳар бир ҳудудда ўзига хос тарзда намоён бўлишини таъкидлайди: “...биринчи йўлда, “Ёр-ёр” кўшиқлари шўх– қисқа ҳамда чўзиб, ижро этилишини, иккинчи усул, халқ тилида “Наманган йўли”¹⁷ деб, айтилишини қайд этганлар.

Ўзбек халқ кўшиқлари тадқиқи борасида энг самарали ишларни амалга оширган олим А.Мусакулов, “ўзбек халқ лирикаси – аслини олганда кўшиқларнинг барча турлари лирика жанрига мансуб. Бироқ, биз лирик кўшиқлар деганда ишқ-муҳаббат мавзусида яратилган кўшиқларни назарда тутамиз”,¹⁸ дейди. “Ёр-ёр”ларда асосан қизга тилаклар билдириш ва унинг мунгли кечинмаларини куйлаш бўлса-да, асосий урғу ишқ-муҳаббатдир. Уларда ишқ муҳаббат билан боғлиқ барча масалалар севиш, севилиш, оила куриш, вафодорлик, соғинч, ҳижрон, изтироб, бевафолик, хиёнат кабилар турли шаклларда ифода этилади. Ўз навбатида улар ҳозирда ҳам яратилишда давом этмоқда.

А.Мусакулов кўшиқларнинг тарихий асослари ҳақида сўз юритар экан, ўзбек фольклоршунослигида кўшиқлар соҳасидаги илмий тадқиқотлар асосан икки йўналишда олиб борилганини таъкидлайди. “Биринчи йўналишга оид изланишларда халқ кўшиқларининг тарихий илдизлари ҳақида кўплаб қайдлар, фикр-мулоҳазалар учрасада, уларда кўшиқларни ғоявий-бадиий таҳлил этиш

¹⁷ Алавия М. Ўзбек халқ маросим кўшиқлари. – Тошкент: Фан, 1974. Б.192.

¹⁸ Мусакулов А. Ўзбек халқ лирикаси. – Тошкент: Фан, 2010. Б.28.

устуворлик қилади. Иккинчи йўналиш эса, халқ поэзияси намуналарини тарихий-қиёсий метод асосида ўрганиш ва шу йўл билан халқ поэзиясининг тарихий-маиший асослари, поэтик ўзига хосликларини аниқлаш билан характерланади ва бу кейинги пайтларда этнофольклористик йўналиш атамаси билан изоҳланмоқда”.¹⁹ Албатта, ҳар бир соҳада аввало унинг яралиши, яъни тарихи ва шу давр ичида босиб ўтган йўли, давр тўсиқлари ва ўзгаришлар бизгача етиб келган оғзаки асарларда ўз ифодасини топади.

Асқар Мусақулов халқ лирикасининг қадим тасаввурлар, маросимлар билан боғлиқлиги унинг жуда қадимийлигини кўрсатади, дейди. “Анъанавий дунёқарашда кишилар ўз уруғи, қабиласидан бошқа кишиларни бутунлай бегона олам вакиллари деб тушунганлар. “Ёр-ёр” қўшиқларида куёв томоннинг ёт дунё вакиллари деб билиниши ҳам ана шунинг ҳосиласидир”.²⁰ Олимнинг ушбу фикрларининг ўзи ҳам, “Ёр-ёр” маросим қўшиқларининг жуда қадимий қўшиқлар эканлигини исботлайди. “Ёр-ёр” қўшиқлари исломгача бўлган даврларда ҳам тўла шаклланган қўшиқлар эканлиги “Ёр-ёр”ларнинг матнларида ҳам тўла намоён бўлади.

Аввал бошлаб айтайлик,

Ё бисмилло, ёр-ёр.

Бу оламини бор қилган,

Оллоҳ таоло, ёр-ёр.

Биздан бурун пайғамбарлар,

Ўтибдикан, ёр-ёр.

Умматларга йўл солиб,

*Кетибдикан, ёр-ёр.*²¹

Олим лирик қўшиқларни тавсиф қилар экан, “Ёр-ёр” қўшиқларидаги “қалин”, “чимилдиқ”, “чинор” каби этнографик деталларни ўрганиб чиқади ва халқ чимилдиқни келин-куёвни магик ҳимоя қилувчи, уларни бахтли, серфарзанд бўлиши учун ясалган ритуал буюм сифатида кўришини айтади.

¹⁹ Мусақулов А. Ўзбек халқ лирикаси. – Тошкент: Фан, 2010. Б.12.

²⁰ Мусақулов А. Ўзбек халқ лирикаси. – Тошкент: Фан, 2010. Б.21.

²¹ Икки кўнгил бир бўлсин. Ёр-ёрлар. Тўпловчи ва тузувчилар: М. Жўраев, Л. Худойкулова. – Тошкент: Ғ. Гулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2016. – Жами: 264 б. Б.16.

Дарҳақиқат, қўшиқлардаги ҳар бир детал, образ ўз-ўзидан қўшиқларга кўчмаган. Уларнинг ҳар бири ўзининг туб моҳиятига эгадир. Халқнинг қатъий анъаналарга айланган урф-одатлари қўшиқларда мустаҳкам сақланиб қолган.

“Ёр-ёр” қўшиқларига бағишланган чуқур изланиш ва тадқиқотлар қилинманган бўлса-да, олимларимизнинг бу борадаги илмий мақолалари ва маросим фольклорига бағишланган тадқиқотларидаги илмий назарий фикр-мулоҳазалари ва қарашлари мавжуд. “Ёр-ёр” қўшиқлари бўйича илк тадқиқот ишлари М.Алавиянинг илмий-назарий тадқиқотлари бўлса, профессор Б.Саримсоқовнинг “Мотам ёр-ёрлари ҳақида”ги мақолалари бу борадаги изланишларнинг давоми дейишимиз мумкин.

Мотам маросим фольклори айтимлари орасида, йиғи-йўқловлардан ташқари “Алла” ва “Ёр-ёр”лар ҳам ўрин олган. Мотам қўшиқларининг таснифи доирасига кирувчи “Ёр-ёр”лар силсиласи, ўзининг кенг таъсир доираси ва мунгли ноласи билан бошқа мотам қўшиқларидан фарқ қилиб туради. Улар тўй “Ёр-ёр”лари каби узоқ тарихга эга бўлмаса-да, ўз тарихига эга бўлиб, уларнинг илдизи тўй мотамларига бориб тақалади. Улар халқнинг қадим инончларига кўра, марҳум руҳини тинчитишга, имкон қадар унинг армонини ушалтиришга қаратилган қўшиқлардир.

“Маросим фольклори жанрларининг аниқ ижро ўрни, пайти, табиий ҳолати ва вазияти мавжуд. Масалан, мотам маросимида “Лапар” айтиб бўлмаганидек, тўй маросимида “Суст хотин” айтиб бўлмайди”,²² дейди, Б.Саримсоқов. Олим ўзбек фольклоршунослигидаги фольклор жанрларининг ижтимоий ҳаётнинг муайян соҳаси билан изчил хосланганлиги ва функционаллиги ҳодисаси ҳамма вақт турғун ва ўзгармасдир, деган фикрни ҳар доим ҳам ўринли эмаслигини, ўзбек маросим фольклори бўйича материаллар тўплаш, ҳар бир жанрнинг ижро ўрни, пайти, усули ҳамда уларнинг маросим пайтида бажарган вазифаларини синчклаб текшириш айрим жанрлар ўртасида функционал алмашилиш ҳодисаси мавжудлигини таъкидлайди. Бу худди тўй “Ёр-ёр”ларининг вақтлар ўтиши билан ўз функциясини бошқа ҳолатга

²² Саримсоқов Б. Мотам ёр-ёрлари ҳақида – Тошкент: Ўзбек тили ва адабиёти. 1983. №5 – Б. 29-33.

мослаганлиги билан изоҳланади.

Мазкур мақолада олим, ҳали ҳаёт лаззатларидан баҳраманд бўлмаган, фарзанд кўриб, ўзидан жамиятда бирор из қолдира олмаган, айна балоғат ёшидаги бокира қиз оламдан ўтса, ўзбекларда (кўпроқ Фарғона водийсида яшовчи аҳоли ўртасида) “Ёр-ёр” айтиш маросим мавжудлигини айтиб ўтади. Мотам ёр-ёрлари бу ҳудуддан ташқари бошқа регионларда ҳам тарқалган бўлиб, улар ҳозир айтилмасида ёши катта кишиларнинг хотираларида сақланиб қолган.

Мотам ёр-ёрлари Бухоро, Хоразм ва Амударё бўйларида яшовчи аҳоли ўртасида ҳам кенг тарқалган бўлиб, Бухорода бўй йигит бевақт вафот этса ҳам унга тенгдошлари “Ёр-ёр” айтиб, сўнгги йўлга кузатишган. Бу каби “Ёр-ёр”лар мунгли оҳангда тўй “Ёр-ёр”ларига нисбатан секин темпо, мурдани поклик сувига олиш ва кафанга ўраш пайтида марҳуманинг яқин кишилари(онасидан ташқари) янги чимилдиқнинг икки четидан тутишиб, секин-аста елпитиб, ярим овозда мотам ёр-ёрини бошлашади. Одатда, мотам ёр-ёрларини профессионал шахслар – ёр-ёрчи хотинлар томонидан айтилади, нақоратларида қизнинг яқинлари жўр бўладилар. Мотам ёр-ёрчилари кўпроқ ёши ўтиб қолган кексароқ аёллардан иборат бўлиб, улар сўзга чечан, кишиларга кучли таъсир қила оладиган қуйма мисралар ишлатишга уста бўладиган ва ўз санъатлари билан кишиларни янада кучлироқ йиғлашга даъват этадиган бўладилар.

“Мотам ёр-ёрларининг мазмуни, оҳанги, айтилиш усули шу қадар мунгли, дарднок ва дилсўзки, уларни тоқат қилиб хотиржам тинглаш мумкин эмас. Чунки бу “ёр-ёр” ҳурдек покиза ва покдомон қизнинг сўнгги йўлга узатилиш қўшиғидир”:²³

Ҳай-ҳай ўлан, ҳай ўлан, армонли қиз ёр-ёр,

Оналари кўнглига дардмонли қиз ёр-ёр.

Ойим қизим сочлари қаро толга ҳайинчак,

Она қизим кетади қаро ерга келинчак.

Б.Саримсоқов мотам ёр-ёрлари инсоннинг анимистик тасаввурлари билан

²³ Саримсоқов Б. Мотам ёр-ёрлари ҳақида // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент: 1983. – №5, Б. 29-33.

боғлиқ ҳолда мотам маросимидан жой олган бўлса ҳам, моҳият эътибори билан “Ёр-ёр” жанри ва ўлим маросими генетик алоқадорликка эга эмас, дейди ва шундай хулосага келади: “Мотам ёр-ёрларининг вазн тузилишидаги полиметрия, бизнингча икки нарсадан далолат беради. Биринчидан, мотам ёр-ёрлари генетик жиҳатдан тўй “Ёр-ёр”лари қадар узоқ тарихга эга эмас. Иккинчидан, мотам ёр-ёрлари бевосита армон билан дунёдан кўз юмган кизнинг арвоҳларини бўлса-да, тинчлантириш мақсадида айтилар экан, бу жанр бевосита тўй “Ёр-ёр”ларидан олиниб, маросим руҳи ва мазмунига мос ҳолда тамоман янгича йўналишда қайта ишланган”.²⁴

Ёр-ёр айтиб чимилдиққа кирдилар,

Совуқ тахта устида ёр-ёрларни айтдилар.

Оч юзимни, эй ғассол, дўстларимни бир кўрай,

Оч юзимни, эй ғассол, оналаримни бир курай...

Вазндаги бундай тебраниш ва ранг-баранглик мотам ёр-ёрларининг тўй “Ёр-ёр”лари асосида кейин юзага келганлигини тасдиқлашдан ташқари уларда ифода имкониятларини бойитиб, йиғичи ёр-ёрчилар учун эркинлик бағишлайди, дейди профессор, Б.Саримсоқов. Бундан ташқари, мазкур мақолада биз мотам ёр-ёрларининг, бир томондан, тўй “Ёр-ёр”лари, иккинчи томондан, йиғи-йўқловлар билан муносабатини, мазкур жанрлар ўртасида юз берган трансформациялар ва диффузиявий ҳолатларни жиддий тадқиқ этиш лозимлиги ҳақидаги фикрни илгари сурилганини гувоҳи бўламиз.

Ш.Турдимовнинг “Ўзбек лирик қўшиқларида поэтик рамзлар” мавзусидаги номзодлик диссертациясида халқ қўшиқлари поэтикаси яхлит ҳолда тадқиқот объекти бўлгани билан ўзбек тақдиқотида янги даврни — қўшиқлар поэтикасини ўрганиш даврини очиқ берганини эътироф этишади.

“Ёр-ёр” қўшиқлари мусиқий табиатига доир фикр-мулоҳазаларини билдирган устоз Раҳматжон Турсунов “Ёр-ёр”қўшиқларини мусиқий ўлчовлари, ундаги ритмик ўзгаришлардан ташқари, уларни шартли равишда типларга ажратади. Уларни кузатишларига кўра, Фарғона, Зарафшон, Хоразм

²⁴ Саримсоқов Б. Мотам ёр-ёрлари ҳақида // Ўзбек тили ва адабиёти.— Тошкент: 1983. — №5, Б. 29-33.

Бухоро-Самарқанд, Қашқадарё-Сурхондарё регионларида куйланадиган “Ёр-ёр”лар бир-биридан фаркланиб туради. “Умумий тарзда айтганда, барча типдаги “Ёр-ёр”ларнинг оҳанги асосида муайян тартибга солинган тор диапазонли куйлар уйғунлиги ётади. Уларнинг ҳар бири ўзининг куй тузилиш тартиби, оҳанг характери, ритми, ижро услуби, шеваси ва эмоционал таъсирчанлиги билан фарқ қилади”.²⁵

Тўй маросимлари ва маросим фольклорига тегишли жанрлар бўйича илмий тадқиқот олиб борган олимларимиздан яна бири фольклоршунос олим С.Давлатов бўлиб, “Қашқадарё воҳаси ўзбек тўй маросимлари фольклори”мавзусидаги филология фанлари номзодлиги бўйича диссертациясида Қашқадарё воҳасининг тўй маросимларини тадқиқ этди. Мазкур ишда олим, Қашқадарё воҳаси ўзбек тўй маросимлари билан алоқадор расм-русумлар, ўзбек тўй маросимлари фольклори жанрларининг ҳудудий типологик хусусиятлари, тўй фольклори жанрларининг бадиийлиги, маросим таркибида адо этган этно-фольклорий вазифаларини очиб беришга ҳаракат қилган.

“Ёр-ёр” кўшиқлари билан боғлиқ бўлган Қашқадарё воҳасига тегишли жараёнларни қисқача келтириб ўтамиз. Катта тўй куни, яъни фотиҳадан кейин, никоҳ тўйи бўладиган куни шомга яқин куёв жўралари билан келиннинг уйига келинни олиб кетиш учун ўз қавми-қариндошлари билан ташриф буюради. Куёв ва куёвжўралар келин ҳовлисида бироз ўйин қилишгач, махсус зиёфат дастурхонига таклиф этилади. Шундан сўнг, никоҳ ўқиш маросими ўтказилади. Никоҳ ўқиб бўлингач, махсус чимилдиқ тортилган хонага олиб кирадилар. Куёв кириб келишида келин томонидан бир кайвони аёл чимилдиққа ўтказмасликка ҳаракат қилиб, “ит ириллатар” расмини бажаради. Куёв жўралари кайвониға пул беради. Куёв жўрасига сарпо берилгач, куёвни ўтирганларға қарата таъзим қилдиради. Шу пайтда келинни ўланлар айтган ҳолда чимилдиққа бошлаб келишади. Олим воҳада чимилдиқ атрофида айтилган “Ёр-ёр” кўшиқларини **“ўлан”** деб номланишини кузатади:

²⁵ Турсунов Р. “Ёр-ёр”ларнинг мусикий табиати. // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1990. – №1. Б. 59-62.

*Бизлар ёр-ёр айтайлик,
Бирдай бўлиб, ёр-ёр.
Тонг саҳарда очилган,
Гулдай бўлиб, ёр-ёр.
Давлатингни борида,
Тўй қила кўр, ёр-ёр.
Остонаси тиллодан,
Уй қила кўр, ёр-ёр²⁶.*

Қашқадарё воҳаси ва бошқа ҳудудларда ҳам “Ёр-ёр” кўшиқлари никоҳ тўйининг айна қайсидир бир вақтида эмас, маълум бир мос келувчи келин билан боғлиқ бўлган кўп вазиятларда куйланаверади. Авваллари келин ва дугоналари араваларда куёвнинг уйига боришган. Келин араваларда олиб кетилган пайтларда йўл-йўлакай келин дугоналари, янгалари “Ёр-ёр” айтиб боришган. “Ёр-ёр” кўшиқлари куёвнинг уйига етгунча қадар босиб ўтиладиган йўлнинг серфайз ўтишини таъминлашдан ташқари тўйга ўзига хос таъсирчанлик, шукуҳ бағишлайди. Қолаверса, “Ёр-ёр” кўшиқлари турмушга узатилаётган қиз ва унинг дугоналари учун кўнгил дардларини ёзиш, севишганларга дил изҳор қилиш каби вазифаларни ҳам ўтаган:

*Келинчакнинг йўлига,
Гуллар сочай, ёр-ёр.
Шу тўйда севганимга,
Кўнгил очай, ёр-ёр.
Йигитларни маст қилган,
Қизлар бўйи, ёр-ёр.
Юракларда жаранглар,
Ёр-ёр қуйи, ёр-ёр.²⁷*

Бундан ташқари, кўнгил хушлаш, тўйни янада қиздириш, атрофдагиларга кулгу улашиш, дили пора бўлаётган она ва келинчакнинг кўнглини кўтариш

²⁶ Давлатов С. Х. Қашқадарё воҳаси ўзбек тўй маросимлари фольклори. – Тошкент: 1996. Диссертация.

²⁷ Икки кўнгил бир бўлсин. Ёр-ёрлар. Тўпловчи ва тузувчилар: М. Жўраев, Л. Худойкулова. – Тошкент: Ғ. Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2016. – Жами: 264 б. Б.173.

мақсадида, ўзига хос юмор, ҳазил-мутойиба руҳи устунлик қилувчи “Ёр-ёр”лар ҳам куйланган:

Гулдираган овоз келар,

Яқин сойдан, ёр-ёр.

Бу индамас поччамизни,

*Топдинг қайдан, ёр-ёр.*²⁸

Ҳар бир ҳудуднинг “Ёр-ёр”лари ўзгачалиги билан ажралиб турса-да, ўзбек халқи яшайдиган барча ҳудудлар учун анъанавий бўлган “Ёр-ёр”лар ҳам борки, улар Қашқадарёнинг барча ерларида ҳам бир хилда ижро этилаверади:

Дарёга тош отманглар, ботар-кетар, ёр-ёр,

Узоққа қиз берманглар, олар-кетар, ёр-ёр.

Ҳар бир ота-она ўз қизининг кўз олдида бўлишини хоҳлайди. Лекин афсуски, кўпинча қиз бола палахмон тошидек, қисмати буюрган ерга тушади. Ота-она узоққа бегона хонадонга тушган фарзанднинг ҳоли қандай кечганидан ташвишга тушади, бироқ ҳамма вақт унинг тинчлигини, омонлигини тилашади. Қуйидаги “Ёр-ёр” мисраларида ана шу эзгу истаклар ифодаланган:

Узоққа берган қизнинг ранги сариқ, ёр-ёр,

Кўзидан оққан ёши мисли ариқ, ёр-ёр.

Мисли ариқ мис бўлсин, сомон бўлсин, ёр-ёр,

Узоққа тушган синглим омон бўлсин, ёр-ёр.

С.Давлатов мазкур тадқиқот ишида, “Ёр-ёр” кўшиқларининг вазн тузилиши, мисраларнинг шаклий тузилиши, (жумладан, мисралар тузилиши шаклан мустазодга ўхшаса ҳам, лекин вазн нуқтаи назаридан бу хилдаги “Ёр-ёр”лар мустазод вазнига, яъни ҳазажи мусаммани ахраби макфуфи маҳзуфга тўғри келмайди) матний таҳлиллари, қофияланиши, баъзи рамзий образлар, ҳамда грамматик таҳлилларига тўхталиб ўтган. Айнан бу ҳудуд учун мос бўлган баъзи “Ёр-ёр” намуналарини ҳам тадқиққа солади:

Куёв йигит таърифин қилай баён, ёр-ёр,

²⁸ Икки кўнгил бир бўлсин. Ёр-ёрлар / Тўпловчи ва тузувчилар: М. Жўраев, Л. Худойкулова. – Тошкент: Ғ. Гулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2016. – Жами: 264 б. Б.153.

Йигитларнинг ичида Соҳибқирон, ёр-ёр.

Мазкур “Ёр-ёр” бошқа ҳудудларда кам ижро этилади. Кўпинча “Ёр-ёр”ларда келиннинг таъриф-тавсифи куйланади. Келинга қаратилган тавсифларда, албатта, унинг вазмин, андишали ҳамда гўзаллигига урғу берилади. Келинга хос сифатлардан вазминлик андишалилик ва чиройнинг танлаб олиниши бежиз эмас. Чунки андиша, вазминлик ва жозибали чирой ҳар бир кишининг ички ҳамда ташқи гўзаллигини таъминловчи белгилардан иборат:

Энди айтай ёронлар, қиз таърифин, ёр-ёр,

Вазмин, яхши қиз – келин бир нозанин, ёр-ёр.

Эпли-сепли келиним ширин калом, ёр-ёр,

Сўзларини эшитганлар бўлғай гулом, ёр-ёр.

Қашқадарё никоҳ тўйларидаги энг қизиқ удумлардан яна бири келинчакни “Ёр-ёр” айтиб олиб кетишда қишлоқдан чиқаверишда ўсмирлар қизғаниш, “рашк” маъносида йўлини турли нарсалар билан тўсиб туришади. Мана шунда келин томонни бошлаб кетаётган куёв томоннинг вакили куёв томоннинг вакили йўлни тўсган кишиларнинг пул ёки кийим-кечак бериб кўнглини олмаса, тўсиқ очилмай келин ва унинг карвони ушлаб турилади. Ушбу одат Қашқадарёда “боққан олди”, айрим жойларда ўтмишда “боқон олди” деб юритилган.

Богда қўчқор боғламоқ,

Давлат экан, ёр-ёр.

Қалин бериб қиз олмоқ,

Одат экан, ёр-ёр²⁹.

Шундан кейин, яна “Ёр-ёр” айтишиб йўлда давом этишади:

Синглим тушган жойларга ой бўлайин, ёр-ёр,

Куёв чеккан чилимга най бўлайин, ёр-ёр.

Куёв уйига етишгач, келинчакни гулхан атрофида уч маротаба айлантиришиб, “Ўлан”, яъни “Ёр-ёр” айтишади. Бу ерда оловдан айлантириш

²⁹ Икки кўнгил бир бўлсин. Ёр-ёрлар / Тўпловчи ва тузувчилар: М. Жўраев, Л. Худойкулова. – Тошкент: Ғ. Гулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2016. – Жами: 264 б. Б.127.

удуми ўтнинг покловчилик вазифасини ўташи ҳақидаги қадимги оташпарастлик дини билан боғлиқ бўлиб, аجدодлардан қолган мерос сифатида ҳалигача кўп ҳудудларда амал қилиб келинади. Мана шу пайтда ҳам қуйидагига ўхшаш “Ёр-ёр”лар айтишади:

Келин келди, ёқилган,

Олов қани, ёр-ёр.

Сиз мақтаган, ботир деган,

*Куёв қани, ёр-ёр*³⁰.

Албатта, кейинги пайтларда гулхан атрофида келинни айлантериб, “Ёр-ёр” айтишлар деярли, камайиб қолди. Борди-ю, бу удум ўтказилганда ҳам, уларда “Ёр-ёр” кўшиқлари жуда камдан-кам айтилади. Аммо, агар “Ёр-ёр” айтилса, олов атрофида айланиб бўлишгач, куёв ҳовлисида туриб йиғилганлар олдида келиннинг атрофида келин янгалар йиғилишиб, “Ёр-ёр” айтгувчи томонидан икки ёшга яхши тилаклар билдириш учун, қуйидаги тилак, истаклар жо бўлган “Ёр-ёр”лар айтилади:

Иккисининг уйлари, мисли гулзор, ёр-ёр,

Ўғил қизи кўп бўлса, кўнгли ўсар, ёр-ёр.

Куёв қайлиқ иккиси, униб-ўссин, ёр-ёр,

*Тўққиз қизу тўққиз ўғил, худо берсин, ёр-ёр*³¹.

“Ўзбек халқ мотам маросими фольклорининг жанрий таркиби, генезиси ва бадиияти”ни ўрганган олима Дармон Ўраева мотам маросими кўшиқларини таҳлилга тортади. Унда мотам кўшиқлари инсоннинг оғир дамдаги ҳаёти, унинг тушкун руҳияти, ташвиш-кулфати, орзу-армонларини ифодалашини ва шу билан маълум жанрий таркибда бўлиб, ўзига хос яхлит бадиий тизимни ташкил этишини таъкидлайди.

Д.Ўраева бу тадқиқотида мотам ёр-ёрларига алоҳида тўхталиб, уларнинг тўй “Ёр-ёр”ларидан фарқланишини қуйидагича изоҳлайди: “Мотам ёр-ёрлари поэтик табиатига, ижро ўрни, пайти, усулига кўра тўй “Ёр-ёр”ларидан жуда

³⁰ Икки кўнгил бир бўлсин. Ёр-ёрлар. Тўпловчи ва тузувчилар: М. Жўраев, Л. Худойкулова. – Тошкент: Ғ. Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2016. – Жами: 264 б. Б.172.

³¹ Давлатов. С. Х. Қашқадарё воҳаси ўзбек тўй маросимлари фольклори. – Тошкент: 1996. Диссертация.

фарқ қилади. Бу ҳол, даставвал, тўй “Ёр-ёр”ларининг мавзувий кенглиги ва мотам ёр-ёрларининг эса мавзу жиҳатидан чегараланганлигида кўзга ташланади”³².

Тўй “Ёр-ёр”ларида, асосан, келин қилиб узатилаётган қизга бахт, борган жойида саодат, муқимлик тилаш ёки бўлмаса, ўзи севмаган кишига мажбуран узатилаётган қизнинг ноласини ифодалаш мотивлари етакчилик қилса, мотам ёр-ёрларида эса фақат биргина мотив-балоғат ёшида, эндигина орзулари куртак ёза бошлаганда бевақт оламдан кўз юмган бокира қизнинг армони, ота-она умидлари чилпарчин бўлгани ҳақида куйланади.

М.Якуббекова “Ўзбек халқ кўшиқларининг лингвопоэтик хусусиятлари” мавзусидаги докторлик диссертацияси билан ўзбек халқ кўшиқларининг лингвопоэтик таҳлили тамойиллари, улардаги ўхшатиш ҳодисаси, ўхшатишнинг структурал-композицион хусусиятлари, ўхшатишларнинг лексик ва грамматик табиати масаласини ёритишга ҳаракат қилган. Халқ кўшиқларидаги метафора ҳодисаси, от, сифат, феъл ва бирикмали метафоралар ҳақида сўз юритиб, булар борасидаги фикр-мулоҳазаларини билдиради.

Албатта, халқ кўшиқлари ўрганилишга тортилар экан, улар орасида маросим кўшиқларининг асосий ўринга чиқиши натижасида мазкур кўшиқларни ҳеч бир тадқиқотчи четлаб ўта олмайди. Бу жараёнда “Ёр-ёр”ларнинг ҳам катта ўринга эга эканлиги унинг ҳам ўрганилишига сабаб бўлади. Мазкур тадқиқотда олима “Ёр-ёр”ларнинг матнларидаги ўхшатиш, метафора, сифатлаш ҳодисаси, сифатлаш турларига алоҳида тўхталиб ўтади.

Р.Ҳ.Носиров “Ўзбек халқ кўшиқлари композицияси” мавзусидаги номзодлик диссертациясида ўзбек маросим кўшиқлари ва лирик кўшиқлар композицияси ҳақида сўз юритар экан, занжирли композицияга эга бўлган кўшиқларда, муайян даражада воқеабандлик мавжуд бўлади, дейди. Халқ кўшиқлари композицияси, кўшиқ ижодкорлари нуқтаи назари, мақсади, уларнинг айтмоқчи бўлган ғоясини энг қулай ва таъсирчан ифодалашга хизмат

³² Ўраева Д. С. Ўзбек мотам маросими фольклорининг жанрий таркиби, генезиси ва бадиияти. – Тошкент: 2005. Диссертация.

қиладиган тарзда асар қисмларининг жойлашиши, мантикий тартиби, уларнинг ўзаро мувофиқлиги, тасвир ва ифода меъёр ва мезоннинг сақланиши, образлар бирлигини таъминлаши, қўшиқнинг ғоявий-бадий яхлитлиги ҳисобланади.

Муסיқашунос олима Насиба Турғунова, Қўқон туманидаги аёлларнинг яллачилик санъатларини ўрганар экан, тўй маросимларида куйланиб келинаётган “Ёр-ёр” қўшиқларининг водий аёллар ижрочилигидаги ўзгаришлар, фарқлар ҳақида ўз фикр мулоҳазаларини билдириб ўтади. Наманган шаҳрида ўтазиладиган никоҳ тўйи маросимдаги куйлаб келинаётган қўшиқларнинг айтилиш жараёни билан боғлиқ этнографик деталлар, қўшиқларнинг ижро усуллари ҳақида, водийда ижро этиладиган “Ёр-ёр”ларнинг ўзига хос турфа кўринишлари мавжудлигини баён қилади. Наманган “Ёр-ёр”и икки вариантда намоён бўлишини: “бири қизни куёвникига кузатиб боришда ижро этилса, иккинчиси эса, қиз ва куёвнинг оналари бир-бирлариникига борганларида “Хуш келдингиз” номи билан юритиладиган “Ёр-ёр”³³ эканлигини айтади.

“Ёр-ёр” қўшиқлари бўйича энг сўнгги изланишлардан бири Маматкул Жўраев ва Латифа Худойкулованинг илмий изохлар ва луғатлар билан нашрга тайёрлаган “Икки кўнгил бир бўлсин” номли миллий меросимиз дурдоналари рукни остидаги тўпламларидир. Унда икки мингдан зиёд “Ёр-ёр” тўртликлари тўпланган бўлиб, “Ёр-ёр” матнларига изохлар, шевадаги сўзлар учун луғатлар билан жамланган ҳолда нашр этилган.

Шундай қилиб, маросим фольклорининг ажойиб намунаси бўлган “Ёр-ёр” қўшиқлари дилтортар жозибаси сабаб, бир қадар олимлар тадқиқи ва таҳлилларига сабаб бўлган. “Ёр-ёр”ларни ареал ўрганиш ҳам олимларимиз назаридан четда қолмай, уларнинг бу борадаги айрим фикр-мулоҳазалари, бизга кейинги ўринларда ареал хусусияти бўйича хулосалар чиқариш имконини берди.

³³ Н.Турғунова. Фарғона водийси яллачилик санъати. – Наманган: 2016. – Б.57.

1.2. “Ёр-ёр” қўшиқларининг ареал хусусиятлари

Халқ қўшиқларнинг ижтимоий моҳияти ҳақида тарихчи Поль Лафарг шундай дейди; “Халқ қўшиқлари халқ кўнглидаги қайғу-ҳасрат ва шодлиқларнинг йўлдоши, унинг билим қомуси, унинг фалсафа китобидир. Қўшиқ бир хазинадурки халқнинг кўнгли ўз иймонини, ўзининг тарихини, ўз миллати тарихини бу хазинага топшириб қўяди”³⁴. Дарҳақиқат, халқ қўшиқларида халқ ҳаётининг тараққиёт босқичлари, турмуш тарзи, урф-одатлари, анъаналари ва халқнинг орзу-армонлари яшайди. Асрлар оша қайсидур асар йўқ бўлиб кетар, аммо, халқ оғзаки яратиб, оғзаки узатиб келаётган асарлари, бизни уларнинг дарду-ташвишлари ва орзуларидан хабардор қилиб туради. Қўшиқ бу қалбларнинг тугўни, руҳнинг исёни, инсон туйғуларининг юксак чўққисидир!

Н.Раҳмонов ва Б.Саримсоқовларнинг фикрига кўра, қадимги туркий халқларда йирик эпик фольклор жанри бўлмаган, улар дастлаб қаҳрамонлик қўшиқлари, ихчам баён қилувчи ҳикоялар шаклида бўлган. Бу эса, фольклор асарларини ёдда сақлаб қолишни, бир авлоддан иккинчи авлодга етказишни, жуғрофий тарқалишини осонлаштирган. Фольклор асарларида ўзбек халқининг эзгулик ва ёвузлик, ижтимоий адолат, фаровон ҳаёт, меҳр-муҳаббат каби умуминсоний ғоялари ифода этилганки, айнан улар боис этник маданиятда “боқий мавзулар” шаклланган. Айнан “Ёр-ёр” қўшиқлари ҳам ўлмас боқий мавзулардан бири десак муболаға бўлмайди. Шунинг учун ҳам улар ҳали ҳамон барча туркий халқлар ҳаётида муҳим аҳамият касб этиб келмоқда.

“Ёр-ёр” қўшиқлари ўзбеклардан ташқари, қорақалпоқ, қозоқ, қирғиз, туркман ва тожик халқлари никоҳ тўйларида ҳам мустақил жанр сифатида ижро этилиши жиҳатидан уларни гомоген (бир халқ доирасида) ва гетроген (турли халқлар доирасида) ареал ўрганиш имконияти мавжуд. Биз эса, мазкур тадқиқотимизда имкониятларимиз чекланганлигини ҳисобга олиб, “Ёр-ёр”ларни гомоген ареал ўрганишни лозим топдик.

³⁴ Алавия М. Ўзбек халқ қўшиқлари. – Тошкент: 1959. Диссертация. – Жами: 162 бет. Б.21.

“Ёр-ёр”ларнинг маросим фольклорида тутган ўрни, ижро тарзи, бажарган вакиллари бўйича илк тадқиқотларни М.Алавия, Б.Саримсоқов каби фольклоршунослар ўрганишган. Кейинроқ жанрнинг у ёки бу регионлардаги тўй маросимларида ижро этилиши ва бадиияти ҳақида махсус тадқиқотлар амалга оширилди.

Славян халқлари фольклорини ареал ўрганиш, фольклор карталарини тузиш муаммолари ҳақида турлича концепциялар, қарашлар 50-йилларнинг охириларида бошланган эди. Ўзбек фольклори ареалогияси эса йўқ даражада. Бу борада фақат С. Шодиевнинг мақоласи мавжуд. Унда фольклор жанрларини ареал ўрганишнинг йўналишлари, назарий ва амалий муаммолари ҳақида аниқ тақдир ва мулоҳазалар билдирилмаган бўлса ҳам бироқ маросим фольклорларини ареал ўрганиш лозимлиги ва зарурлиги тўғри қайд этилган. Чунки, биринчидан, маросим ва унда ижро этиладиган фольклор асарлари халқ ҳаётида юз бераётган турли иқтисодий, сиёсий ва маданий ўзгаришлар натижасида тез сўниш ёхуд ривожланишга учраб туради.

Маросим фольклорининг ҳар бир жанри эса, халқ маиший, руҳий ҳолатининг ўзига хос барометри ҳисобланади. Иккинчидан, маросим фольклори жанрларини ареал ўрганиш келгуси тадқиқотчилар учун тайёр тадқиқот майдони бўлиб, у ёки бу жанрнинг вужудга келиш ўрни, тарқалиш доираси, маҳаллий тафовутларни аниқлаш учун замин ва имконият яратиб беради. Ареал ўрганиш учун энг аввало, унинг муқобил аспектларини белгилаб олиш керак.

Бизнингча бу муаммони ҳал этишнинг икки йўли мавжуд. Биринчиси қардош ва қардош бўлмаган халқлар оғзаки ижодидаги материалларни гетроген ўрганиш. Бунда туркий халқлар ижодидаги муайян жанрнинг барча қирраларини қиёсий ўрганиш орқали унинг тарқалиш доираси, фаоллик даражаси, анъанани сақлаб қолиш миқёсини ёки шу жанр таркибидаги бирор асарнинг қардош ёхуд қардош бўлмаган халқлар оғзаки ижодида вужудга келиши, ғоявий-бадиий аҳволи, пайдо бўлиш ўрни генетик ёки типологик жиҳатдан алоқадорлиги, контакт алоқадорлик хусусияти ва фаоллик

даражасини белгилаш мумкин. Ўзбек ва тожиклар, қорақалпоқ, туркман, қозоқ, қирғиз, азарбайжонларда “Ёр-ёр” жанрини қиёсий ўрганиш бунинг ёрқин мисолидир.

Гомоген йўналишдаги ареал ўрганиш ягона бир халқ фольклоридаги ўхшаш материаллар қиёсига асосланади. Ареал ўрганиш мавжуд материални палапартиш муқояса қилиш эмас, балки уни муайян таксономик бирликлар асосида қиёсий текширишдан иборат. Бунинг учун аввал фольклорга хос таксон нимадан иборат эканлигини аниқлаб олиш керак бўлади. Фольклорга хос таксон ё гетроген, ё гомоген хусусиятга эга бўлган материални изчил тизим асосида қиёсий ўрганиш учун шартли қабул қилинган бирликлардан ташкил топган. Агар таксонлар аниқ белгилаб олинмас экан, фольклор материалининг замоний ва маконий ҳолати, ғоявий ва бадиий қимматини тўғри белгилаб олишнинг имкони бўлмайди. Шу боис ҳар бир таксонни белгилашда ана шу бирлиكنинг тарқалиш майдонини, яъни миқёсини аниқлаб олиш зарур.

Фольклорга хос таксоннинг энг йирик – максимал бирлиги жанр ҳисобланади. Бинобарин, муайян жанр, масалан, эртак ёки достон, бир типдаги миқёс саналади. Унинг минимал, яъни энг кичик таксонини ана шу жанрга мансуб ягона асар ва унинг таркибий қисмлари ташкил этади. Масалан, эпик жанрларда сюжет, композиция, эпик от, қурол-яроғ, эпик маиший ҳаётга оид ҳар бир деталь кабилар алоҳида-алоҳида таксонлар сифатида қиёсий ўрганиш объекти бўла олади. Лирик жанрларда эса кечинма, лирик қаҳрамон, мавзу тасвир ҳамда ифода воситалари, лирик мотив, шеърый шаклга оид банд, вазн, қофия кабилар мустақил таксонларни ташкил этади.

Ареал ўрганиш учун объект танлаганда унинг аниқ бир ҳолатини белгилаб олиш зарур. Бунда муайян жанр ёки унга мансуб асар бошқа регионларда яшовчи халқлар оғзаки ижодида ҳам мавжудлиги аниқланади. Шу жиҳатдан қаралса, “Ёр-ёр” жанри ўзбек, қозоқ, қирғиз, қорақалпоқ, туркман ва тожиклар тўй маросимлари фольклорида мавжуд.

Бизнинг ҳудудимизда куйланадиган “Ёр-ёр” қўшиқларининг ареал фарқланишлари борасида Музайяна Алавия, Раҳматжон Турсунов ва Насиба

Турғунованинг тадқиқотлари мавжуд, холос. Улардан Раҳматжон Турсунов “Ёр-ёр” қўшиқларини мусикий ўлчовлари, ундаги ритмик ўзгаришлардан ташқари, уларни шартли равишда типларга ажратади.

Уларни кузатишларига кўра, Фарғона, Зарафшон, Хоразм Бухоро-Самарқанд, Қашқадарё-Сурхондарё регионларида куйланадиган “Ёр-ёр”лар бир-биридан фарқланиб туради. “Умумий тарзда айтганда, барча типдаги “Ёр-ёр”ларнинг оҳанги асосида муайян тартибга солган тор диапазонли куйлар уйғунлиги ётади. Уларнинг ҳар бири ўзининг куй тузилиш тартиби, оҳанг характери, ритми, ижро услуби, шеваси ва эмоционал таъсирчанлиги билан фарқ қилади. Масалан, Тошкент ва Фарғона водийсида айтилиб юрилган “Ёр-ёр”ларнинг куйи Хоразм вилоятидаги “Ёр-ёр”ларнинг куй тузилишига, характерига, ритм ўлчовига ва шевасига сира ўхшамайди. Бухоро, Самарқанд “Ёр-ёр”лари эса ўзининг мураккаб доира усуллари билан, ижро йўли билан, куйнинг ўйноқчилиги билан алоҳида ажралиб туради. Қашқадарё, Сурхондарё вилоятларида айтиладиган “Ёр-ёр”лар бошқа региондаги “Ёр-ёр”лардан тубдан фарқ қилади. Бу регионда асосан “Ёр-ёр”ларни доира жўрлигисиз хотин-қизлар айтади”³⁵. Бундан кўринадики, олимларимизнинг кузатишларида ҳам баъзи фарқлар мавжуд бўлиб, булар маълум ҳудуддан келиб чиқиб хулоса қилишга ҳам боғлиқдир.

“Ёр-ёр”жанри республиканинг барча ҳудудларида гомоген хусусиятга эга. Демак, жанрнинг гомоген ҳолатда тарқалиш доираси, фаоллик даражасини ареал тадқиқ этишда биз мавзу, образ, тасвир ва ифода воситалари, шеър тузилишига алоқадор банд, вазн, қофия кабиларни таксонлар сифатида танлаб олдик. Худди мана шу таксонлар асосида “Ёр-ёр” қўшиқларини ареал ўрганишда жанрнинг тарқалиш ҳудудларини ҳам белгилаб олиш шарт. Бизнингча, “Ёр-ёр” қўшиқларини қуйидагича ҳудудларга бўлиб ўрганиш мақсадга мувофиқ:

1. Қашқадарё – Сурхондарё ареал ҳудуди;

³⁵ Турсунов Р. “Ёр-ёр”ларнинг мусикий табиати. – Тошкент: 1990. Ўзбек тили ва адабиёти. – №1. Б.59-62.

2. Самарқанд – Бухоро ареал ҳудуди;
3. Фарғона-Андижон ареал ҳудуди;
4. Наманган ареал ҳудуди;
5. Тошкент ареал ҳудуди;
6. Хоразм ареал ҳудуди ва бошқалар.

“Ёр-ёр” жанрини бундай ҳудудларга бўлиб ареал ўрганишда биз унинг ижро ўрни, ижро усули, тарзи, образлар тавсифи, мусиқага муносабати, аҳолининг этник таркиби каби жиҳатларга алоҳида эътибор қаратамиз. Албатта, юқоридаги ареал ҳудудлар – фақат “Ёр-ёр” кўшиқлари учун хосдир. Ўзбек фольклорининг бошқа жанрларини ареал ўрганишда эса ҳар бир жанрнинг ўзига хослиги ва шаклланиш ҳолатидан келиб чиқилган ҳолда, мутлақо ўзгача ареал зоналар белгилаб олинади.

Энди эса тадқиқотимизда, айрим ҳудудларнинг “Ёр-ёр” намуналарини бир-биридан фарқли жиҳатлари хусусида тўхталиб ўтамиз.

Бухоро вилоятининг ҳам тўй маросим кўшиқлари, бошқа ҳудудларга нисбатан фарқли жиҳатлари билан ажралиб туради. Бухоро вилоятининг Қоракул, Олот туманларида, шунингдек, Туркменистон Республикасининг Фороб туманида ўтказиладиган никоҳ тўйи маросими фольклорида “Ёр-ёр, ёрони” кўшиқлари мавжуддир. Кейинги пайтда бу кўшиқнинг ижро ўрни кенгайган бўлиб, тўйда кўшиқ айтувчи санъаткорлар репертуарига ҳам кириб борган. “Ёр-ёр, ёрони” тўртликлардан иборат бўлган анъанавий кўшиқ бўлиб, ҳар бир мисрадан кейин “Ёр-ёр, ёрони” такрори қайтарилади. Лирик характердаги бу кўшиқ а-а-б-а тарзида қофияланган бўлиб, етти бўғинли вазн тузилишига эга.

Қалдирғоч қаро бўлур, ёр-ёр ёрони,

Қаноти ола бўлур, ёр-ёр ёрони,

Ёшликда қўйган кўнгил, ёр-ёр ёрони,

*Айрилмас бало бўлур, ёр-ёр ёрони*³⁶.

“Ёр-ёр” кўшиқлари ҳозирги кунда энг кам ижро этилаётган ҳудуд бу Хоразмдир. Аммо, бу билан уларда “Ёр-ёр”лар олдиндан кам ижроланган деб қараш ноўрин бўлар эди. Хоразм энг қадим тарихга эга кўҳна, улуғвор шаҳарларимиздан биридир. У ерда маданият ва санъат ҳар даврда ўзининг гуллаб яшнаганлиги билан машҳурдир.

Қадимий тарихга эга бўлган, Хоразм кўшиқчилик санъатининг ижро усуллари ўзига хослиги билан ажралиб турган, яъни турли тана ҳаракатлари, руҳий ҳолат ва кечинмалар ифодаси, жозибадорлик, шўхчанлик уларга хос хусусият бўлган. Кўшиқлар турли байрамларда, танатаналарда, маросим ва тадбирларда ижро этилган.

Тўй кўшиқлари регионал жиҳатдан ҳам фарқланишига асосланиб, Хоразм “тўй кўшиқлари” ҳақида ҳам қисқача сўз юритамиз. Хоразм никоҳ тўйларида “Ёр-ёр”, “Ўлан” айтиш бошқа вилоятларга нисбатан кам учрайди. Бу Хоразм воҳаси тарихий тараққиётининг ўзига хослиги билан боғлиқ. Хоразмда асосан, “Ёр-ёр”, “Ўлан” вазифасини туркум кўшиқлар бажаради. Бу кўшиқлар асосан халфалар томонидан ижро этилиб, уларнинг матни ва ижро тартиби нисбатан барқарор.

Жавоб бўлди сизга гул юзли бойлар,

Боринг, бошланг, ўнглар бўлсин, тўйингиз,

Келин учун ясанг тилло саройлар,

Бошлайверинг, ўнглар бўлсин, тўйингиз.

Бир тўй қилинг ҳамма қолсин ҳайрон-а,

Айттириб юборинг жумла-жаҳона

Тўққиз қўзи сўйинг жисзи бир ёна,

*Жавоб бердим, ўнглар бўлсин, тўйингиз*³⁷.

Ёки, халфалар томонидан ўзларининг тўй кўшиқлари ижро этилади.

Қадам босиб галди бизнинг эллар-а,

³⁶ Ой олдида бир юлдуз. Ўзбек халқ маросим кўшиқлари. Тўплаб, нашрга тайёрловчи, кириш сўзи ва изоҳлар муаллифи: М. Жўраев. – Тошкент: Ғ.Хулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 2000. – Б.102.

³⁷ Ой олдида бир юлдуз. Ўзбек халқ маросим кўшиқлари. Тўплаб нашрга тайёрловчи кириш сўзи ва изоҳлар муаллифи: М.Жўраев. – Тошкент: Фан, 2000. – Б.27.

*Айланай келиннинг қадди бўйиннан,
Булбул учиб қунар тоза гуллар-а,
Айланай куёвнинг қадди бўйиннан.
Куёв йигит турма бойлар белина,
Хафалик келмасин болам куйинингга
Келинойим хина ёқар қўлина,
Айланай куёвнинг қадди бўйиннан.*³⁸

Хоразм тўй қўшиқлари “Тўй бошлашга ижозат” билан бошланади. Бу туркум қўшиқлар узоқ йиллар давомида шаклланган. Уларда дostonлар, классик адабиёт намуналарининг таъсири ҳам равшан кўриниб туради. Хоразм тўй қўшиқлари халқ томонидан табиий равишда туркумлаштирилган.

Хоразмда уч хил йўналишда куйловчи халфалар бўлиб, уларнинг келиб чиқиши Зардуштийлик дини билан боғланади. Биринчи халфалар бу китобий халфалар бўлиб, улар асосан, дostonларни ижро этишади, мушкулкушод, бибисешанба каби удумларнинг айтимларини айтишади ва маросимларини ўтказишади. Иккинчи халфалар созий халфалар, улар халқ орасидаги қўшиқларни айтишади ва камдан кам ўзлари ижод қилишади. Учинчиси ижодкор халфалар бўлиб, улар қўшиқнинг матнини ҳам, куйини ҳам ўзлари яратишади. Бу уч халфалардан фақат китобий халфалар “Ёр-ёр” қўшиқларини айтишади. Айтганда ҳам бошқа “Ёр-ёр” қўшиқларидек мусиқа жўрлигида эмас, балки шеърӣ тарзда ўқишади. Айнан унинг шеърӣ усулда айтимлардек ўқилиши, махсус халфалар ижросида айтилиши, унинг бошқа худудларнинг “Ёр-ёр” қўшиқларидан ажратиб туради. *Ёр-ёр айтган кишини, худо суяр, ёр-ёр.*

*Тани-жони доимо, соғлом бўлар, ёр-ёр.*³⁹

Фарғона –Тошкент қўшиқчилиқ санъати ҳоҳ у мақом санъати бўлсин, ё халқ оғзаки ижодида яратилган қўшиқлар бўлсин доим бир-бирига яқин ва ҳамоҳанг қўшиқлар бўлган. Аммо, Фарғона –Тошкент “Ёр-ёр”лари ҳам, ўзига хос оҳанг, усуллари билан бир-биридан фарқ қилади. Ғанижон Тошматов

³⁸ Ой олдида бир юлдуз. Ўзбек халқ маросим қўшиқлари. Тўплаб нашрга тайёрловчи кириш сўзи ва изоҳлар муаллифи: М.Жўраев. – Тошкент: Фан. 2000. Б.30.

³⁹ Остонаси тиллодан. Тўй қўшиқлари. Нашрга тайёрловчилар: Мусақулов А., Мирзаева. М. – Тошкент: Фан. 1992. Б.32.

дуторчи қизлар ансамбли аъзоларига халқ “Ёр-ёр”ларининг турли ҳудудга хос вариантларини устоз-шогирд анъанасини давом эттирган ҳолда ўргатиб келган. Уларнинг шогирдлари Дилором Мухамедова⁴⁰ устоз Ғанижон Тошматовдан “Ёр-ёр”ларнинг турли намуналарни ўрганганликларини айтади. Биринчиси, усулсиз, муסיқачилар тили билан айтганда “рез” билан айтилувчи оғир йўли:

Дарёларнинг ул юзида уйлорингиз-ай, ёр-ёрай,

*Ҳай, оқаришибо кўринади, бўйлорингиз-ай, ёр-ёр.*⁴¹

Мазкур “Ёр-ёр” Ғанижон Тошматов томонидан кейинчалик яратилганми ёки олдин ҳам мавжуд бўлганми, йўқми буни аниқлашнинг имкони бўлмади. Аммо, бугунги тўйларда устознинг деярли барча шогирдлари мазкур “Ёр-ёр”дан унумли фойдаланишади.

Ҳай-ҳай ўлан-о, жон ўлан, қизлар келар, ёр,

Қизлар келар-ай, ёр-ёр.

Келинойнинг юзлари-ё, ёшга тўлар-ай ёр-ёр.

Ҳай-ҳай ўлан-о, жон ўлан, мис панжара-ё ёр-ёр,

*Ҳар жафога кўнади-ей, қиз бечора-ё ёр-ёр.*⁴²

Мазкур “Ёр-ёр” олима М.Алавия айтиб ўтган Наманган “Ёр-ёр”и бўлиб, бир қадар оғир, мунгли ва усули секин. Устоз Д.Мухамедова бу “Ёр-ёр”нинг ҳам ҳозирги тўйларда кўп қуйланиши ва сал авж пардаси борлигини таъкидладилар.

Фарғона-Андижон “Ёр-ёр”и Наманган “Ёр-ёр”ига нисбатан шўхрок бўлиб, унда байрам, тантана кайфияти устунлик қилади:

Ҳай ҳай ўлан жон ўлано,

Тўйдир букун, ёр-ёра, тўйдир букун,

Ўйнаб-кулиб-о, давру-даврон,

*Сура*⁴³ *букун, ёр-ёр, сура букун.*

⁴⁰ ЎзДСМИ “Фольклор-этнография” кафедраси катта ўқитувчиси Дилором Мухамедова (Тошкент-Фарғона йўналиши)дан ёзиб олдик.

⁴¹ Шу манба.

⁴² Шу манба.

⁴³ Сура- халқ шевасида бўлиб, даврон сургин маъносида келмоқда.

*Ёр-ёра бахтли бўлинг.*⁴⁴

Тошкентда сал шўхроқ, усул тез ва байрамона, кўтаринки, рақс кайфиятида бўлади:

Ҳай-ҳай ўлан жон ўлан, жанона қиз, ёр-ёр.

Ёр-ёра ёр-ёра, жанона қиз, ёр-ёр.

Ўз тенглари ичида, дурдона қиз, ёр-ёр,

Ёр-ёра, ёр-ёра дурдона қиз, ёр-ёр.

Ҳай-ҳай ўлан, жон ўлан, бахтли бўлинг ёр-ёр,

*Кўша қариб бир умрга, тахтли бўлинг, ёр-ёр.*⁴⁵

Амалиётчи устоз Дилором Мухамедованинг гувоҳлик беришларича, Фарғонада бугунги кунда ҳам, “Ёр-ёр” кўшиқлари никоҳ тўйидан ташқари, хатна тўйларида ҳам ижро этиб келинар экан: “қайси сабабларга кўра суннат тўйда “Ёр-ёр” айтилишини билмайман, аммо, “Ёр-ёр” айтинг боғлаймиз” – дейди, тўйга йиғилган аёллар. Шундай қилиб, тўй боланинг онаси дарахтгами ёки бирон устунгами аёллар томонидан боғланиб, “Ёр-ёр” айтилади. Токи, тўй боланинг отаси “Ёр-ёр” айтгувчиларни рози қилмагунларича, “Ёр-ёр” давом этади”.⁴⁶ Бу жараёнда, албатта мазмунан хатна тўйига мос, келин-куёв мадҳ этилмаган қуйидаги каби “Ёр-ёр”лар қуйланади:

Ҳай ҳай ўлан жон ўлано,

Ҳой-ҳойлансин, ёр-ёр.

Чор тарафдан дўст келиб,

Тўй-тўйлансин, ёр-ёр.

Ёки

Ҳай-ҳай ўлан, жон ўлано,

Бордир масал, ёр-ёра, бордир масал.

Ўзил бола боққанларо,

Қанду асал, ёр-ёра, қанду асал.

“Ёр-ёр”ларни тадқиқ қилар эканмиз, “Ёр-ёр” кўшиқлари фақатгина

⁴⁴ ЎзДСМИ “Фольклор-этнография” кафедраси катта ўқитувчиси Дилором Мухамедова (Тошкент-Фарғона йўналиши)дан ёзиб олдик.

⁴⁵ Шу манба.

⁴⁶ Шу манба.

маросим пайтида куйланса ҳам турли ҳудудларда, турли вақтларда, турли одатлар жараёнида куйланишига гувоҳ бўлдик. Уларни янада кенгроқ тарзда ўрганиш уларнинг янада очилмаган қирраларини кашф этса ажаб эмас.

Юртимизнинг баъзи ҳудудларида ўзбек тўйи маросими таркибида соч силаш одати мавжуд бўлиб, улар бу удумни “соч сийпатар” деб аташар экан. Бунда куёв гўшангага кириб, келиннинг сочини пешонасидан силаб қўяди, бу пайтда қизнинг дугоналари чимилдиқ олдида “Ёр-ёр” айтиб турадилар.

Қашқадарё вилоятининг Қамаши тумани аҳолиси одатига кўра, никоҳ тўйи куни келин ўзининг уйида эмас, балки бирон яқин қариндоши ёки қўни-қўшнисиникида бўлиши одати мавжуд. Бу одат ҳам никоҳ тўйи тизимида мансуб қадимий удумлардан бўлиб, куёвжўралардан икки нафари қиз “бекинган” хонадонга бориб, ўша ердан келинни “ажратиб олиб чиқишади”. Тўйхонада эса, ўша пайтда карнай-сурнай наволари янграб туради. Келин паранжи-чачвонга ўранган ҳолда, дугоналари қуршовида, “Ёр-ёр” садолари оғушида ўз хонадонига кириб келади. Бу одат “қиз беркинар” деб номланади. Ҳамда, “Ёр-ёр” қўшиғи дугоналар томонидан куйланиб, келинни ўз уйига кузатиб келиш жараёнида куйланиши билан ажралиб туради.

Деярли барча туркий халқлардаги “Ёр-ёр” қўшиқларининг матнлари жуда ҳам бир-бирига ўхшаш, баъзида такрорланган бўлса-да, бир қўшиқ турли ҳудудларда турлича ўзгаришларга учраган. Бу хусусда олима Музайяна Алавия ҳам, ўз фикрларини баён этган. Улар атрофлича, ҳудудлараро фарқли жиҳатларини ажратмаган бўлсада, қуйидаги мулоҳазалари биз учун қимматлидир: “...биринчи йўлда, “Ёр-ёр” қўшиқлари шўх – қисқа ҳамда чўзиб, ижро этилишини, иккинчи усул, халқ тилида “Наманган йўли⁴⁷” деб, айтилишини қайд этганлар.

Бундан ташқари Насиба Турғунова, Қўқон туманидаги аёлларнинг яллачилик санъатини ўрганар экан, тўй маросимларида бугунги кунда ҳам куйланиб келинаётган “Ёр-ёр” қўшиқларининг водий аёллар ижрочилигида ҳам фарқлар мавжудлигини таъкидлаганлар. Улар “Қўқон тўй маросимида

⁴⁷ Алавия М. Ўзбек халқ маросим қўшиқлари. – Тошкент: Фан. 1974. Б.192.

ижро этиб келинаётган “Ёр-ёр”нинг куй-оҳанглари Наманган “Ёр-ёр”ига караганда бироз жадалроқ ижро этилади”⁴⁸, дейди. Наманган шаҳрида ўтказиладиган никоҳ тўйи аввалида, яъни, қизни ота уйидан кузатишда, албатта “Ёр-ёр” айтилади.

Олима тақикот ишида, “Ёр-ёр” қўшиқларининг қадимий қўшиқлар эканлигини таъкидлаб, Наманган вилоятининг ўзида “Ёр-ёр”ларнинг кўринишларида фарқлар мавжудлигини кузатади. Яъни, “Наманган Ёр-ёри” икки вариантда намоён бўлишини: “бири қизни куёвниқига кузатиб боришда ижро этилса, иккинчиси эса, қиз ва куёвнинг оналари бир-бирлариникига борганларида “Хуш келдингиз” номи билан юритиладиган “Ёр-ёр”лардир”.⁴⁹

Офтобим анварим, хуш келдингиз,

Икки дийдам, сарварим, хуш келдингиз,

Сиз учун ою офтоб муштоқдур,

*Жон боламнинг қаллиғи, хуш келдингиз*⁵⁰.

Аммо, бу қўшиқларни биз “Ёр-ёр” намуналари дея олмаймиз, чунки “Ёр-ёр”нинг тузилиш тартиби, куйланиши ва айтилиш ҳолатлари турлича бўлсада, унинг ўз қонуниятлари мавжуд. “Ёр-ёр” радифи қўшилмаган, айнан никоҳ тўйи жараёни билан узвий боғлиқ бўлган бу каби қўшиқ вариантлари бошқа ҳудудларда ҳам кенг тарқалган.

Жумладан, Сурхондарё, Қашқадарё ва Самарқанд вилоятларининг айрим жойларида келинни куёв уйига олиб киришда, яъни уй оstonасига тўшалган поёндозни босиб ўтгандан кейин, қайнонаси томонидан, ёки унинг номидан “Ёр-ёр” айтувчи “Хуш келдингиз” айтимини айтади. Унинг атрофидагилар жўр бўлишиб, “Ҳазорали”⁵¹ деб туришади:

Офтобим, анбарим, хуш келдингиз,

Жоним олтин парим хуш келдингиз,

Ҳазорали, ҳазорали.

⁴⁸ Турғунова Н. Фарғона водийси яллагичлик санъати. – Наманган.: 2016. 54-бет.

⁴⁹ Н.Турғунова. Фарғона водийси яллагичлик санъати. – Наманган. 2016. 57-бет.

⁵⁰ Ой олдида бир юлдуз. Ўзбек халқ маросим қўшиқлари. Тўплаб нашрга тайёрловчи, кириш сўзи ва изоҳлар муаллифи: М. Жўраев. – Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти. 2000. – Жами: 160 бет. 108-бет.

⁵¹ Ҳазорали – минг салом.

*Давлат бошингизда бўлсин, хуш келдингиз,
Ҳиммат қўлингизда бўлсин, хуш келдингиз,
Ҳазорали, ҳазорали*⁵².

“Хуш келдингиз” номи билан юритиладиган мазкур қўшиқлар куёвнинг хонадонига янги аъзо бўлиб келган келиннинг пойқадами оқ бўлсин, яхшилик олиб келсин деган маънода куйланади.

Наманганда яна “Ёр-ёр”лар эртаси куни куёв хонадонига ташриф буюрган келиннинг қариндошларини кутиб олиш учун ҳам айтилади. Н.Турғунова бу маросимни “Рукшон” деб аталишини ва бу одатга кўра, қудаларни “Ёр-ёр” айтиб кутиб олиш муҳим оилавий анъаналардан бири саналишини айтади. Агар тўйга махсус айтувчилар чақирилмаган ҳолатларда, ҳаваскор аёллар томонидан ҳам ижро этилаверади.

*Икки уйнинг фарзанди,
Қўшилдингиз, ёр-ёр, қўшилдингиз.
Янги тузган рўзгорингиз,
Қутли бўлсин, ёр-ёр, қутли бўлсин*⁵³.

70-йилларда ва яқин-яқин кунларгача ҳам, никоҳ тўйидан бир ҳафта ёки бир неча кун олдин, аввалги асл моҳиятини сақлаб қолган “Қизлар базми” ёки “Қиз мажлиси” деб номланган маросим, мамлакатимизнинг кўплаб ҳудудларида ўтказиб келинган. Бу маросимда бўлажак келин хонадонига дугоналар, қариндошлар, қўни-қўшнилар тўпланишиб, доира, дутор чертиб, турли лапарлар куйлаб, ўйин-кулгу қилишган. Бўлажак келинга турмуш қилган дугоналари, янгалари маслаҳатлар беришган. Бу баъзи ҳудудларда “Қиз оши” деб аталиб, келинни дугоналари билан хайрлашиш маросими ҳисобланган. “Қизлар базми”да “Ёр-ёр” қўшиқлари ҳам куйланиб, қизлар келин бўлмиш дугоналарини мунгли “Ёр-ёр”лар кўйлаб йиғлатишган.

Улуғ адибимиз Абдулла Қодирий Кумушбибининг тўй мажлисига,

⁵² М. Муродова. Фольклор ва этнография – Тошкент: Алоқачи. 2008. Б.40.

⁵³ Икки кўнгил бир бўлсин. Ёр-ёрлар. Тўпловчи ва тузувчилар: М. Жўраев, Л. Худойкулова. – Тошкент: Ғ. Гулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи. 2016. – Жами: 264 бет. Б.236.

“Қизлар базми – гуллар, лолалар, тутилар, кумрилар мажлиси”⁵⁴, деб таъриф берган. Бу йиғилишдан мақсад: қизлар ўзларининг энг латиф, энг гўзал бир аъзоларини букун хотинлар оламига узатмоқчидирлар” – дейди Қодирий. Ўша даврларда катта ҳовли эркаклардан холи қилиниб, базм қатнашчилари эркин кўшиқ куйлаб рақсларга тушар эдилар.

70-80-йиллардан бошлаб Тошкентда “Қиз оши” маросимининг туб моҳияти унутилиб, никоҳ тўйи даражасида ўтказила бошланди. Шундай қилиб, Қодирий таърифлаган Қумрилар базмининг асл моҳияти ўз вазифасини унутиб бормокда.

*Ҳай-ҳай ўлан, жон ўлан,
Қизлар меҳмон, ёр-ёр, қизлар меҳмон.
Сулув бўлиб суйдириб,
Сурсин даврон, ёр-ёр, сурсин даврон.
Сулув, сулув, кимлар сулув,
Қизлар сулув, ёр-ёр, қизлар сулув.
Сулув қилиб суйдирган,
Сўздир сулув, ёр-ёр, сўздир сулув⁵⁵.*

Хоразмда ҳам “Қизлар базми” ўтказилиб, улар бу маросимга ўзгача ёндошишган. Яъни, уларда бу маросимда “Хина ёқар” одати устунлик қилган. Дугоналар келин билан биргаликда қошга ўсма қўйиш, кўзга сурма тортиш, кафтга хина қўйишдан гуёки баҳслашадилар.

Бошқа туркий халқларнинг “Ёр-ёр”лари ҳақида маълумотга эга эмасмиз, аммо, бизга қардош ва юртдош бўлган, қорақалпоқ “Ёр-ёр”ларини ўрганиб чиқдик. Уларда “Ёр-ёр”лар турлича номлар билан юритилиб, баъзи ҳудудларда “Ёр-ёр”, баъзисида “ҳаўжар” номи билан аталади. Улардаги “Ёр-ёр” кўшиқларининг усули секин темпда бўлиб, мунгли оҳанглар устунлик қилади. Ҳамда, Қорақалпоқ колоритми, яъни қорақалпоқ мусиқаларига ҳамоҳанг куй уйғунлашиб кетган. Шунинг ўзиёқ, ҳар бир туркий халқда “Ёр-ёр”лар ўз шакл-

⁵⁴ А.Қодирий. Ўтган кунлар. – Тошкент: Шарқ, 2012. – Жами: 383-бет. Б.50.

⁵⁵ Икки кўнгил бир бўлсин. Ёр-ёрлар. Тўпловчи ва тузувчилар: М. Жўраев, Л. Худойкулова. – Тошкент: Ғ. Гулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи. 2016. – Жами: 264-бет. Б.23.

шамойилини ўзгартириб, ўша ҳудудга мос товланиб куйланишини анлатади.

Бизнинг халқимизнинг ўзида ҳам фақат сўз матнларининг ўзида эмас балки, қўшиқ куйлари ҳам анчагина бир-биридан фарқ қилади. “Ёр-ёр”ларни олимлар фақатгина икки йўли мавжуд дейди, аммо, тадқиқотимиз жараёнида “Ёр-ёр”ларнинг бунданда кўп йўллари мавжуд эканлиги аниқланди.

Хуллас, ўзбек халқ “Ёр-ёр”лари, ижро шакли, ижро усули ва оҳангига кўра, куйидаги йўлларда ижро этилади: Биринчи йўли, Фарғона-Тошкент ва Андижон йўли бўлиб, унда мусиқийлик ва оҳанг кучли бўлади, чилдирма ритм изчил тактларга асосланади. Аммо, Фарғонанинг ўзида ҳам турли жараёнларда куйланганлиги сабабли, “Ёр-Ёр”лар бир-биридан оҳангига кўра ва мазмунан фарқланиб туради. Иккинчи йўл, Самарқанд ва Бухоро йўли бўлиб, унда матн нисбатан тез айтилади. Ҳар бир мисра охирида келадиган “Ёр-ёр” сўзи “Ёр-ёр, ёрон-ай” шаклида айтилади. Учинчи йўл, Наманган йўли бўлиб, унда маъюсликка монанд оҳанг, мунгли нолалар кучли бўлади. Тўртинчи йўл, Тошкент йўли бўлиб, у ўзининг шўхчанлиги билан барча йўллардан фарқ қилади. Унда матн ўртача тез, шўхчан, байрамона кайфият ва рақсга чорловчи оҳангларга эга бўлади. Олтинчи йўл, Амударё бўйларида истиқомат қилувчи аҳоли ўртасида сақланиб қолган Хоразм “Ёр-ёр”ларидир. Хоразм йўли ҳам ўзининг воҳага хос усули билан ажралиб туради, улар Хоразмнинг мавжуд мусиқий анъаналарига мос равишда куйланган.

Тадқиқотнинг биринчи бобида кўриб чиқилган масалалар юзасидан куйидагича хулоса қилишимиз мумкин:

1. “Ёр-ёр” қўшиқлари тўй маросим фольклорининг қадимий поэтик жанрлари сифатида маълум тарихий тараққиёт босқичини босиб ўтган. Уларнинг генетик илдизлари тўй маросимининг шаклланиши ва тараққиёти билан боғлиқ. Ўтмишда яратилган адабий-тарихий манбалар ва ўзбек халқ қўшиқларини тадқиқ этган олимларимизнинг тадқиқотлари ҳам “Ёр-ёр”нинг келиб чиқиши қадимийлигини кўрсатади. Шунингдек, фольклорнинг тили муттасил ҳаракатда эканлигини ҳисобга оладиган бўлсак, ҳамда бу жараён фольклорнинг бошқа жанрларига қараганда халқ қўшиқларида жадал кечиши,

унинг ҳар бир кечмиши тадқиқ этилишини талаб этади.

2. Мазкур жанрга мансуб намуналарни ижрочилар оғзидан жонли ижро шароитларида ёзиб олиш ишлари XX асрнинг 20-йилларида Ҳ.Зарифов бошчилигида амалга оширилиб, кейинчалик бу борада анчагина илмий тадқиқотлар юзага келди. Тадқиқотчилар ёзиб олиш, тўплаш, нашр этиш билан бирга “Ёр-ёр”ларнинг поэтикаси, генезиси, лингвопоэтик ва жанрий хусусиятлари борасида ўзларининг фикр-мулоҳазаларини билдириб ўтган. “Ёр-ёр”ларнинг ҳар бири ўзининг куй тузилиш тартиби, оҳанг характери, ритми, ижро услуби, шеvasи ва эмоционал таъсирчанлиги билан фарқ қилишини эътироф этишади.

3. “Ёр-ёр”лар бўйича илк ёзма маълумотлар улуғ мутафаккирларимиз Навоий ва Бобур қаламига мансублиги ҳам XV-XVI асрларда халқимизнинг никоҳ тўйи маросимида “Ёр-ёр” кўшиғини айтиш ғоят кенг тарқалганлиги ва қадимийлигини англатади. “Тўй кўшиғи”, “ўлан” билан “Ёр-ёр” бир нарса бўлиб, Бобур ёзган “ўлан”га Навоийнинг “чинга” ёки “чинка” тўғрисидаги маълумоти тўғри келишини М.Алавия ҳам таъкидлаб ўтади. Шунингдек, тадқиқот ишларида “Ёр-ёр” кўшиқларининг ўлан ва лапарлар билан генетик боғлиқлиги ҳақидаги фикрлар ҳам илгари сурилади. Биз ҳам “Ёр-ёр”нинг бугунги кунда ҳам “Ўлан”, “Ўланг” деб номланишини гувоҳи бўлдик.

4. Маросим фольклори жанрларининг аниқ ижро ўрни, пайти, табиий ҳолати ва вазияти мавжуд. Бир ҳудуддаги “Ёр-ёр”лар никоҳ тўйининг маълум бир вақтидагина эмас, келин билан боғлиқ бўлган кўп вазиятларда куйланади. Ҳар бир ҳудуднинг “Ёр-ёр”лари ўзгачалиги билан ажралиб турса-да, ўзбек халқи яшайдиган барча ҳудудлар учун анъанавий бўлган “Ёр-ёр”лар ҳам бор, ҳамда, “Ёр-ёр”ларда кўпроқ келиннинг таърифу-тавсифи куйланади.

5. “Ёр-ёр”ларда аجدодларимизнинг исломдан аввалги тўй маросимига тегишли удумларга хос белгилар, турли бадиий деталлар, рамзий образлар воситасида сақланиб қолган ва анъанавийлик касб этган.

6. “Ёр-ёр”ларни олимлар фақатгина икки йўли мавжуд дейди, аммо, тадқиқотимиз жараёнида “Ёр-ёр”ларнинг бунданда кўп йўллари мавжудлиги,

ҳамда, ўзбек халқ “Ёр-ёр”лари, ижро шакли, ижро усули ва оҳангига кўра, ҳозирча олти хил йўлларда ижро этилиши аниқланди. Худди мана шу ижро йўллари асосида “Ёр-ёр” кўшиқларини ареал ҳудудларини ҳам белгилаб олдик.

II. БОБ. “ЁР-ЁР” ҚЎШИҚЛАРИНИНГ ЖАНРИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ, ТАСНИФИ ВА МИЛЛИЙ ТАРБИЯ МАСАЛАЛАРИ

2.1. “Ёр-ёр” қўшиқлари жанрий хусусиятлари

Адабиётшуносликда, шу жумладан фольклоршуносликда ҳам, ҳар бир асарнинг мавжуд хусусиятларига қараб, унинг жанр мансубияти белгиланади. Ана шу хусусиятлар эса умумийлаштирилиб “жанр хусусиятлари” атамаси билан юритилади. Мана шу нуқтаи назардан қаралса, ҳозирга қадар никоҳ тўйларимизнинг асосий беаги бўлмиш “Ёр-ёр”лар ҳам муайян жанрий ўзига хосликларга эга.

Фольклоршунослар М.Алавия, Ж. Қобулниёзов, О. Собиров, Б.Саримсоқов, С.Рўзимбоев, С.Давлатов, Ш.Баротова ва бошқалар халқ “Ёр-ёр”ларининг ижро тарзи, ижрочилар таркиби, ижро ўрни ва вазифалари, уларнинг маҳаллий фарқлари ҳамда умумийликлари ҳақида талайгина илмий фикрлар билдирганлар. Улардан Шахло Баротова “Ёр-ёрларнинг жанрий хусусиятлари” номли мақоласида мазкур жанрнинг баъзи ўзига хос хусусиятлари ҳақида тўхталиб ўтган.

Бизга маълумки, фольклоршуносликда ҳам, адабиётшуносликда ҳам жанрларни тасниф этишнинг, ҳар бир жанрнинг ўзига хос хусусиятларини белгилашнинг тамойиллари мавжуд. Масалан, адабиётшуносликда жанрлар икки жиҳатдан – мазмуний қамров ҳамда поэтик тизим яхлитлиги нуқтаи назаридан фарқланади.

“Ёр-ёр” жанрининг ижро ўрни қадимги ёш-жинс муносабатлари билан алоқадор никоҳ тўйи маросими билан боғлиқ экан, демак, “Ёр-ёр” жанри тарихан қадим замонларга бориб тақалишини англатади. Бинобарин, “Ёр-ёр” жанри яқин ўтмишда вужудга келган жанр эмас. Балки узок тарихий даврларда яратилиб, ҳозирга қадар никоҳ тўйларимизни бойитиб, ҳар бир ижрода ўзини ҳам бойитиб ҳам янгилаб келаётган жанрлардан саналади. Бу нарсани биз ҳар бир “Ёр-ёр” намунасини алоҳида алоҳида тадқиқ этганимизда янада ёрқинроқ англаб етамиз.

“Ёр-ёр” жанрининг никоҳ тўйлари билан алоқадорлиги шунчаки кейинги ҳодиса бўлмай, балки мазкур жанрнинг вужудга келиши ва маросим таркибида муайян вазифа бажариши жуда ҳам қадимийдир. Шу боис никоҳ тўйлари таркибидан “Ёр-ёр” жанрини чиқариб ташлаш мумкин эмас. Тан олиш керакки кейинги пайтларда, айниқса шаҳар тўйларида “Ёр-ёр” жанри ижро этилмай қолди. Бу нарсга эса, маросим таркибидаги нозик эмоционалликни, шукуҳни йўққа чиқарди. Бу билан никоҳ тўйлари маросими фақат қашшоқлашди, холос.

“Ёр-ёр”ларнинг жанр хусусиятлари ҳақида сўз кетганда, уларнинг ўзига хос ижрочилари таркибига эгаллигини ҳам унутмаслик керак. Аксарият жойларда “Ёр-ёр”лар асосан аёллар томонидан ижро этилади. Келинни куёв хонадонига кузатиб боровчи хотин-қизлардан бир гуруҳи мазкур қўшиқни доира жўрлигида баъзан чолғусиз куйлаб боришади. Улардан бири “Ёр-ёр”ларнинг асосий матнларини айтса, қолганлар қўшиқ нақоратига қўшилишади.

Бироқ Қашқадарё вилоятининг айрим қишлоқларида, шунингдек, Фарғона, Бухоро вилоятининг баъзи жойларида, “Ёр-ёр” қўшиқларини эркаклар ҳам айтадилар. Бизнингча, “Ёр-ёр”ларнинг ижрочилари аёллар бўлиб, эркаклар томонидан ушбу қўшиқларнинг ижро этилиши кейинги ҳодисадир. Шунинг учун бўлса керак, “Ёр-ёр”ларнинг эркаклар томонидан айтилиши кенг ёйилмаган. Хуллас, “Ёр-ёр” қўшиқларининг хотин-қизлар томонидан ижро этилиши ҳам мазкур жанрнинг ўзига хос хусусиятларидан бирини ташкил этади. “Ёр-ёр”ларнинг жанр ўзгачалиги уларнинг ўзига хос тарзда ижро этилиши ҳисобланади.

“Ёр-ёр”ларнинг жанрий хусусиятлари борасидаги фольклоршунос олимларнинг фикрларининг баъзилари бир-бирини такрорлайди, баъзилари эса, бир-бирига зиддир. Масалан, Шахло Баротова “Ўзбек халқ “Ёр-ёр”ларининг жанр хусусиятлари” мақоласида “... қўшиқ неча банддан иборат бўлса ҳам, уларнинг ҳаммаси бир хил оҳангда, бир хил маросимда айтилган. Унда авж ёки авжли нуқталар учрамайди. “Ёр-ёр”ларнинг бир хил оҳанг ва

маромда ижро этилиши, қофияланган сўздан кейин “Ёр-ёр” сўзининг такрорланиб келиши кўшиққа ўзига хос таъсирчанлик, оҳангдорлик бағишлайди”, дейди.

“Ёр-ёр” кўшиқларининг мусикага муносабатига келганда, шуни айтиш керакки, одатда, “Ёр-ёр”лар доира жўрлигида ижро этилади. Албатта, кейинчалик айрим жойларда “Ёр-ёр” ижроси пайтида тор, буламон, гармон каби чолғуларнинг жўр бўлиши ҳам кузатилади. Бу асосан Хоразм халфалари ижросидаги “Ёр-ёр”лар учун хос бўлиб, бундай мусика асбобларининг жўр бўлиши бошқа жойларда кам учрайди ёки умуман кузатилмайди. Бинобарин, доирадан ташқари бўламон, гармон, тор каби мусика чолғулари эса фақат халфалар санъати билан алоқадордир. Ўзбеклар истиқомат қилувчи аксарият жойларда “Ёр-ёр” кўшиқлари доира жўрлигида куйланади. Ҳозирги кунда эса, доирадан ташқари замонавий мусика асбоблари жўрлигида ҳам куйланиб келинмоқда.

Ўзбек халқ оғзаки ижодининг бошқа жанрлари каби “Ёр-ёр” кўшиқлари ҳам оғзакилик, бадиҳагўйлик, жамоавийлик, анъанавийлик, ўзгарувчанлик, вариантлик каби асосий хусусиятларга эга. “Ёр-ёр” кўшиқларининг вариантлари даврдан-даврга, ижродан-ижрога ўтиши ва ўзгаришларга учраши натижасида содир бўлади.

Ўзбек халқ кўшиқларида, никоҳ маросими “Ёр-ёр”ларидан ташқари, “Ёр-ёр” радифи кўшиб, айтиладиган бошқа кўшиқлар ҳам яратилган. Улар, лапар, ўлан, ва айтимлар бўлиб, айтишув кўшиқларига “Ёр-ёр” радифи табиий тарзда кўшилиши шарт бўлган. Бундан кўринадики, “Ёр-ёр” кўшиқларининг оммабоплиги, унинг лирик кўшиқларга айланишига ҳам сабаб бўлган.

Андижонда ўт ёқсам, Ўшда тутун, ёр-ёр,

Бу дунёда бормикин, бағри бутун, ёр-ёр.

Бу дунёда топилса, бағри бутун, ёр-ёр,

Қозондан қозон қилай, гулдан ўтин, ёр-ёр⁵⁶.

⁵⁶ Гулёр. Фарғона халқ кўшиқлари. – Тошкент: Ғ. Ғулом нашриёти. 1967. – Б.155.

Агар кўшиқдан шартли равишда “Ёр-ёр” нақорати олиб ташланса, у ажойиб шеър намунасига айланади. Бироқ, барча “Ёр-ёр” кўшиқлари лирик номаросим кўшиқларга ёки барча ўн бир бўғинли вазндаги лирик кўшиқлар “Ёр-ёр”ларга айланиши мумкин, деб, қараш хато бўлар эди. Бу жараён аввало кўшиқларнинг мазмунига боғлиқ. Шундай мазмундаги “Ёр-ёр”лар борки, уларни фақат тўй пайтидагина ижро этиш мумкин. Маъно ва ҳиссиёт кечинмаси тўй билан боғланмайдиган лирик кўшиқлар ҳеч қачон “Ёр-ёр” бўла олмайди. Аммо шундай “Ёр-ёр”лар борки, улар мазмун жиҳатдан ҳам фақат “Ёр-ёр” маросим кўшиқлари сирасига киради:

Дарёларнинг ул юзидан, гуллар тердим, ёр-ёр.

Ўз қизимни сўйганига, эрга бердим, ёр-ёр.

Дарёларнинг бўйларига, экдим райҳон, ёр-ёр.

Сўйганига теккан қизда, йўқдир армон, ёр-ёр⁵⁷.

“Ёр-ёр” жанри кўшиқларида, бошқа кўшиқлардан фарқли ўлароқ вариантлилиқ ўзгача намоён бўлади. Чунки, йигит-қизнинг орзу, истаклари, ота-онанинг фарзандига тилаклари беҳисобдир. Шунинг учун, “Ёр-ёр” кўшиқлари ва аллалар, бошқа кўшиқларга қараганда энг кўп вариантлилиқ касб этган кўшиқлар ҳисобланади.

Ўзбек халқ кўшиқларида, фақатгина “Ёр-ёр” ҳамда “алла”ларгина асосий матндан кейин Навоий айтганидек “радиф” ўрнида, яъни кичик нақорат сифатида барча “Ёр-ёр”ларда, “алла”ларда эса барча айтиладиган “алла”ларда қўлланилиб келинади. Агар баъзи намуналаридан “Ёр-ёр” ва “алла” радифи олиб ташланар экан, улар ўз вазифаси ҳамда ўзига хос хусусиятини ўзгартиради.

“Ёр-ёр” кўшиқлари ҳам худди аллалардек, янги бир ҳаёт муқаддимаси бошланаётган пайтда ижро этилади. “Алла” сўзи диний эътиқодларга кўра, оллоҳни эслаш, унга ишонч ва паноҳ тилаш важдан айтилганидек, “Ёр-ёр”ларнинг ҳам маъно жиҳатидан шу хусусиятини кўришимиз мумкин. Халқимиз орасида узоқ сафарга отланган кишига нисбатан “оллоҳ сенга ёр

⁵⁷ Гулёр. Фарғона халқ кўшиқлари. – Тошкент, Ғ. Ғулом нашриёти. 1967. – Б.167.

бўлсин” ёки “ёр бўлғай”, каби сўзларни учратамиз. Бу орқали гуёки ўша инсонга оқ йўл тилаш, турли бало қазодан оллоҳ ўзи асраб, сенга “хамроҳ” бўлсин, деган маънолар англашилади. Шу сабаб, айнан икки ёш янги ҳаёт остонасида турганида, уларни синовли, машаққатли ҳаёт йўлларида “оллоҳ қўлласин”, “яратган хамроҳ бўлсин”, “ширин турмуш кечирсин” деган маъноларда қўлланган бўлиши эҳтимол.

Ҳозирга қадар фольклоршуносликда “Ёр-ёр” атамасининг келиб чиқиши хусусида узил кесил хулосага келинмаган бўлса-да, бир қатор қизиқарли илмий мулоҳазалар илгари сурилган. “Ёр-ёр” бир қарашда “ёр”, яъни севгили, маъшуқага қарата айтилган қўшиқ маъносини билдираётгандай туюлса-да, аслида унинг келиб чиқиши қадимий асаосларга эга.

Ўзбек тилининг изоҳли луғати ҳамда турли даврларда яратилган мумтоз асарларда “Ёр – дўст, дилга яқин киши, ҳамдам, дўст, муҳиб; ёрдамчи. (...*ниҳоят массагетларга зафар ёр бўлиб, душманни орқага сура бошлади*. М.Осим. Аждодларимиз қиссаси. *Арвоҳлар ёр, пирлар мададкор бўлиб, овимиз бароридан келсин*. Ҳамза.) Иккинчидан, “Ёр”, севгили, маъшук, маъшуқа. (*Ёр мунча зор этдинг мени*, (қўшиқдан⁵⁸).

“Ёр” сўздан ташқари, “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да, “Ёр-ёр”га ҳам таъриф берилади: “Ёр-ёр” – келин узатишда ижро этиладиган, ҳар байти “Ёр-ёр” ибораси билан тугайдиган қўшиқ номи. Масалан, “*Умнат тоз дарров сурнайини оғзига олди. Лунжини шишириб “Ёр-ёр”ни бошлади*”. С.Сиев. Ёруғлик. “*Бир арава қиз-жувон чилдирма чалиб, “Ёр-ёр” айтиб ўтишиди*”. А.Қаҳҳор. Қўшчинор чироқлари⁵⁹”.

“Ёр-ёр” қўшиқларини тўплаб, нашрга тайёрлаган фольклоршунос олим М.Жўраев бу атаманинг келиб чиқиши хусусида шундай дейди: “...ёр-ёр атамасининг таркибидаги “ёр” лексимаси қадимги туркий тилда, шунингдек, ҳозирги ҳакас, тува, шор, қўмиқ, қозоқ каби ҳозирги туркий тилларда “қўшиқ”, “ашула” маъноларини англатувчи “ир”/“йир”/“жир” сўздан келиб

⁵⁸ Ўзбек тилининг изоҳли луғати – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси. Ё-ҳарфи. Б.45.

⁵⁹ Ўзбек тилининг изоҳли луғати – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси. Ё-ҳарфи. Б.46.

чиққан”.

Деярли барча туркий халқлардаги “Ёр-ёр” кўшиқларининг матнлари жуда ҳам бир-бирига ўхшаш, баъзида, бир кўшиқ матни турли ҳудудларда турлича ўзгаришларга учраган. “Ёр-ёр”ларнинг фақат сўз матнлари эмас балки, кўшиқ куйлари ҳам анчагина бир-биридан фарқ қилади.

“Ёр-ёр” кўшиқлари асосан бармоқ вазнида яратилган бўлиб, баъзан арузда яратилган бўлади. Улар учун мусикийлик, равонлик, куйлашга мослик хосдир. Уларда келинчакнинг ҳис-ҳаяжони, туйғулари, фикр-мулоҳазалари ифодаланса, баъзиларида ота-онанинг ички-руҳий кечинмалари, яшаш тарзи, ижтимоий муносабатлари ва тушунчалари, дунёқараши акс эттирилади. Улар турли жойларда турлича, кўпчилик ҳолларда созсиз, баъзан дотор, дўмбира, доира ва бошқа созларда хилма-хил оҳангларда айтилади. “Ёр-ёр” кўшиқлари шу даражада кўп ва хилма-хилки, унинг барча намуналари ҳали тўла равишда ўрганилиши, таҳлил этилиши лозим.

Ўзбек адабиёти шеърлятидаги “аруз вазни ҳақида” ўрганган, Абдурауф Фитрат куйидаги фикрларни баён этади: “... халқ шеърляридаги вазннинг араб эрон системасига кирмаганини тўғри сезган Навоий буларни вазнсиз санайдир: “чун ўзан⁶⁰”ларнинг ўзмоғи ва ўзбекларнинг будай-будайи ҳеч вазн билан рост(тўғри) келмас эрди”⁶¹. Фитрат мазкур асарида, турли фактлар ва тарихий адабиётларда келтирилган асосларга кўра: “Халқ ашулаларидан баъзилари аруз вазнида бўлганини, сарой ва мадраса шоирларидан баъзиларининг бармоқ вазнида ёзганларини инкор қилмайман” – дейди.

Буюк шоиримиз Алишер Навоий ижодида ҳам “Ёр-ёр” кўшиқлари ҳақида маълумотлар борлиги, унинг қимматини янада оширади. Бу эса, ўша даврларда ҳам “Ёр-ёр”лар, маросим кўшиқлари орасида яхши ном қозонганини англатади. Фольклоршунос олимлар М.Алавия, Ҳ.Раззоқов, Н.Маллаев ҳам ўз илмий изланишларида бу ҳақида таъкидлаб ўтадилар. Навоийнинг халқ кўшиқлари ҳақида аниқ маълумотлар келтиргани, мавсум

⁶⁰ Ўзан – бахши.

⁶¹ Абдурауф Фитрат. Аруз ҳақида Б.210.

ва маросим кўшиқларига доир илмий фикрлари мавжудлиги ҳақида О.Сафаров ва М.Алавия қизиқарли маълумотлар берадилар. Бундан ташқари, шоир асарларида XV аср ўзбек фольклорининг жанрлар тизимига доир афсона, қисса, ривоят, эртақ, ҳикоят, достон, улуғ ир, аёлғу, кўшиқ, суруд, ўзмоғ, чанг, чинга сингари атамалар кўп қўлланилган. “Турк улуси, батахсис чигатой халқи аро шойиъ авзондурким, алар сурудларин ул вазн билан ясаб, мажолисда айтиш”ларини қайд қилган шоир XV аср ўзбек маросим фольклорида “чинга” деб аталган кўшиқ тури мавжудлиги хусусида қуйидаги қимматли маълумотни баён қилган: “яна “чинга”дурким, турк улуси зуфоф ва қиз кўчурур тўйларида ани айтурлар, ул сурудедур бағоят муассир ва икки навъдур. Бир навъи ҳеч вазн била рост келмас ва бир навъида бир байт айтилдурким, мунсариҳи матвийи мавкуф баҳридур ва “Ёр-ёр” лафзини радиф ўрнига мазкур қилурлар”⁶², андоқким, байт:

Қайси чамандин эсиб келди сабо, ёр-ёр,

Ким, дамидин тушти ўтжоним аро, ёр-ёр?”

Шоир “чанги”нинг “ҳеч вазн била рост келмайдиган навъи” деганда никоҳ тўйи маросимида ижро этиладиган “Ёр-ёр”ни назарда тутган бўлиб, “Садди Искандарий” достонида тўй лавҳаси шундай тасвирланган:

Муғанний тузуб чанги вазнида чанг,

Наво чекки, ҳай-ҳай ўланг, жон ўланг,

Десанг сенки: жон қардошим, ёр-ёр!

Мен айтайки: мунглуз бошим, ёр-ёр”⁶³.

Бундан кўринадики, халқ тилининг сеҳрли кучи, халқ оғзаки ижодининг бойлиги Навоийни бефарқ қолдирмаган. У таъкидлаб ўтган қиз узатиш маросимларида қуйланган “Ёр-ёр”лар, дарҳақиқат, бугунги кунда ҳам туркий халқларнинг қиз узатиш маросимларида, жумладан, татарларда “яр-яр”, озарбайжонларда “эр-эр”, қирғизларда “жар-жарай”, қозоқларда “жар-жар”, уйғурларда “яр-яр”, қорақалпоқларда “яр-яр” ва “ҳаужар” каби аталиб, қуйлаб

⁶² А. Навоий. Мукамал асарлар тўплами. Мезон ул-авзон. – Тошкент: Фан. 20-томлик. 16-том. 1993. Б.93.

⁶³ А. Навоий. Мукамал асарлар тўплами. Ҳамса. Садди Искандарий. – Тошкент: Фан. 2000. – 20 томлик. 17-том. Б.452.

келинмоқда. XV асрда Навоий “чинга” деб атаган, қиз узатиш жараёнида куйланган “Ёр-ёр” қўшиқлари эса, яқин-яқин кунларимизгача оғиздан-оғизга ўтиб, бизгача сақланиб қолганлигини фольклоршунос олимларимиз тўплаган маълумотлари орқали билиб олиш мумкин.

“Чанги” атамаси Тошкент вилояти туманларида ўтказиб келинган никоҳ тўйларида қиз-жувонлар йиғилишиб лапар, ўлан айтишадиган маросимнинг номи сифатида XX асрга қадар сақланиб қолган. Музайяна Алавиянинг маълумотига қараганда, Тошкент вилоятининг Сижжак қишлоғида қўшиқни “чинка” деб атайдилар. Хабарчилар одамларни тўйга чорлаганда “Фалончиникига чинкага!” – деб чақирган. Сижжаклик 71 яшар Холпошшахон Махмудхон қизининг Музайяна Алавияга берган маълумотига кўра, суннат тўйида “Бола маст” қилиб келаятган йигитларнинг ашуласи эшитилганда аёллар “Ана, йигитлар чинка айтиб келаяптилар”, – дейишар экан. Наманган вилоятининг Чуст туманидаги Каркидон қишлоғида қиз узатарда қизнинг отаси фотиҳа бергандан кейин “Ёр-ёр” бошланади. Қизни ўртага қўйиб, “Ёр-ёр” айтишни “Қиз чинкага ўтирди” ёки “Чинка бошланди” дер эканлар.

1963 йил 20 августда Сайрамда диалектологик экспедицияда бўлган тилшунос С.Зуфаров “чинка” сўзи суннат тўйида кечкурун ўтказиладиган ўйин-кулгу базми маъносини англатишини аниқлаган. Маълум бўлишича, сайрамликлар суннат тўйи кечаси ўт ёқиб, шунинг атрофида ўйин-кулги қилиш удумини “чинка” деб аташар экан. Сариосиё туманида ҳам ўтказиладиган хатна тўйи маросимида қўлланиладиган “чанки” сўзи умумўзбек фольклорида қадимдан ишлатилиб келинган атама бўлиб, қўшиқ ҳамда лапар айтиладиган, ўйин-кулгу қилинадиган маросим номи сифатида ишлатилган. Бу фактлардан шуни англаш мумкинки, Навоий айтган “чинка” номи билан юритилувчи бу қўшиқлар фақатгина қиз узатув маросимида эмас, хатна тўйларида ҳам ижро этилиши ва уларнинг ҳам “чинка” деб айтилаётгани бежиз эмас, чунки уларнинг ҳар иккиси ҳам, бугунги никоҳ тўйларида ва хатна тўйларида куйланиб келинаётган “Ёр-ёр”ларнинг айнан ўзидир.

Тилшунос олим Э.Умаров эса, “шоир асарларида чинга, чанги, чинг, чанг

деб ёзиб келинаётган бу атаманинг асли “чинка”⁶⁴ бўлиб, қизларнинг никоҳ кечасида ўз овул ва қариндошларидан узоқлашувида ингичка овозда айтиладиган ғам-ғуссали, дардли ашуласи маъносини англатади, деб таъкидлайди. В.В.Радлов эса, бу сўзнинг “чанга” шаклидаги вариантыни “халқ кўшиқларининг бир тури, ашулачи ва мусиқачиларнинг келинни кутиб олиш чоғида ижро этадиган ашуласи” деб изоҳлаган. Бошқа бир ўринда тўй маросимида чапак чалиб кўшиқ айтиш удуми “чинга” дейилишини айтиб ўтган. Шунингдек, турк тилида ҳам “сenge” сўзи “келинни кутиб олишда айтиладиган “кўшиқ” маъносини билдиради⁶⁵.

Келиннинг тўй маросимларида йиғлаши билан боғлиқ одатлар кўплаб “Ёр-ёр”ларда қайд этилади. “Қозоғистонлик мусиқашунос Б.Кокумбаева “Ёр-ёр”нинг келиб чиқиш илдизини шундай изоҳлайди: “Ҳар бир инсон энг аввало оила аъзоси ҳисобланган. Унинг кетиши эса барча яқин қариндошлар учун йўқотиш бўлган. Қариндошлар икки сабаб – қиз болани турмушга чиқиши ёки инсон ўлими туфайли ўз аъзоларидан айрилишлари мумкин. Ҳар икки ҳолатда ҳам жамият ўз яқинларидан буткул айрилган ва шу боис ҳам оилавий маросим йиғи-кўшиқлари алоҳида социал аҳамият билан шартланган эди”⁶⁶.

“Ёр-ёр” кўшиқларини кузатар эканмиз, дарҳақиқат, уларда мунгли оҳанг устуворлиги, маросим тўй бўлса-да, “Ёр-ёр” куйланганда яқинларнинг ҳам маюслашуви, қадимда унинг йиғи айтимлари қаторида бўлган, деган хулосани беради. Алишер Навоийнинг асарларида келтирилган куйидаги жумлалар ҳам юқоридаги фикрларимизни исботлайди:

Навоий, чу сарманзилинг Чингадур,

Сурудинг доғи сур аро чингадур.

Аёлгунг неча ёр-ёр ўлғуси,

*Менинг йиғларим зор-зор ўлғуси*⁶⁷.

⁶⁴ Туркий тилнинг қадимги ҳолатини сақлаб қолган тува тили маълумотлари бу атаманинг тузилиши чи – ингичка(қиёсланг: чийилламоқ) + ин – овоз (қиёсланг: индамади) + ка (кўшимча) яъни, ингичка овозда айтиладиган дардли кўшиқ.

⁶⁵ М.Жўраев. Фольклоршуносликка кириш. – Тошкент: Республика методика ва ахборот маркази. 2008. Б.32.

⁶⁶ Турғунова Н. Фарғона водийси яллачилик санъати. – Наманган: 2016. – Б. 22.

⁶⁷ А.Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. Ҳамса. Садди Искандарий. Тошкент: Фан, 1993. – 20 томлик. 17-том. – Б. 452.

Бу ерда Навоий урғу берган “*Менинг йиғларим зор-зор ўлғуси*” сатри орқали биз, юқорида кўриб ўтган йиғи мотивининг бу ерда ҳам мавжудлигини кўрамиз. Бу ўринда шуни айтиш мумкинки, “Ёр-ёр” кўшиқлари Хоразм худудида, бошқа худудлардагидек куйланмайди. Аксинча, у худди шомон айтимлари сингари йиғи оҳангида “айтим”лардек айтилади. Бу эса қадимда “Ёр-ёр”ларнинг тўй маросимининг йиғи айтимлари таркибида бўлганини яна бир бор исботлайди.

Йиғлама она йиғлама,

Уй сеники, ёр-ёр,

Ипак билан чирмашган,

*Чий сеники, ёр-ёр*⁶⁸.

Қадимдан момоларимиз, қиз узатиш маросимларида бўлажак келинларни табиий ҳолда йиғлашга мажбур қилишган экан. Бунга ўзбекнинг ўта иболи, андишали хусусиятлари ҳам сабаб бўлган бўлса ажаб эмас.

Тогда қулон кишнайди,

От бўлдим деб, ёр-ёр,

Уйда келин йиғлайди,

*Ёт бўлдим деб, ёр-ёр*⁶⁹.

Бизга маълумки, “Ёр-ёр” кўшиқлари тўй маросим кўшиқлари ҳисобланган. Аммо, кейинчалик, “ёр-ёр” радифи тўй маросим кўшиқларидан, лирик кўшиқларга ҳам кўчган. Яъни, ижодкорлар унинг баъзи матнларидан фойдаланиб, тўй маросимларидан бошқа пайтларда ҳам куйлай бошлашган. Баъзида эса, умуман бошқа бир лирик кўшиқни “ёр-ёр” радифи билан сайқаллаштиришни лозим топишган.

“Ёр-ёр” нақоратининг лирик кўшиқларга кўчган вариантларини “Остонаси тиллодан” фольклор экспедициясининг илмий сафари жараёнида ёзиб олинган, “Ёр-ёр” радифи кўшиб куйланган кўплаб лирик кўшиқлар орқали билиб олишимиз мумкин. Мазкур экспедиция, илмий сафар жараёнида кўплаб

⁶⁸ Келиной кўшиқлари. Халқ кўшиқлари ва термалари. Ёзиб олувчи ва тўплаб, нашрга тайёрловчи: О. Собиров. – Тошкент: Ғ. Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 1981. Б.137.

⁶⁹ Икки кўнгил бир бўлсин. Ёр-ёрлар. / Тўпловчи ва тузувчилар: М. Жўраев, Л. Худойкулова. – Тошкент: Ғ. Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи. 2016. Б.130.

халқ кўшиқларини ёзиб олган. Булар орасида “Ёр-ёр” нақорати кўшиб куйланадиган лирик кўшиқлар ҳам мавжуд. “Бахмал туманидаги Новқа кишлоғида оммалашган анъанавий “чавқи” силсиласига мансуб кўшиқлар асосан ишқ-муҳаббат мавзусидаги бандлардан ташкил топган. Бундай лирик кўшиқлар қарсак оҳангига мос усулда ижро этилади. Масалан, “Ҳой бола, бола, ёр-ёр” кўшиғи:

*Қизил гул шона-шона,
Кўлимда ангишвона.
Анишвона демангиз,
Ёрдан қолган нишона,
Ҳой бола, бола, ёр-ёр,
Ҳой бола, бола, ёр-ёр*⁷⁰,

Бу каби “Ёр-ёр” нақоратлари, ўланларда ҳам кузатилади. Жумладан, “Остонаси тиллодан” фольклор экспедицияси: “Хатирчи туманининг никоҳ тўйларида ўланни “Ёр-ёр” радифи билан айтиш кенг урф бўлганини билдирса, иккинчидан, “ўлан” жанрининг генезиси “Ёр-ёр” билан бевосита алоқадор эканлигини тасдиқлайди”⁷¹ дейилади, ҳамда намуна келтиради:

*Ўлан гаппор деганда, ўлан гаппор, ёр-ёр,
Қайда ўлан, тўй бўлса, бизни оббор, ёр-ёр.
Қутлуг бўлсин, жон синглим, дасторингиз, ёр-ёр,
Югуриб чиқиб увотга топдим тарвуз, ёр-ёр*⁷².

Ўлан кўшиқларидаги байтлар билан “Ёр-ёр” кўшиқларидаги сўзларнинг алмашилиб, бир-бирини такрорлаб келиши ҳам шундан далолат.

*Оқ мунчоқман кўк мунчоқ тақинарсан, ёр-ёр,
Унда борсанг отангни соғинарсан, ёр-ёр,
Отагинанг эшиги мойли эшик, ёр-ёр,
Кирсанг-чиқсанг сочингни силар эшик, ёр-ёр,
Қайнотангни эшиги дангал эшик, ёр-ёр,*

⁷⁰ М. Жўраев, Ў. Тоҳиров. Остонаси тиллодан. – Тошкент: 2003. Б.21.

⁷¹ Шу адабиёт. Б.23.

⁷² Шу адабиёт. Б.23.

*Кирсанг-чиқсанг сочингни юлар эшик, ёр-ёр*⁷³.

Ушбу ўлан “Ёр-ёр” кўшиғи сифатида машхурроқдир. Ҳамда уни кўплаб туркий халқларнинг севимли “Ёр-ёр”лари дейишимиз мумкин. Унинг кўплаб вариантлари турли ҳудудларда ўзига хос тарзда тарқалган. Юқорида кўриб ўтганимиздек, “Ёр-ёр” кўшиқлари баъзи ҳудудларда “ўлан” номи билан ҳам юритилади. Бунга, Ёр-ёрларнинг “Ўлан” бошланмаси билан бошланиши ҳам сабаб бўлган дейишимиз мумкин.

“Ёр-ёр”нинг яна бир хусусиятларидан бири унинг бошқа тўйларга ҳам кўчганлиги билан ажралиб туради. Аммо, биз кўпроқ “Ёр-ёр” кўшиқлари хақида сўз борар экан, уни фақат келин-куёв билан боғлиқлигига эътибор қаратамиз. Лекин, юқорида кўриб ўтганимиздек, халқимиз орасида “Ёр-ёр”ларнинг бошқа маросимларда ҳам учрашига гувоҳ бўламиз. Бу ўзбек халқининг диний маросимларидан бўлган хатна тўйларидаги удумлардан биридир. Бу удум турли ҳудудларда турлича аталиб, асосан, “Бойланди” деб номланиб – хатна тўйида қўли ҳалолланувчи бола онасининг қўли боғланиб, аёллар унинг атрофида айланиб “Ёр-ёр” айтиш удуми. Бу удум Андижон шаҳрида “қўя боғланди”, “боғланди”, “боғлади”, Қўрғонтепа туманида “бойланди”, Қўқонда “боғлар” дейилади. Избоскан туманида тўйбола онасининг эмас, балки тўй қилаётган оиланинг яқин қариндоши ҳисобланган бир кекса кампирнинг қўли боғланади ва шу боисдан удум номи “кампир боғлади” деб юритилади. Бунда “Ёр-ёр” айтиш суннат тўйининг якунида тўйхонага тўпланган хотин-қизлар томонидан айтилади.

Ҳой-ҳой ўлан, жон ўлан,

Жон ўлансан, ёр-ёр.

Жоним аро гавҳарим,

Якдонамсан, ёр-ёр...

“Ёр-ёр” айтилиб турилган вақтда тўй эгаси келиб хотинлар қўлидаги патнисга пул ташлаб, уларни рози қилиб, хотинни ажратиб олмоқчи бўлади. Агар хотинлар ташланган пулга рози бўлсалар боғланган хотинни ечиб оладилар,

⁷³ М. Жўраев, Ў. Тоҳиров. Остонаси тиллодан. – Тошкент: 2003. Б.24.

аксинча бўлса, “Ёр-ёр” айтишда давом этадилар. Тилшунос олим А.Жўрабоевнинг ёзишича, “тўй қилувчи” ва унинг қариндош уруғларидан пул йиғиб олиш мақсадида ўтказиладиган бу маросимнинг махсус “Ёр-ёр”лари бор. Масалан, агар тўй бўлаётган боланинг отаси ҳаёт бўлса, қуйидаги “Ёр-ёр” айтилади:

Ҳай-ҳай ўлан, жон ўлан

Тўйдир бугун, ёр-ёр.

Дўст келиб, душман кетар,

Кундир бугун, ёр-ёр.

Мободо унинг отаси ҳаёт бўлмаса:

Ҳай-ҳай ўлан, жон ўлан,

Бўтанг қани, ёр-ёр?

Тўй олдида тургани

Отанг қани, ёр-ёр?

Отагинанг бўлсайди,

Турмасмиди, ёр-ёр?

Хуш келибсиз меҳмонлар,

Демасмиди, ёр-ёр⁷⁴.

Шу тариқа аёллар қўшиқ айтиб, ҳазил-хузул билан ўйин-кулги қилиб бўлишгач, тўйболанинг отаси қўл боғлашни ташкил қилган аёлларга пул, совға-салом бериб, ўз хотинининг қўлини ечади. Мазкур удум ҳозиргача айрим ҳудудларимизда ўтказиб келинади. “Ёр-ёр”чилардан уй эгаларининг ўзлари бу удумни ўтказишини сўраб, “Ёр-ёр” айттиришади.

“Ёр-ёр”лар республикамизнинг ҳамма ҳудудларида ҳам кенг тарқалган ва асосан, аёллар ижро этишади. Айрим жойлардагина, яъни кўпроқ Бухоро, Самарқанд ва Қашқадарё вилоятларида унинг эркаклар томонидан ҳам ижро этилиши кузатилади.

Бу жараён қиз ота уйидан чиқиб кетадиган вақтида турли маросим ва урф-одатлар бажарилиши жараёнида, эркак ҳофиз томонидан рубоб чолғуси

⁷⁴ Жўраев М., Худойкулова Л. Маросимнома. – Тошкент: 2008. Б.25.

жўрлигида айтилади.

“Ёр-ёр”лар бошқа халқ оғзаки ижоди намуналари каби вариантлилик хусусиятини ҳам намоён қилади. Халқ оғзаки ижодида вариантлилик масаласи, энг йирик жанр бўлган дostonларда ҳам, энг кичик жанр бўлган мақолларда ҳам кузатилади. Албатта вариантлилик ва версия атамалари бир-биридан унчалик фарқ қилмайдигандек кўринади. Шунинг учун биз, аввало бу атамаларни олимларимиз қанчалик бир-биридан фарқли жиҳатларини ўрганганлигини кўриб чиқамиз.

Адабиётшунослик терминларининг русча-ўзбекча изоҳли луғатида “вариант” – лотинча “varians” алмашинувчи сўзидан олинган бўлиб, бирор бадиий асар қисмларининг ёки бутун бир асарнинг бир-биридан фарқланувчи турли нусхалари”⁷⁵. Бунда маълум бир бадиий асарнинг шакл жиҳатидан турли кўринишлари, мазмун жиҳатидан айрим фарқланувчи нусхалари шу асарнинг вариантлари ҳисобланади.

“Вариантлилик” – вариантларга эга бўлган асарларга нисбатан қўлланиладиган термин бўлиб, у айниқса халқ оғзаки ижодида кенг маъно касб этади. Вариантлилик ҳам фольклорни ёзма адабиётдан фарқлантирувчи анонимлик, оғзакилик каби энг муҳим хусусиятларидан биридир. Вариантлар муайян асарнинг бир-бирини инкор этмайдиган, жонли оғзаки анъанада мустақил яшай оладиган турли-туман текстларидир.

“Версия – пайдо бўлиши жиҳатидан битта асосга эга бўлган, бироқ сюжет халқасидаги айрим ўринлар ҳамда айрим мотивлар талқинида фарқланувчи бир асарнинг бир неча нусхалари”⁷⁶. Демак, “Версия” фольклор асарларининг вариантларига қараганда жиддий фарқ қилувчи матнлари. Бундай жиддий фарқлар аксарият ҳолларда асарларнинг миллатлараро тарқалиши ва бошқа миллат ижрочилари репертуаридаги ижрода кўзга ташланади. Масалан, туркий халқларда “Алпомиш” дostonининг қозоқ, қунғирот, қипчок, қорақалпоқ ва олтой каби версиялари мавжуд. Шунингдек, версия сифатида

⁷⁵ Адабиётшунослик терминларининг русча-ўзбекча изоҳли луғати. Н. Ҳотамов, Б. Саримсоқов. – Тошкент: Ўқитувчи. 1979. Б.49.

⁷⁶ Адабиётшунослик терминларининг русча-ўзбекча изоҳли луғати. Н. Ҳотамов, Б. Саримсоқов. – Тошкент: Ўқитувчи. 1979. Б.54.

фарқ қилувчи асарлар бир миллат доирасида ҳам бўлиши мумкин. Масалан, “Тўрғли” эпосининг Шимолий ўзбек ва Хоразм версиялари.

Вариантликнинг муҳим бир хусусияти версия ичида мавжуд бўлишидир. Бинобарин, версия моҳиятан бирмунча кенг ҳодиса бўлиб, у асарда олға сурилган ғоявий концепция шунингдек, асарнинг композицияси ва бадиий тасвир воситалари жиҳатидан бир-биридан кескин фарқ қилувчи халқ оғзаки поэтик ижодининг бир сюжет ва бир жанрдаги намуналаридан иборат. Шундай қилиб, вариантлик фольклор асарларининг халқчиллигини, оммавийлигини ҳамда тарқалиш чегараларини белгилайди, фольклорда кечаётган ўзгаришларнинг сабабларини аниқлашга, халқ оғзаки ижодиётида кечган кечаётган жараёнлар асосида ётувчи қонуниятларни очиш учун бой материал беради.

“Ёр-ёр” вариантлари матнлари бўйича қилинган таҳлиллар шуни кўрсатадики, ҳар бир ҳудудда мазкур қўшиқнинг муайян бир мезоний шакли оммалашган бўлса-да, ҳар бир ижрочи уни ўз бадиий маҳорати ва бадиҳагўйлик иқтидоридан келиб чиқиб бойитишга ҳаракат қилган.

“Ёр-ёр” қўшиқлари ижросида ранг-баранглик мавжуд: бу ҳар бир санъаткорнинг халқ терма тўртликларидан ўз дидига мос, дардига ҳамоҳангларини танлаб олиб, қўшиқ матнини шакллантиришига боғлиқ.

Баъзи “Ёр-ёр”ларнинг матни деярли бир хил бўлиб, турли куйларга солиб куйланган. Баъзи “Ёр-ёр” қўшиқларининг фақат бир банди такрор бўлса, айримларнинг фақат бир банди янги. Баъзида тўртликлар айрим ўзгаришлар билан келади. Кўпинча бир тўртлик асос қилиб олиниб, унинг боши ва охиридаги тўртликлар ўзгартирилган. Лекин уларнинг ҳар бири алоҳида қўшиқдир. У ёки бу қўшиқ турли даврларда турли ижрочилар томонидан турлича куйланган: муайян олинган қўшиқни бир ижрочи нисбатан тўлиқ айтган бўлса, бошқаси уни ижро жараёнида қисқартирган. Баъзи бир хил матнли “Ёр-ёр” қўшиқларининг турли воҳалардаги ижроси ҳам баъзида фарқ қилади. Халқ қўшиқларининг турли вариантларининг вужудга келиши сабабларидан бири ҳам айнан шу бўлса керак.

“Ёр-ёр” кўшиқлари аллаларданда кўпроқ нусхаларда тарқалган ва яратилган. Бунга сабаб, уларнинг айтгувчилари ва эшитувчиларининг доирасининг кенг қамровлигида бўлса ажабмас. Айтишув кўшиқлари – “Ўлан”, “Лапар”ларга ҳам “Ёр-ёр” радифи табиий тарзда кўшилиши шарт бўлган. “Ёр-ёр” радифи бошқа лирик кўшиқларнинг кичик нақоратлари сифатида ҳам қўлланилиб келади. Бу каби кўшиқларга “Ёр-ёр” радифининг кўшилиши ўзгача оҳанг ва мазмун бағишлайди.

*Қора-қора қўзилар қўйни бошлар, ёр-ёр,
Қалам қошлик янгалар, тўйни бошлар, ёр-ёр.
Иков-иков айтишсак, тол бўйингдан, ёр-ёр,
Йигит-қизнинг сўзини, барча хушлар, ёр-ёр*⁷⁷.

Ёки:

*Сочингни узун дейдилар
Доно укам, ёр-ёр
Қора соч укам, ёр-ёр
Кўрсат сочингни мен курайин,
Беҳол укам, ёр-ёр
Сочимни кўриб нима қиласиз,
Сиз акажоним, ёр-ёр.
Бозордаги сочпукни,
Курмабмидингиз, ёр-ёр*⁷⁸.

Бу каби лирик кўшиқларни “Ёр-ёр” радифисиз тасаввур қилиш мумкин эмас, чунки унинг мазмун моҳияти мазкур кўринишдагина тўлиқликни сақлаб қолади.

Халқимизнинг никоҳ тўйларида ижод ва ижроси жиҳатидан энг оммавий бўлган “Ёр-ёр” кўшиқлари севиб куйланади ва тингланади. Юқорида кўриб ўтганимиздек, “ёр” сўзининг фақат маъшуқа эмас, худо, оллоҳ, йўлдош ва бошқа маънолари ҳам бор. Исломий тасаввуфда “Кўнгил ёрда”, “тан бозорда”

⁷⁷ Ўзбек халқ кўшиқлари. Кўп томлик Нашрга тайёрловчи: Алавия М. Раззоқов. С. – Тошкент: Б.265.

⁷⁸ Оқ олма қизил олма. Ўзбек халқ кўшиқлари. // Ўзбек халқ ижоди. Кўп томлик. Тўпловчи: М.Алавия. – Тошкент: Адабиёт ва санъат нашриёти. 1972. – Жами: 231 бет. Б.90.

ҳикматининг машҳурлиги, халқда “Худо ёр бўлсин” деган тилакнинг мавжудлиги ва бошқа доно иборалари фикримизни тасдиқлайди.

“Ёр-ёр” кўшиқларини кузатиш улар ижросида маълум бир мантикий изчиллик мавжудлигини, ижро тартиби бўлганлигини кўрсатади. Гарчи ҳозир бу тартиблар унутилган бўлса-да, “Ёр-ёр”лар одатда қуйидаги мисралар билан бошланган дейиш мумкин:

*Аввал бошлаб айтайлик, ё бисмилло, ёр-ёр,
Бу олами бор қилган, оллоҳ таоло, ёр-ёр*⁷⁹.

Бу каби “бошланма” “Ёр-ёр”ларнинг ҳам турли кўринишдаги вариантларини учратамиз:

*Аввал бошлаб худони, ёд этайлик, ёр-ёр,
Пайғамбарлар руҳини, шод этайлик, ёр-ёр*⁸⁰

Тўй кўшиқларининг лирик характери – инсон ички туйғу-кечинмаларини куйлаши ҳам, уларнинг бошқа маросим кўшиқ намуналаридан кейинроқ келиб чиққанлигини кўрсатади. “Ёр-ёр” кўшиқлари орқали эса, тўйлардаги “Ёр-ёр” айтиш одатини халқ ислом дини билан, аниқроғи, Муҳаммад пайғамбарнинг қизи Фотима ва Ҳазрат Али тўйлари билан ҳам боғлайди:

*Ариқларнинг бўйида, қошиқ ювган, ёр-ёр.
Пайғамбарнинг қизига, ошиқ бўлган, ёр-ёр.
Пайғамбарнинг қизини, Али олган, ёр-ёр.
Ёр-ёр айтмак бизларга, шундан қолган, ёр-ёр*⁸¹.

Ўзбек халқ тўй кўшиқлари регионал хусусиятларига кўра, маълум даражада фарқланади. Шунинг учун ҳам қишлоқ ва шаҳарларда “Ёр-ёр”ларнинг монолог билан мурожаат формаси кенг тарқалган бўлса, кўчманчи, чорвадор ҳўжаликларда ўлан айтиш, яъни тараф-тараф бўлиб айтишув кўпроқ ривожланган. “Ўлан” айтишув кўшиқлари ижро доираси жиҳатдан ҳам “Ёр-

⁷⁹ Икки кўнгил бир бўлсин. Ёр-ёрлар. / Тўпловчи ва тузувчилар: М. Жўраев, Л. Худойкулова. – Тошкент: Ғ. Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи. 2016. – Жами: 265 бет. Б.16.

⁸⁰ Ой олдида бир юлдуз. Ўзбек халқ маросим кўшиқлари. Тўплаб,нашрга тайёрловчи, кириш сўзи ва изоҳлар муаллифи: М. Жўраев. – Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 2000. Б.42.

⁸¹ Икки кўнгил бир бўлсин. Ёр-ёрлар. / Тўпловчи ва тузувчилар: М. Жўраев, Л. Худойкулова. – Тошкент: Ғ. Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи. 2016. – Жами: 265 бет. Б.17.

ёр”лардан кенгроқ бўлиб, фақат тўйларда эмас, турли маросимларда, йиғинларда ҳам айтилаверган. Аслида, “ўлан” айтишув қўшиқлари “Ёр-ёр”лар ривожига дастлабки босқичдир. Қизлар ва йигитларнинг тараф-тараф бўлиб, ғолиб чиқиш учун қўшиқ айтиш асослари “Ёр-ёр”лар тарихидан кадимийроқдир.

Машҳур “Алпомиш” достонидаги Алпомиш билан Бодом бикач айтишувлари фикримизга далил бўла олади. Бундан ташқари, “Ёр-ёр”ларда асосий мақсад келин-куёв таърифи, уларга тилак билдириш, қудалар муносабатини ифодалаш бўлса, “ўлан” айтишувларидаги бош мақсад айтишувда ғолиб чиқишдир. Ўланларда учрайдиган “Ёр-ёр” нақоратлари эса кейинги давр натижасидир:

Ой олдида бир юлдуз ойдан қолди,

Кўк мугизли кўк серкам қўйдан қолди.

Қишлоғингиз қизлари ёмон экан,

Тор кавушни талашиб тўйдан қолди.

Бу “ўлан” йигит тилидан айтилмоқда, “ўлан” сифатида унга албатта жавоб бериш керак. Бироқ бу “ўлан” “Ёр-ёр”га ҳам енгилгина кўчади:

Ой олдида бир юлдуз, ойдан қолди, ёр-ёр.

Кўк мугизли кўк серкам, қўйдан қолди, ёр-ёр⁸².

“Ўлан” “Ёр-ёр”га айланганда жавоб талаб қилинмайди. “Ўлан”лар фақат никоҳ тўйларида айтилиши шарт эмас. Уларни ижро ўрнига қараб маросим фольклорига ҳам, шеъриятга ҳам киритиш мумкин. Умуман, “Ёр-ёр” қўшиқлари ўзининг лирик характериға кўра маросим қўшиқлари намуналаридан номаросим фольклор намуналарига табиий равишда жуда енгил кўчади. Бунда “Ёр-ёр” нақорати тушиб қолади, холос.

Андижонда ўт ёқсам, Ўшда тутун, ёр-ёр.

Бу дунёда бормикин, бағри бутун, ёр-ёр.

⁸² Ой олдида бир юлдуз. Ўзбек халқ маросим қўшиқлари. Тўплаб, нашрга тайёрловчи, кириш сўзи ва изоҳлар муаллифи: М. Жўраев. – Тошкент: Ғ.Хўлом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 2000. Б.35.

Бу қўшиқ дастлаб “Ёр-ёр” жанри қўшиқлари бўлган бўлиб, кейинчалик, “Тановар оҳангидаги “Сумбула” номли лирик қўшиқ сифатида халқ орасида жуда машҳур бўлиб кетди. Бироқ ҳеч ким бу қўшиқни “Ёр-ёр” деб билмайди. Ёки яна бир мисол:

Дарёга тош отманглар, ботар кетар, ёр-ёр.

Узоққа қиз берманглар, олар-кетар, ёр-ёр.

Узоққа берган қизнинг, ранги сариқ, ёр-ёр.

Кўзидан оққан ёши мисли ариқ, ёр-ёр.

Мисли ариқ мис бўлсин, сомон бўлсин, ёр-ёр.

Узоққа тушган синглим омон бўлсин, ёр-ёр.

Бундан ташқари “Ёр-ёр” қўшиқларининг туркий халқлар, бизга қардош бошқа халқларда ҳам турли вариантлари кенг тарқалган бўлиб, улар ижрочи, айтгувчи томонидан ўз урф-одатлари, анъаналари, шеваларига мослаб, ўзлаштириб кетаверганлар. Жумладан, қуйидаги “Ёр-ёр” қўшиғининг бизга қардош халқлардаги ва бизнинг халқимизга хос бўлганларидан мисоллар келтирамыз:

Ота-онанг эшиги, ипормиди, ёр-ёр,

Ўтсанг кетсанг, сочларинг, силармиди, ёр-ёр.

Қайнатанг дарвозаси, илма тешик, ёр-ёр,

*Ўтсанг кетсанг, сочларинг, юлар эшик, ёр-ёр*⁸³.

Худди шу “Ёр-ёр” қўшиқлари биз билан ҳамюрт бўлган қорақалпоқ халқ фольклорида қуйидагича куйланади:

*Ўз акеннин есиги, жипик есик, ҳаўжар*⁸⁴,

Утсен кетсен, шошынды, сыйпар есик, ҳаўжар.

Қайнатанын есиги, бахыт есик, ҳаўжар,

*Утсен кетсен, шошынды, жўлар есик, ҳаўжар*⁸⁵

⁸³ Ой олдида бир юлдуз. Ўзбек халқ маросим қўшиқлари. Тўплаб, нашрга тайёрловчи, кириш сўзи ва изоҳлар муаллифи: М. Жўраев. – Тошкент: Ғ.Хулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 2000.Б.157.

⁸⁴ Ҳаўжар – қорақалпоқ шевасида “ёр-ёр”, қиз узатув маросимларида куйланадиган қўшиқ.

⁸⁵ Қорақалпоқ халқ қўшиқлари устаси, Бибиайша Кудайбергеновадан ёзиб олинди.

Мазкур “Ёр-ёр”нинг ўндан зиёд вариантлари мавжуд бўлиб, у бугунги кунда ҳам энг кўп қуйланаётган “Ёр-ёр”лардан биридир. Бу юқорида қайд этганимиздек, нафақат ўзбек халқида, балки бутун туркийзабон халқларнинг барчасида бирдек севиб қуйланади. Фольклоршуносларимиз томонидан уларнинг кўплаб вариантлари ёзиб олинган бўлиб, яна ўзгаришда давом этаверган:

Ота-онанг эшиги, Бағдод эшик ёр-ёр,

Ўтсанг чиқсанг сочингни, сийпар эшик ёр-ёр.

Қайнотангни эшиги, бахил эшик ёр-ёр,

Кирсанг чиқсанг сочингни, юлар эшик ёр-ёр.

“Ёр-ёр”ларнинг яна ўзига хос бир хусусияти, унинг мотам маросими пайтида қуйланишидир. (Мотам аллалари ва турли йиғи йўқловлардан ташқари) Бугунги кунда бу каби “Ёр-ёр”лар, қайсидир ҳудудлардагина қисман сақланиб қолган. Мотам қўшиқларининг кўп қисмини, мотам ёр-ёрлари ташкил этади. Мотам қўшиқларининг яратилиш жараёни жуда қадимий. Улар тўй “Ёр-ёр”лари каби узоқ тарихга эга бўлмаса-да, ўз тарихига эга.

Тўй “Ёр-ёр”лари никоҳ тўйида келинни куёвнинг уйига узатиб бориш жараёнида унинг қизлик олаmidан аёллик оламига кетаётганлигини белгилаш, маълум қилиш учун қуйланса, мотам ёр-ёрлари бокира қизнинг шу бахтга эришолмай мунг билан тириклар олаmidан ўликлар оламига кетаётганлигини қайд қилиш мақсадида ижро этилади. Шу ўринда бу иккала ҳодисанинг функционал ўхшашлиги кўзга ташланади. Яъни, уларнинг ҳар иккаласи ҳам бокира қизни бир хил ҳаётдан иккинчи бир хил ҳаётга кузатиш, узатиб қолиш вазифасини адо этади. Аслида тўй “Ёр-ёр”ларига хос бу вазифа кейинчалик мотам ёр-ёрларига ҳам кўчиб ўтган. Натижада бу иккала жанр ўртасида функционал алмашиниш ҳодисаси юз берган. Бу ҳолат ўзбек фольклоршунослигида илк бор Б.Саримсоқов томонидан аниқланиб, қайд қилинган⁸⁶.

Мотам ёр-ёрлари фақат бокира қиз (ёки уйланмаган йигит) вафот

⁸⁶ Саримсоқов Б. Мотам ёр-ёрлари ҳақида // Ўзбек тили ва адабиёти – Тошкент: 1983. - № 5. Б. 29-33.

этганида ижро этиладиган ритуал айтимлар бўлиб, мотам маросими фольклорининг мустақил жанрларидан бири ҳисобланади ва ўзига хос жанрий табиати, специфик хусусиятлари билан алоҳида ажралиб туради.

“Бухоро регионидида балоғат ёшида турмуш қурмай, гунча ҳолида гул бўлиб очилмай эрта кўз юмган қизларга ҳам, йигитларга ҳам мотам ёр-ёрлари айтилади. Фарғона водийсида яшовчи аҳоли ўртасида эса у фақат қизларга айтилар экан⁸⁷”.

Демак, тўй “Ёр-ёр”ларига хос кузатиш, узатиб қолиш, тасалли бериш вазифалари мотам маросимидаги тириклар оламидан ўликлар оламига кетаётган қизни узатиш ва кузатиб қолиш, унинг аёллик оламига хос келинлик ва оналик гаштини суролмай, армон билан кетаётган руҳини тинчитиш, яқинларига тасалли бериш каби вазифалар билан ўзаро мувофиқ келиши боис азада ҳам йиғи “Ёр-ёр”лари айтилади. Табиийки, бундай “Ёр-ёр”лар кўз ёши билан айтилиб, кўз ёши билан тингланади.

Лола, лола, лолазор булди-я, ёр-ёр,

Энди бағрим қонлар булди-я, ёр-ёр.

Болам, болам, болажоним, ёр-ёр-эй,

Меҳрибоним, болажоним, ёр-ёр-эй.

Йиққанларим поя бўлди-я, ёр-ёр,

Меҳнатларим зоя бўлди-я, ёр-ёр.

Буўлим қандай бўлди-я, ёр-ёр,

Гунча гулим сўлди-я, ёр-ёр⁸⁸.

Халқ орасида “Ёр-ёр”ларнинг куйлана бошлаши ислом дини билан ҳам, боғлиқлиги туфайли улар матнида турли диний тасаввур ва тушунчаларни ифодаловчи сатрлар кўп учрайди. Хусусан, бу фоний дунёдан кўра кўпрок нариги-боқий дунёга ва ундаги жаннат ва дўзахга қаттиқ ишонч мотам ёр-ёрларида ёрқин сезилиб туради.

Мункар-Накр сўрогидан

⁸⁷ Саримсоқов Б. Мотам ёр-ёрлари ҳақида // Ўзбек тили ва адабиёти – Тошкент: 1983. - № 5. Б. 29-33.

⁸⁸ Бўзлардан учган ғазал-ей. Нашрга тайёрловчилар: О.Сафаров, Д.Ўраева – Тошкент: Б. 2005. Б.87.

Осон қилсин, ёр-ёр.

Пайғамбар умматим деб,

Қўлинг тутсин, ёр-ёр.

Мотам ёр-ёрларини, одатда, кексарок, тажрибали, кўпни кўриб дийдаси қотган аёллар айтади, бошқалар эса унга жўр бўлади:

Гуянда: *Ҳай-ҳай ўланан, жон ўлан,*

Ой боласи, ёр-ёр.

Бизни келин янги уйнинг,

Гул-лоласи, ёр-ёр.

Аёллар: *Ёр-ёр-эй, ёр-ёр-эй,*

Гул-лоласи, ёр-ёр

Гуянда: *Ўрам-ўрам сочларинг,*

Тупроқ бўлди, ёр-ёр,

Сен учун онаи зор,

Адо булди, ёр-ёр.

Аёллар: *Ёр-ёр-эй, ёр-ёр-эй,*

Адо булди, ёр-ёр.

Кўринаяптики, мотам ёр-ёрлари ҳам тўй “Ёр-ёр”лари каби анъанавий “ҳай-ҳай ўлан, жон ўлан” мисраси орқали бошланиб, ундаги қолган сатрлар ўзаро “Ёр-ёр” такрори орқали мантиқан бирлашиб, оҳангдошлик касб этиб келади. Шунингдек, мотам ёр-ёрларида ҳам келин-қизнинг гўзаллиги, ҳусну-таровати, инсоний фазилатлари алоҳида тараннум этилади. Бироқ бунда, ана шу гўзалликнинг бевақт сўнганлигига ачиниш, кутилмаган айрилиқдан қаттиқ изтироб чекиш, ўн гулидан бир гули очилмай хазон бўлган қиз тақдирига куюниш, унинг меҳрини, иссиқ тафтини қўмсаш каби мотивлар етакчилик қилади:

Ўрам-ўрам сочларинг қайдан топай, ёр-ёр,

Сандай сарви қоматни қайдан топай, ёр-ёр.

Сан кетдинг, қадамларинг узилди-эй, ёр-ёр,

*Санинг қутлуғ қадаминг қайдан тонай, ёр-ёр*⁸⁹.

“Келин тилидан куйланадиган “Ёр-ёр”лар, қадимда келиннинг ўзи куйлайдиган йиғилари, мотамсаро айтимлари бўлганлигидан далолат беради. Бундан ташқари янгаларнинг “Ёр-ёр”ни келин елкасига қўл ташлаб, унга ҳамдам ва ҳамдард, ҳимоячи бўлган тарзда куйлашлари ҳам унинг тўй йиғи кўшиқлари билан генетик алоқадорлигини тасдиқлайди”⁹⁰.

Мотам “ёр-ёр”ларидан ташқари халқимиз орасида йўқлов “ёр-ёр”лари ҳам сақланиб қолган бўлиб, унда келиннинг хоҳиш-истагини, ота-онасиз етимлигидан шикоятини, зорланишини, угай онадан нолишини, бугунги тўйда марҳум отаси ёки онасининг иштирокини қумсаётганлигини ифодаловчи мисралар унинг ўз тилидан куйланса, унинг хоҳиш-истагига жавоблар янгалар тилидан куйланади. Бироқ келин тилидан айтиладиган мисраларни ҳам янгалар ижро этади. Масалан:

Бориб айтинг Жаброил,

Бекларига, ёр-ёр.

Отамни юборсин.

*Тўйларига, ёр-ёр*⁹¹.

Келиннинг бу хоҳишига жавоб бўлувчи йўқлов “ёр-ёр”и:

Остонангни остида.

Отанг ётар, ёр-ёр.

Оқ бўз отни юборсанг,

*Келмай ётар, ёр-ёр*⁹².

Кўриняптики, бундай йўқлов “ёр-ёр”ларида марҳум ота ёки онанинг у дунёдалиги, у ердан эса энди ҳар қанча қилинса-да, қайтиб келиши душворлиги ҳақида куйланади. Шу билан ўксик келинчакка далда берилади. Унинг марҳум отаси ёки онаси руҳига осойишталик тиланади.

“Ёр-ёр” жанрининг никоҳ тўйлари билан боғлиқлиги ҳақида шуни хулоса

⁸⁹ Бўзлардан учган ғазал-ей. Нашрга тайёрловчилар: О.Сафаров, Д.Ўраева, 2005. Б.87-88.

⁹⁰ Ўраева Д.С. Ўзбек мотам маросими фольклорининг жанрий таркиби, генезиси ва бадиияти – Тошкент. 2005. Диссертация. Б.63.

⁹¹ Бўзлардан учган ғазал-ей. – Нашрга тайёрловчилар: О.Сафаров, Д.Ўраева, 2005. Б.109.

⁹² Бўзлардан учган ғазал-ей. – Нашрга тайёрловчилар: О.Сафаров, Д.Ўраева, 2005. Б.109.

қилиш мумкинки, “Ёр-ёр”лар никоҳ тўйлари билан қадимий синкретик боғланишга эга бўлиб, бундай боғланиш ҳамма вақт ҳам сақланиб қолади.

2.2. “Ёр-ёр” кўшиқларининг таснифи ва миллий тарбия масалалари

Халқ кўшиқларини турлича нуқтаи назардан тасниф қилиш мумкин. Бу борада бир неча тадқиқотлар қилинган бўлиб, М.Алавия, А.Мусакулов, Ф.Кароматов, Ж.Эшонкулов каби олимларимизнинг халқ кўшиқлари таснифи борасидаги хулосаларини айтишимиз мумкин⁹³. Улардан Ж.Эшонкуловнинг таснифларини энг мукамал тасниф деб, бемалол айта оламиз.

Ж.Эшонкулов, кўшиқларни тасниф этишда яхлит бир мезондан келиб ёндошиш, яъни ижро ўрни, ҳолати, мусиқага муносабати ва бадииятидан келиб чиқиб тасниф этилиши керак, дейди. Биз эса, уларнинг халқ кўшиқларини таснифлаш тамойилларига суянган ҳолда ва “Ёр-ёр”ларни ўрганиш жараёнида келинган тўхтамларга асосланиб уларни қуйидагича тасниф этиш мумкин деган хулосага келдик:

- а) иштирокчиларига кўра: аёллар, эркаклар;
- б) регионал жиҳатдан: Фарғона, Наманган, Жиззах, Хоразм, Самарқанд-Бухоро, Қашқадарё-Сурхондарё ва ҳ.к;
- в) ижро ўрнига кўра: никоҳ тўйи, хатна тўйи, хотин оши, мотам маросими;
- г) ижро формаси, композициясига кўра: якка, хор.
- д) мусиқий табиати, усулига кўра: оғир, маъюсликка монанд чўзиб айтиладиган йўл, шўх-қиска, ритми изчил ва ҳ.к.
- е) рақсга муносабатига кўра; рақсга монанд, рақссиз;
- ё) мавзуси ва мазмунига кўра: келиннинг фазилатлари, гўзал хулқи, камолоти куйланган “ёр-ёр”лар, мақтов “ёр-ёр”лари, қизнинг дард-аламлари

⁹³ Оқ олма қизил олма. Ўзбек халқ кўшиқлари. / Ўзбек халқ ижоди. Кўп томлик. Тўпловчи: М.Алавия. – Тошкент: Адабиёт ва санъат нашриёти. 1972. – Жами: 231 бет; Мусакулов А. Ўзбек халқ лирикаси. – Тошкент: Фан. 2010; Эшонкулов Ж. Ўзбек халқ ижро санъатининг Номоддий маданий меросда тутган ўрни // Номоддий маданий мерос ва фольклор ижро санъати анъаналари. Йўлдошева С. –Тошкент: Наврўз, 2017. Ўқув қўлланма.

куйланган “ёр-ёр”лар, юмор улашувчи ҳазил-мутойиба аралашган “ёр-ёр”лар;

ж) “ёр-ёр” билан бирга ёки ўрнида куйланувчи қўшиқлар: хуш келдингиз, хазорали, халфалар куйлайдиган тўй муборак қўшиқлари;

з) поэтик структураси, оҳанг йўлига кўра: воқеабанд – тўртлик “ёр-ёр”лар ва воқеабанд бўлмаган – тўртлик “ёр-ёр”лар.

Бу таснифни яна давом эттириш мумкин. “Ёр-ёр”ларнинг чолғуга муносабатига кўра, чолғули ва чолғусиз деб ажратиш ва ҳоказо.

Халқ қўшиқларига энг яқин соҳалар халқ мусиқа, рақс санъати ҳамда этнографиясидир. Куй ва қўшиқлар бамисли эгизаклардир, бизда қўшиқнинг вербал қисмини фольклоршунослар, куйини эса мусиқашунослар алоҳида-алоҳида ўрганиб келмоқда. Шунинг учун халқ қўшиқлари таснифида фарқлар мавжуд. Чунки қўшиқларнинг мусиқа билан муносабати ҳам унинг энг муҳим хусусиятларидан биридир.

“Ёр-ёр”лар ижросидаги тартиб, мантикий изчиллик тўй тартиби, урф-одат талабидан келиб чиқади. Масалан, қудалар келганда қуда ҳақида, куёв келганда куёв ва куёв жўралар ҳақида қўшиқ айтилади. Шунингдек, никоҳ ўқилмасдан олдин қиз болага келин сифатида мурожаат қилинмайди.

Ҳай-ҳай ўлан, жон ўлан, ўланчи қиз, ёр-ёр.

Ваъдасида турмаган, ёлгончи қиз, ёр-ёр.

Қат-қатгина қатлама, қатланади, ёр-ёр.

*Қизни олиб, янгалар, отланади, ёр-ёр*⁹⁴.

Келинчакнинг таърифи асосан никоҳдан сўнг куйланади.

Узун-узун аргамчи, ҳалинчакка, ёр-ёр.

Атлас куйлак ярашар, келинчакка, ёр-ёр.

Келинпоиша уйлари, баланд айвон, ёр-ёр.

*Куёв билан қилгандир, аҳду паймон, ёр-ёр*⁹⁵

Тўй қўшиқлари, асосан, қиз, йигит, янгалар, қудалар, қайнона ва қўшиқчилар номидан ижро этилади. Бунда турмуш аҳволи, қалб изтироблари,

⁹⁴ Шода-шода марварид. Ўзбек халқ қўшиқлари. Тўплаб, нашрга тайёрловчи, сўз боши ва изоҳлар муаллифи: Э. Очилов. – Тошкент: Шарқ . 2006. 416-бет. Б.376.

⁹⁵ Шу адабиёт. 380-бет.

дунё ҳақидаги тушунчалар ҳам маълум даражада ўз ифодасини топади.

Аравани гунчагидан қил ўтади, ёр-ёр,

То келиной келгунича йил, ўтади, ёр-ёр.

Бизнинг уйнинг орқасида бир бог шувоз, ёр-ёр,

*Биттагина қўй бердим деб, мунча димоз, ёр-ёр*⁹⁶.

“Биз бир йилга режалаштирганимизда, дон сочамиз. Ўн йилга режалаштирганимизда дарахт экамиз. Агар бутун умрга режалаштирсак, кишиларни ўқитамиз ва тарбиялаймиз”⁹⁷. Дарҳақиқат, тарбия миллатнинг миллат бўлишида энг асосий восита ҳисобланади. Албатта, қўшиқ чуқур инсоний туйғулар, дўстлик, жанговар ватанпарварлик руҳи билан суғорилган ажойиб бадиий ёдгорликдир.

Халқ қўшиқларининг тили, тасвирлари ёрқин ва ранг-барангдир. Эпик рия ва шеърӣ жўшқинлик асарга гўзаллик ва салмоқдорлик бахш этади.

Иборалар ихчам ва соддалиги билан тасвирнинг халқчиллигини орттиради. Шунинг учун ҳам у минг йиллик давр синовидан ўтиб, ҳозир ҳам эстетик таъсир кучини йўқотган эмас.

Маънавий қадриятларимизни тиклаш ва миллий менталитетимизни белгилайдиган фольклор анъаналарини ўрганиш ва ривожлантиришга алоҳида аҳамият берилмоқда. Натижада, дунё маънавий тамаддунига ўзининг беназир ижодий қудрати билан муносиб ҳисса қўшган халқимиз яратган қадимий қўшиқлар, маросим ва анъаналар бугунги кунда ёш авлодни эзгу анъаналар руҳида камол топтиришнинг муҳим воситаларидан бирига айлантирилди.

Маросимлар ҳамиша инсон қалбини эзгулик нури билан нурафшон этишга, кўнгилларни поклашга, одамларни улуғвор мақсадларга йўналтиришга, кишилар ўртасидаги меҳр-мурувват, ўзаро ҳамжиҳатликни мустаҳкамлашга хизмат қилиб келган. Ўзининг ана шу хусусиятига кўра урф-одат ва маросимлар жамият тараққиётида ҳал қилувчи аҳамият касб этиб келган.

⁹⁶ Икки кўнгил бир бўлсин. Ёр-ёрлар. Тўпловчи ва тузувчилар: М. Жўраев, Л. Худойкулова. – Тошкент: Ғ. Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи. 2016. – Жами: 264 бет. Б.243.

⁹⁷ Ишмуҳамедов Р., Абдукодиров А., Пардаев А. Тарбияда инновацион технологиялар – Тошкент: 2010. Б.182.

Шунинг учун ҳам ҳар бир халқ ўзининг ота-боболари томонидан яратилиб, асрлар мобайнида бадиий-эстетик жиҳатдан сайқал топган маросимларини кўз қорачиғи янглиғ асраб-авайлаш, ҳамда дилга яқин қадриятларини изчил ривожлантириш орқали тараққий этади. Зеро, аجدодларимиз бадиий тафаккурининг сарчашмага монанд қадим илдизлари шу қадар олис замонларга бориб тақаладики, минг йиллар мобайнида халқ дилига жо бўлиб, сўзга чечан ижрочилар тилидан тушмай, бойиб, тўлишиб келган фольклор асарлари миллий қадриятларимиз сарчашмаси саналади.

Улар эса аجدодлардан авлодларга, миллий тарбия воситаси, миллий менталитет кўринишини акс эттирувчи асос сифатида хизмат қилиб келди. Маълумки, урф-одат, расм-русум ва маросимлар халқ ижодиётининг қадимий қатламини ташкил этади. Халқимиз томонидан яратилган маросим фольклори жанрларида инсон туғилишидан тортиб, унинг бутун ҳаёти давомида ўтказиладиган турли-туман удумлар, маросимлар, ирим-сирим ва расм-русумлар, айтим ва олқишлар ўз ифодасини топган.

Айниқса, ўзбек тўйлари хилма-хил расм-русумлар ва фольклор материалларига бойлиги, халқ маиший ҳаётида алоҳида ўрин тутиши билан ажралиб туради. Тўйга маънавий озиқланиш учун ёр-дўстлар йиғилади, чунки тўй маросими таркибидаги ҳар бир удум ва қўшиқнинг бой ҳаётий мазмуни бор. Маросимларда ижро этиладиган ҳар бир айтим, олқиш ва қўшиқлар тингловчи руҳиятига кучли таъсир этиб, унда миллий қадриятларимизга бўлган эътиқодни шакллантиради ва мустаҳкамлайди. Миллий-маънавий қадриятларни тиклаш бош масала бўлиб турган бугунги кунда ёш авлодни маънавияти юксак, ҳар томонлама мукамал инсон сифатида тарбиялашда маросим қўшиқларидан кенг қўламда фойдаланиш яхши самара беради.

Машҳур инглиз бастакори Кирилл Скотт айтганидек, бастакорлар бизга ўз куйларида абадий оҳанг, азалий уйғунлик тушунчаларини англашга ёрдам берадилар. Уйғунлик эса, саломатликнинг асоси. Инсон мусиқасиз яшай олмайди. Зотан, куй, қўшиқ инсонга бешиқдан, оналарнинг мунис алласидан бошлаб, то қабргача ҳамроҳ бўлади. Кўпинча, инсон ўз қалбига яқин

мусиқаларни тинглагиси келади, бироқ нима учун одам шу муסיқа унинг қалб торларини чертаётганлигини тушунтириб бера олмайди. Дунёда шундай мусиқалар борки, элат, миллат деган тушунчалардан қатъий назар, ҳар қандай софдил кишини сеҳрлаб қўйиш қудратига эга. Инсон ҳаётида, айниқса мусиқанинг аҳамияти катта.

Улуғ аждодимиз Абу Али ибн Сино ҳам мусиқанинг, жумладан, аллаларнинг ана шу хусусиятини бундан минг йил илгариёқ пайқаб шундай деган эди: “Болани мижозини кучайтирмоқ учун унга икки нарсани қўлламоқ керак. Бири болани секин-секин тебратиш, иккинчиси, уни ухлатиш учун одат бўлиб қолган муסיқа ва аллалашдир. Шу иккисини қабул қилиш миқдориға қараб боланинг танаси билан бадантарбиясига ва руҳи билан муסיқага бўлган истеъдоди ҳосил қилинади”⁹⁸. Улуғ ҳаким болани секин-секин тебратишни бадантарбия билан боғлиқлигини махсус таъкидлаган эканлар, унинг жисмоний улғайишида тебратишнинг ҳам аҳамияти катта экани, аллалаш орқали эса унинг руҳий олами гўзаллашишини таъкидлайдилар. Ҳаттоки “алла” айтишда онанинг кайфияти ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлиб, она кайфияти чоғ пайтларда овозида, кишига хуш ёқувчи майин юмшоқлик сезилиб турса, хафа, изтироб чекаётганида маъюс тортувчи ҳазинликка мойил бўлади.

Албатта, ҳар иккала ҳолатда ҳам боланинг руҳиятига таъсир этади, уни тинчлантиради, қалбига ором бағишлайди. Биринчи ҳолатда боланинг серзавқ бўлиб ўсишига замин ҳозирласа, иккинчи ҳолатда боланинг руҳининг маъюслашувига асос солинадик, бу кейинчалик бола улғайганида унинг характерида ўз асоратини албатта қолдиради. Бола учун алланинг сўзи эмас куйи муҳим чунки у ҳали сўзни англамайди, лекин куйнинг маъюслиги унга таъсир этмай қолмайди. Демак шунга амин бўламизки, бизнинг руҳиятимизда табиий равишда болаликдаги оналарнинг маъюслигида куйлаган оҳанглари, аллалари ўрнашиб қолади. Шунинг учунми маъюс куйлар бизни йиғлашга, мажбур қилади.

⁹⁸ Сафаров О. Алла-ё алла Ўзбек халқ аллалари. – Тошкент: Ўқитувчи. 1999.

Йигит-қиз улғайганда янги ҳаёт оstonасига кузатаётган чоғимизда “Ёр-ёр”лар куйлашимиз ва аксарият ҳолларда маънос “Ёр-ёр”ларни айтишимиз барчамизга аён. Қадимдан момоларимиз қизларни узатув маросимларида, нафақат ўзбек халқлари орасида балки, бошқа кўплаб туркий халқларнинг қиз узатиш маросимларида қизларни йиғлашга табиий ҳолда мажбур қилишган экан. Бунга сабаблардан бири ўзбекнинг ўта иболи, андишали хусусиятлари ҳам сабаб бўлган бўлса ажаб эмас.

Лачаккинанг кир бўлмай, ювгин болам, ёр-ёр,

Эшигининг туйнугин, очгин болам, ёр-ёр,

Номаҳрамни кўрганда, қочгин болам, ёр-ёр,

*Дастурхонга майизлар, сочгин болам, ёр-ёр*⁹⁹..

Бу мисралар келиннинг онаси тилидан баён этилган бўлиб, унда онаизорнинг ўз дилбандига панд-насихат бериши орқали уни янги хонадонда яхши таасурот уйғотиши учун ҳаракат қилиши уқдирилмоқда. Бу каби маслаҳат “Ёр-ёр”лари қизга нафақат оналари томонидан, балки момолари, янгалари, опалари, дугоналар, ва ҳатто оталари тилидан ҳам берилганини кўришимиз мумкин.

Фарзанднинг яхши фазилатлар билан камол топиши, унинг хулқ-атвори, бизнинг қадим аجدодларимиз учун ҳам энг олий масала бўлиб келган. Оилада соғлом муҳит ўзбекона миллийлик, уфуриб турар экан, бу фарзандлар тарбиясига сингмасдан қолмайди. Буни табиий равишда ҳис қилган аёллар, оналар турли урф-одатларни ўйлаб топишгани, улардан эса фарзандларининг тарбиясида фойдаланиб келишгани бежиз эмас албатта. Чунки улар бу билан фарзандига миллийликни англашида ва ўзлигини ҳис қилишида қулай восита сифатида хизмат қилишини таъминлаган. Яхши одатларга ўрганган болада эса эзгуликни шакллантириш осон кечади. Бунинг учун уларнинг ўз қалб кўшиқлари, ўз эртаклари, ўз афсоналари бўлиши даркор. Бола тарбиясида турли усулларнинг афзаллигини ўрганган машҳур педагог В. А. Сухомлинский кўшиқларнинг таъсир қудратини шундай изоҳлайди: “Кўшиқ туфайли инсонда

⁹⁹ Гулёр. Фарғона халқ кўшиқлари. – Тошкент: Ғ. Ғулом нашриёти. 1967. – Б.154.

олижаноблик, улуғворлик, гўзаллик ташқи дунёдагина эмас, балки унинг ўзида ҳам мавжуд эканлиги тўғрисидаги тасаввур юзага келади. Муסיқа – ўз-ўзини тарбиялашнинг қудратли воситасидир”¹⁰⁰. Дарҳақиқат, қўшиқ инсонга ажойиб таъсир этувчи, яхшилик, гўзаллик, инсонийликка жалб этишнинг энг нозик воситаси ҳисобланади. Инсон ёқимли куй тинглар экан, ўзини билиб олади, аввало у ўзининг инсонлигини, гўзаллигини, гўзал бўлиш учун туғилганлигини, агар унда қандайдир иллат бўлса, унга барҳам бериш зарурлигини ҳам англаб етади. Халқ қўшиқлари моҳиятан тарбия воситаси саналади. Худди боланинг “алла”сиз ухлаши қийин кечгани, чакалоқни алласиз тасаввур қилолмаганимиз сингари, келинни “Ёр-ёр” ларсиз узатилиши ҳам бизнинг халқимизга хос хусусият эмас. “Ёр-ёр” қўшиқлари шунчаки келинга таскин берадиган шунчаки ҳазил ёки атрофдагиларни кулдирадиган, ёки ўйга толдирадиган қўшиқчина эмас, балки жуда катта тарбиявий аҳамиятга эгалиги билан муҳимдир. Унда келинни сабр-бардошли бўлишга, ҳаётдаги турли тўсиқларга олдиндан тайёр бўлишга ундайдиган, панд-насихатлару, маслаҳатлар акс этган, сатрларга тўладир.

Қолаверса, турмуш қийинчиликлари, фарзандлар тарбиясининг мураккабликлари, қайнона-қайнотага муносабати масаласи каби қатор ҳаётий қарашлар мавжудки, бу орқали келинни янги хонадонга, янги турмушга тайёрлаб келишган.

“Ёр-ёр” қўшиқлари ҳам, юртимиз мустақиллиги сингари замонлар бўҳронларидан ўтиб, тарихий жараёнларга етиб келди.

Дунёда энг ривожланган мамлакатлар, ер юзида обрў топган халқлар, энг аввало, ўша ҳудуддаги одамлар онгида маданий ва ахлоқий қадриятларни ривожлантириш, мустаҳкамлаш ва маънавий имкониятларини юзага чиқариш орқали муваффақиятга эришганлар. Ҳар қандай жамият миллий ўзликни англаш, миллий ифтихорни тиклаш ва уни ўстириш жараёнларига эътиборли бўлгандагина ўз олдига қўйган мақсадига эриша олади. Бизнинг қадрлашга арзийдиган

¹⁰⁰ В.А. Сухомлинский. Тарбия ҳақида. – Тошкент: Ёш гвардия. 1977. Б.115.

донишманд халқимизнинг бой маънавий мероси мавжуд. Албатта, бу кадрлашга лойиқ кадриятларимиз ичида дуру-гавҳар бўлган халқ кўшиқлари, халқимизнинг тарбия воситаси бўлиб хизмат қилиб келган. Келин танлашдан тортиб унинг янги оилада кўним топиши, бахтли бўлиши, ували-жували бўлиб, камол топиши содда халқ кўшиқларида ҳам ўз ифодасини топган. Кўшиқларимизда келин танлашдан тортиб, унинг кейинги ҳаётигача тасвир этилади. Дарҳақиқат, буюк соҳибқирон бобомиз ўзларининг “Темур тузуклари” китобида: “Келин танлашни Давлат сиёсати даражасига кўтардим”¹⁰¹, дея эътироф этадилар. Бундан ташқари, халқимиз орасида “Етти пуштини суриштир”, “Онасини кўриб қизини ол”, “Онаси мақтаган қизни олма, Янгаси мақтаган қиздан қолма”, каби ибратли сўзларнинг кенг тарқалганининг ўзи ҳам, бўлажак оилаларнинг кейинги тақдири жамиятдаги энг муҳим масалалардан бири эканлигидан далолатдир.

Аҳоли қатламлари ичида кўпроқ аёллар тарихий-маданий тажрибалар – анъаналар, кадриятлар, урф-одатлар, тўй-у-томошалар ва маросимларга тўла амал қилиш, уларни асраш учун чин дилдан жон қуйдиради. Буни ўзбек аёлига хос бўлган барқарорликни асраш, оилани мустаҳкамлаш, фарзандлар соғ-саломатлигини ва бахт-саодатини ўйлаш, топганини оиласига сарфлаш, муросада яшаш учун ўз қизиқишлари, ҳатто ҳуқуқидан воз кечиш каби психологик хусусиятлар билан изоҳлаш мумкин.

Қаро кўзим қароси, жоним синглим, ёр-ёр,

Юраккинам пораси, жоним синглим, ёр-ёр.

Қатор-қатор турналар, уйинг қайда, ёр-ёр,

Чиқаётган жон синглим, уйинг қайда, ёр-ёр.

Ўзбек аёлларида тарихий-маданий тажрибаларга таяниш ва уларни асраш этномаданий хусусиятдир. Ҳатто урушлар, инқилоблар, қайта қуришлар даврида ҳам улар ушбу этномаданий хусусиятларни йўқотмади. Энг муҳими, ушбу белгилар улардаги умуминсоний-ахлоқий фазилатлар, диний кадриятлар билан уйғунлашиб келади. Шунинг учун ўзбек аёлларига ҳаё, ахлоқ (поклик, андиша, босиқлик, камтарлик, самимийлик, соддалик, тўғрилиқ, уятчанлик,

¹⁰¹ А.Темур. Темур тузуклари. – Тошкент: Фан. 2001. Б.93.

хушмуомалалик, юввошлик), бардош (сабр, қаноат, чидам), вафо (садоқат, меҳр-оқибат, вафодорлик), латофат (лобарлик, нафислик, дилбарлик), болажонлик (серфарзандлик), меҳнатсеварлик, фидойилик, чакқонлик, меҳмондўстлик, ватанпарварлик каби хислатлар хосдир.

Ҳой-ҳой ўлан жон ўлан, бир бов ўсма, ёр-ёр.

Узоқ ердан келамиз йўлни тўсма, ёр-ёр.

Бизлар ёр-ёр айтайлик, бирдай бўлиб, ёр-ёр.

Тонг саҳарда очилган гулдай бўлиб, ёр-ёр.

Демак, ахлоқий-маънавий хислатлар ўзбек аёллари этник маданиятининг асосий қисми, ҳатто негизи ҳисобланади. Айниқса, кетма-кет фарзанд туғиш, табиий равишда, аёлни оилага, уй муҳитига боғлаб қўйган. Бу эса, аёлларда эркакларникидан фарқ қилувчи ахлоқий тушунчаларни, оилавий-маиший ҳаётдаги барқарорликни таъминловчи урф-одатлар, маросимлар, анъаналарни юзага келтирган. Шунинг учун, оилавий-маиший маросимларнинг ташкилотчилари, авлоддан авлодларга элтувчилари, асосий иштирокчилари – субъектлари аёллардир.

“Ёр-ёр” кўшиқларини ҳам биз, миллий қадриятларимиздан бири дея эътироф эта оламиз. Зеро, улар ададул-абад ўз қадр-қийматини йўқотмайдиган тарихий меросимиздир. Халқимизнинг асрлардан асрларга мерос бўлиб ўтиб келаётган бу гўзал кўшиқларининг тарихи, узоқ ўтмиши, қанчадан-қанча шонли ва бўронли кунларни босиб ўтиб, неча минг йиллик тарихий тараққиёт давомида шакланган. Шундай экан, бугун давр талаби ҳам бу каби қадриятларимизнинг ҳаётимиздаги ўрни беқиёс эканлигини, ёшларни тарбиялашда уларни энг асосий воситалар сифатида қўллашимиз кераклигини исботлаб бермоқда. Гарчанд, ёшларимиз орасида ибрат бўладиган ёшлар борлиги бизни қувонтиради.

Бугунги кунда ўз никоҳ тўйларида никоҳ саҳнасига, оддий доира жўрлигида, қадимий халқ “Ёр-ёр” кўшиқлари садосида чиқиб келишни истаётган ёшлар ва ота-оналарнинг кўпайиб бораётгани бунга далил бўла олади. Уларнинг ўз фарзандларини миллий руҳда камол топишига ҳаракат

қилаётгани қувонарли ҳол, албатта.

Бағри кенг, танти ўзбек халқининг узоқ тарихи давомида юзага келган турли маросим ва урф-одатлар билан бирга яралган қўшиқлар мустақил ватанимизнинг маданий юксалишида муҳим аҳамият касб этади. Юқоридаги қўшиқларнинг таҳлилидан шуни хулоса қилиш мумкинки, кўпгина урф-одат ва маросимларнинг яратувчиси бўлган иболи ўзбек аёлларининг, маънавий бойликларни юзага келтиришда, уларни асрлар оша бир-бирларига узатишда, уни янада сайқаллантиришда ўрни бекиёсдир.

Дарҳақиқат, ўтмишда яшаб ўтган қанча шоира, хонанда ва раққосаларнинг ноёб истеъдодлари, ҳамда оддий санъатсевар ўзбек аёлининг бир маромда кечган зерикарли турмушини гўзал қилиб ўтказиш учун ўйлаб топган турли анъаналару, маросимлар ва уларда ижро этиладиган қўшиқлар, кайфияти ва ҳаётидан келиб чиқиб гоҳо шўхчан, гоҳо мунгли оҳанглар олам юзини кўргани рост.

Муסיқа таъсирида киши ғоят нозик ва теран ҳиссиётларни, ўткир ҳиссиётларни бошдан кечиради. Инсоният қадимдан муסיқанинг турли туйғулар қўзғатиш хусусиятларидан фойдаланиб келган. Масалан, ҳал қилувчи жанглар олдидан муסיқа руҳни кўтарган, жасоратга шайлаган. Афлотун муסיқа ҳақида шундай деб ёзганди: “Муסיқа инсонларни тарбиялашда ҳар қандай ўзга воситалардан афзалдир. Чунки, оҳанг ва уйғунлик инсон руҳи ва руҳияти томон йўл топади”¹⁰² Ҳақиқатда куй-қўшиқ орқали инсон руҳиятига кучли таъсир ўтказиш мумкинлигини, бугунги кун олимларимиз ҳам, замонавий илм ва технологиялар ёрдамида, ўз тадқиқотларида исботлаб бердилар.

Халқимиз оғзаки ижодида, ҳаёт-мамот синовларидан омон чиқиб, ўзлигини сақлаган эл-юртимизнинг бағрикенглик, матонат, олижаноблик, вафо ва садоқат каби эзгу фазилатлари, ўзлари яратган асарларида ўз ифодасини топган. Ҳоҳ у қўшиқ бўлсин, ҳоҳ оддий мақол, халқ ўзи яратган меросдан, ўз авлодларини маънавий жиҳатдан етук, миллий руҳда камол топиши учун фойдаланиб келган. Демак шуни айтишимиз мумкинки, халқ оғзаки ижодининг

¹⁰² Усмонхўжаев А. Муסיкий муолажа. – Тошкент: Фан. 2007.

бевосита айтилиши, ижро жараёни билан боғлиқ пайдо бўлувчи муҳим белгиси бўлиб, бу ижодкорликда улкан ходисадир. Ҳар қандай фольклор асари, жумладан қўшиқ ҳам ижро этилар экан айнан такрорланмайди. Балки вазият, ижрочиларнинг ҳолати ва бошқа турли сабабларга кўра маълум ўзгаришларга, янгиланишларга учрайди. Ҳар битта яратилган қўшиқ ҳеч қачон бир-бирини инкор этмайди, аксинча, улар жонли ва оғзаки анъанада мустақил яшай оладиган турли-туман матнлардир. Улар асосан ҳаётий шарт-шароитлар натижасида дунёга келиши аниқ. Унинг учун жамиятдаги иқтисодий-ижтимоий муҳит, тингловчилар аудиторияси ижодкор ва ижрочининг маҳорати билан боғлиқ бўлган жараёндир.

Ўзбек халқ қўшиқлари ўта кучли таълимий ва тарбиявий аҳамиятга эга бўлиб, у нафақат талабаларни эстетик тарбиялаш, балки, уларга миллий қадриятларни сингдириш, миллий анъана, урф-одат, маросимларидан хабардор бўлиш ва баркамол инсон шахсини шакллантиришда ижобий таъсир кўрсатадиган кучдир. Халқимизнинг қизлар, келинларга нисбатан нақадар нозик, одобли муомалада бўлган. Бу халқимиз яратган барча оғзаки ижод намуналарида ёрқин намоён бўлади.

Ота-боболаримиздан бизга қолдирилган бой удум, урф-одат, расм-русум, маросим фольклори ва анъаналарни асраб-авайлаб, уни бугунги замондошларимиз бадиий-эстетик қарашлари билан узлуксиз равишда ижодий бойитиб бориш ёш авлод тарбиясининг етакчи омилларидан биридир. Зеро, ёшлар тафаккури, дунёқарашини миллий ва умуминсоний қадриятлар асосида шакллантириб, уларнинг бунёдкорлик борасидаги фаоллигини ошириш — келажаги буяк бўлган Ўзбекистон пойдеворини мустаҳкамлаш борасида амалга оширилаётган эзгу ишлардан бири ҳисобланади. Миллий қадриятларимиз ва шу қаторда миллийлигимизни ўзида мужассам этувчи фольклор анъаналарини ўрганиш ва уни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратила бошланди.

Халқ қўшиқларида, —деб ёзади И.Жабборов, — “инсоннинг юксак туйғулари, пок севгиси, садоқатлилик, дўстлик каби фазилатлари билан бирга оғир ижтимоий аҳволи, жабр-зулмлар, бевафолик, тушкунлик, алам-ситаamlар

кайгули равишда куйланади. Айниқса, ҳазин қўшиқлар хотин-қизлар аҳволига оид бўлиб, уларнинг оилада ва жамиятдаги фожиали турмуши тасвирланган. Кенг тарқалган ашулаларда ижтимоий жабр-зулм ва адолатсизликлар ўз ифодасини топган¹⁰³. Демак, халқимиз тарихий-маданий ҳаёти ўтмишда ҳар доим ҳам “гўзал”, “етук”, фаровон бўлмаган. Фольклор асарлари халқ калбидаги ўй, фикр, орзулар билан ҳамоҳанг бўлгани учун уларда этник маданиятнинг энг муҳим қирралари акс этади. Шунинг учун ҳам мустақиллик йилларида фольклор асарларини тўплаш, ўрганиш, халқ оғзаки ижодидаги прогрессив ғоялардан миллий тикланишда, айниқса, ёш авлодни тарбиялашда фойдаланишга қизиқиш ошмоқда.

“Ёр-ёр” қўшиқларининг тарбиявий аҳамияти ҳақида фольклоршунос олим Асқар Мусакулов гўзал ўхшатиш қиладилар: “...”Ёр-ёр”ларда келинчак ҳақида жуда кўп куйлашади. Бу мактовлар, тилаклар айти пайтдаги келинчакка ҳам, унинг бир пайтлар келин бўлган бувисига ҳам, келажакда келин бўладиган неварасига ҳам таалуқлидир”¹⁰⁴. Албатта “Ёр-ёр” қўшиқлари жуда қадим-қадим замонларда пайдо бўлганига қарамай бугунги кунда ҳам унинг ижтимоий моҳияти юксак даражада деб, бемалол айта оламиз. Чунки кеча, бугун ва эртага куйланадиган “Ёр-ёр” қўшиқлари, инсоният мавжуд экан, орзуларга берилиш, фарзандларига яхши ниятлар тилаш давом этаверади.

Ҳар бир жанрнинг ўзига хос хусусиятларини белгилашнинг тамойиллари мавжудлигини ҳисобга олиб, **иккинчи бобга қуйидагича хулоса** қилишимиз мумкин:

1. “Ёр-ёр”лар ўзбек маросим фольклорининг никоҳ ва хатна тўйлари ва бошқа тўй билан боғлиқ жараёнларда куйланиши ва мотам маросими таркибидан ҳам жой олиши халқнинг турмуш тарзидаги ўзгаришлар билан боғлиқ. Бу тўй “Ёр-ёр”ларининг вақтлар ўтиши билан ўз функциясини бошқа ҳолатга мослаганлиги билан изоҳланади. “Ёр-ёр” жанрининг никоҳ тўйлари билан алоқадорлиги шунчаки кейинги ҳодиса бўлмай, балки мазкур жанрнинг

¹⁰³ Нишонова О. Этник маданият ва маросим. – Тошкент: 2009. Маърузалар тўплами.

¹⁰⁴ Мусакулов А. Ўзбек халқ лирикаси. – Тошкент: Фан. 2010. 21-бет

вужудга келиши ва маросим таркибида муайян вазифа бажариши жуда ҳам кадимийдир.

2. “Ёр-ёр” кўшиқларининг қатор жанрий хусусиятлари таҳлил қилиндики, шунга кўра, бу жанрнинг тўй маросимига боғлиқ тараққиётини ҳамда маросимдаги тарбиявий моҳиятини белгилаш мумкин. Ҳамда мазкур хусусиятлари аниқланиши натижасида “Ёр-ёр”ларнинг таснифи яратилди.

3. Баъзи лирик кўшиқларнинг “Ёр-ёр” маросим кўшиғига кўчиши табиий кечади. Бу жараён аввало кўшиқларнинг мазмунига боғлиқ. Шундай мазмундаги “Ёр-ёр”лар борки, уларни фақат тўй пайтидагина ижро этиш мумкин. Маъно ва ҳиссиёт кечинмаси тўй билан боғланмайдиган лирик кўшиқлар ҳеч қачон “Ёр-ёр” бўла олмайди.

4. “Ёр-ёр” кўшиқлари асосан бармоқ вазнида яратилган бўлиб, баъзан арузда яратилган бўлади. “Ёр-ёр”лардаги йиғи мотивининг кўп “Ёр-ёр”ларда учраши ва Хоразм ҳудудида, бошқа ҳудудлардагидек куйланмай, аксинча, у худди шомон айтимлари сингари йиғи оҳангида “айтим”лардек айтилиши, кадимда “Ёр-ёр”ларнинг тўй маросимининг йиғи айтимлари таркибида бўлганини исботлайди.

III. БОБ. “ЁР-ЁР” ҚЎШИҚЛАРИНИНГ БАДИИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ

3.1. “Ёр-ёр” қўшиқларида образлар талқини

Фольклор қадимий сўз санъати сифатида нафақат чуқур ғоявийлиги, балки юксак бадиийлиги билан ҳам ажралиб туради. Унда воқеликни ифодалашнинг дoston, эртак, мақол, қўшиқ, топишмоқ сингари хилма-хил жанрлари шаклланган. Халқ ижодиётининг воқеликни умумлаштириш принципларида, шунингдек, бир қатор сюжет ва унинг компонентлари, образлилик, тасвирий воситаларда, талай ўзига хосликлар мавжуд.

Фольклорда тасвирланган воқелик вақт (замон) эътиборига кўра, ўтмишга дахлдор, шу сабабли, у ёки бу жанр табиатида, шунингдек, тил хусусиятларида ўша қадимийлик излари сақланиб қолingan. Фольклор асарлари тили – жонли сўзлашув тили бўлгани учун ҳам архаик ифодалар унинг учун норма саналади. Шу хусусияти билан фольклор тили адабий жиҳатдан сайқалланган бадиий адабиёт тилидан фарқ қилади. Фольклор тили муттасил ҳаракатда бўлиб, ҳамма замонларда ҳам адабий тилнинг бойиш манбаи бўлиб келмоқда.

Ўзбек халқ ижодиётида тасвирий ифода воситаларининг бадиий адабиётдан фарқ қилувчи ўзига хос бутун бир системаси ишланган. Бу халқ қўшиқларидаги рамзий образлар, доимий сифатлашлар, анъанавий формулалар, турғун ибораларнинг яшовчанлиги, фольклор асарлари тилида эркаловчи, кичрайтирувчи қўшимчаларнинг кўплигида, параллелизм, муболаға ва сажънинг актив ва ўзига хос қўлланилишида ёрқин намоён бўлади. Маросим қўшиқларининг гўзал намунаси бўлган “Ёр-ёр” қўшиқларидаги маъшуканинг таърифу-тавсифи, ёрнинг ташқи жозибаси, табиати ва хулқига оид фикрлар турли образлар орқали бўрттириб ифодаланади. Халқ оғзаки бадиий ижоди асарлари узоқ муддатли ижодий жараёнда, оғиздан оғизга, авлоддан авлодга, устоздан шогирдга ўтиб юзага келади ва яшайди. Бадиий адабиёт намунасининг муаллифи ҳам, ёзилган вақти ҳам аниқ ва маълум бўлади. Фольклор асарлари муаллифининг ноаниқлиги – анонимлари (грек. *anonymis* –

номаълум) ўша асарнинг қачонлардир индивидуал ижодкор томонидан яратилганлигини инкор этмайди. В. Г. Белинский айтганидек, “фольклорда машҳур номлар йўқ, чунки унинг муаллифи ҳамиша халқдир. Унинг навқирон халқ ёки қабила ички ва ташқи ҳаётининг жимжималарсиз ва аниқ тасвирланган оддий ва соддагина қўшиқларини ким тўқиганлигини ҳеч ким билмайди... ва бу қўшиқ уруғдан уруғга, авлоддан авлодга ўтади ва вақтлар ўтиши билан ўзгариб боради: гоҳ уни қисқартиришса, гоҳ узайтиришади, гоҳ янгидан тўқишади, гоҳ унга бошқа қўшиқни улашса, гоҳ унга қўшимча қилиб бошқа қўшиқни тўқишади – шунда қўшиқдан дoston чиқади, фақат халқ унга ўзини муаллиф санай олади...”¹⁰⁵. Кўрамизки, фольклор асари қачонлардир номаълум шахс томонидан тўқилсада, оғиздан оғизга, авлоддан авлодга ўтиш жараёнида коллектив ижодкорлиги намунасига айланади. Коллектив ижодий салоҳиятидан баҳрамандлашган ҳолда, мукаммаллашиб, ғоявий-бадий камолот касб этиб боради. Тўй қўшиқлари бошқа тур қўшиқлардан ижро ўрни ва образлар силсиласи билан аниқ фарқланади. Бу қўшиқлардаги асосий образлар: она, қиз, қайнона, куёв, сингил, янгалар, кудалар, қизнинг дугоналари, куёв жўралардан иборатдир. Булар орасида келин бўлаётган қиз, келин бўлиб тушган келинчак етакчи образ ҳисобланади. Тўйнинг кўп одат ва расм-русумларда йигит-қизнинг оналари иштирок этишмайди. Чунки бу ўзбекона қарашларга кўра уят саналади. Шунинг учун “Ёр-ёр” қўшиқларида ҳам, тўйдаги асосий етакчи роль ҳам янгалар зиммасига тушади. Янгалар келинга маслаҳат берувчи, уни янги ҳаётга кузатувчи образ сифатида “Ёр-ёр”ларда ҳам куйланади.

Ўзбек халқ лирикасининг тарихий асослари ва маданиятини махсус тадқиқ этган фольклоршунос А. Мусақуловнинг фикрича, “Янга ўзбек никоҳ маросимларида шомон каби қиз руҳини бошқа дунёга кузатиб боради ва уни турли кўринмас инс-жинслардан магик ҳимоя қилади”¹⁰⁶. Халқимиз урф-одатига кўра, қиз бола қизлик олаmidан аёллик оламига ўтишида унинг

¹⁰⁵ Ўзбек халқ оғзаки ижоди. – Тошкент: Ўқитувчи, 1990. Б. 78.

¹⁰⁶ Мусақулов А. Ўзбек халқ лирикаси – Тошкент: Фан, 2010. Б. 94.

руҳиятини аёллар руҳиятига мослаштириш, унда бу руҳиятни уйғотиш учун махсус йўлбошчилар-янгалар тайинланган. Келин янгалар қизнинг энг яқин аёл қариндошлари орасидан танлаб олинади. Кўпинча амаки, тоға ёки аканинг хотини узатилаётган қиз учун янгалик қилади. Чунки улар қизнинг оиласига бошқа оиладан келиб қўшилгани боис худди ўзга дунё вакили сифатида қабул қилинади. Кўпинча тўй “Ёр-ёр”лари ҳам янгалар томонидан қуйланади. Янгалар гуёки, қизни бир дунёдан иккинчи дунёга олиб бораётган вакиллардир. Улар ҳар икки томонга ҳам хайрихоҳ бўлган, хотинлардан танланади. Чунки ўзбекона урф-одатларимизга кўра қиз боланинг янгаси билан сирдош бўлиши, айнан улардангина уялмасдан ўзини қизиқтирган саволларига жавоб олиши мумкин бўлган.

Тўй қўшиқларида ҳар бир образни идеаллаштириш аломати бор. Бунда тўй сабабчилари ҳам, тўйхона ҳам, зиёфат ҳам, келин тушган уй ҳам, келин-куёв фазилатлари ҳам, уйлари ҳам жуда бўрттириб тасвирланади. Идеаллаштириш айниқса келинчак таърифида юқори нуқтага кўтарилади. Келинчакнинг сурати ҳам, сийрати ҳам етук ва гўзал:

Келинчакни сўрасанг, ўзи ёшдир, ёр-ёр.

Ширин сўзли, ўрта бўй, қалам қошдир, ёр-ёр.

*Сумбул каби зулфлари, тўлғонади, ёр-ёр. Тогда битган лоладек, ҳид беради, ёр-ёр*¹⁰⁷.

Муҳими шундаки, ота-она уйини ҳувиллатиб кетган қиз янги хонадонга куёш мисоли бахт ва шодлик, бўлғуси фарзандларнинг онаси, келажак давомчиси сифатида кириб келади. Шунинг учун ҳам “Ёр-ёр”ларда, куёв, янгалар, қудаларга нисбатан ҳазил тариқасида айтилган намуналар кўп учрагани ҳолда, келинчакка нисбатан ҳазил ёки ножоиз мисралар айтилмайди. Шу ҳолнинг ўзиёқ халқимизнинг қизлар, келинларга нисбатан нақадар нозик, одобли муомалада бўлганини кўрсатади.

Тўй қўшиқларида куёв образи ҳам асосий қаҳрамон ҳисобланади. Уларда

¹⁰⁷ Икки кўнгил бир бўлсин. Ёр-ёрлар. Тўпловчи ва тузувчилар: М. Жўраев, Л. Худойкулова. – Тошкент: Ғ. Гулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи. 2016. – Жами: 264 б. Б.37.

бой боласи, кийганлари бари ипак, сухсур бўйлик каби таърифлар келинга ҳам, куёвга ҳам барабар қўлланилаверади. Куёв кўпроқ “серҳиммат”, “соҳибқирон”, “шоввоз” сифатлари билан таърифланади. Куёв ҳақидаги “Ёр-ёр”лар юморга жуда бой:

Араванинг гунчаги, ёриқ экан, ёр-ёр.

Куёв берган қўйлари, ориқ экан, ёр-ёр.

Терисини олиб бориб, пўстин қилсин, ёр-ёр

Суягини олиб бориб, устун қилсин, ёр-ёр¹⁰⁸.

Қудалар, янгаларнинг ўзаро муносабатларини ифодаловчи қўшиқларда хазил-мутойиба, ўзаро ҳурмат оҳанглари, келин билан мактаниш, ғурурланиш ғоялари етакчилик қилади. “Ёр-ёр”ларда келин-куёвга эзгу тилаклар билдирилади, фарзанд тиланади. Ота-оналарни ҳурмат қилишга чақирилиб, яхши-ёмон қайноналарга таъриф берилади. Айрим тўй қўшиқларида, “Ёр-ёр”ларда кўпинча қуда номлари ҳам тилга олинади. Тўй эгаларининг кимлигига қараб қўшиқнинг асосий матни ўзгармаса ҳам, улардаги киши исмлари алмашиб туради:

Валихоннинг уйидан, сухсур учди, ёр-ёр.

Маҳкамбойнинг уйига, қўниб тушди, ёр-ёр...

Ёки:

Юриганда бир-бир босиб юриши,

Гапирганда қоқа-қоқа кулиши,

Дарвозада белин ушлаб туриши,

Қурбонжон тўйингиз муборак бўлсин¹⁰⁹

“Ёр-ёр” қўшиқларидаги яна бир образ – совчилардир. Совчилик одати эса қадим-қадим замонлардан буён қалб тўрида ардоқлаб, эъзозлаб келган муқаддас одатларимиздан биридир. “Совчилик – икки ёшнинг танишишида, бахтли турмуш қуриб кетишида ва икки хонадон ўртасида яхши муносабат

¹⁰⁸ Икки кўнгил бир бўлсин. Ёр-ёрлар. Тўпловчи ва тузувчилар: М. Жўраев, Л. Худойкулова. – Тошкент: Ғ. Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи. 2016. – Жами: 264 б. Б.50.

¹⁰⁹ Ой олдида бир юлдуз. Ўзбек халқ маросим қўшиқлари. Тўплаб нашрга тайёрловчи кириш сўзи ва изоҳлар муаллифи: М.Жўраев.– Тошкент: Фан. 2000. – Жами: 160 б. Б.23.

ўрнатишда воситачи саналадилар”¹¹⁰. “Ёр-ёр” қўшиқларининг совчилик одати билан боғлиқ намуналари ҳам хилма-хилдир. Халқ турмушида муҳим ўрин тутган совчилик ниҳоятда муқаддас иш саналиб, икки ёшнинг оила қуришида ҳам фарз, ҳам қарз бўлган азалий одатимиздир. Шунинг учун қўшиқларимизда ҳам бу одатга бевосита мурожаат қилганлар.

Кекса-кекса хотинлар, бориб келинг, ёр-ёр.

Икки ёқни кўндириб, тўйлаб келинг, ёр-ёр.

Кўшиш қилинг, совчилар тўй ортилсин, ёр-ёр.

*Озагинам бахтлари, тез очилсин, ёр-ёр*¹¹¹

Совчининг биринчи гап бошлаши нақадар оғир бўлади, бу пайтда ўзбекона истиҳола уларнинг тилини боғлаб қўяди. “Хоразм вилояти, Қорақалпоғистоннинг Тўрткўл, Эллиққалъа туманларида совчилар қизни гулга, йигитни булбулга ўхшатиб таъриф берадилар”¹¹².

Биринг маржон, биринг мармар,

Тизилибсиз, ёр-ёр.

Биринг булбул, биринг гулёр,

Соз бўлибсиз, ёр-ёр.

“Ёр-ёр” қўшиқларининг вариантлари хилма-хил бўлганидек улардаги образлар, тимсоллар, рамзлар ҳам ранг-барангдир. “Ёр-ёр” қўшиқлари қайси ҳудудда, ўша ҳудуд анъанасига мослаб куйланмасин, улардаги энг етакчи образлар ўзгармай қолаверади. Булар: келинчак, куёв, йигит-қизнинг ота-оналари, янга, опа-сингил, совчи ва бошқалар.

Бундан ташқари “Ёр-ёр” қўшиқларида “образ” даражасига кўтарилган тимсоллар ва рамзлар ҳам мавжуд.

Тогда тойчоқ кишнайди, “от бўлдим!” деб, ёр-ёр,

Уйда келин йиглайди, “ёт бўлдим!” деб, ёр-ёр.

Йиглама қиз, йиглама, тўй сеники, ёр-ёр.

¹¹⁰ Г. Мардонова. Нур тўла уй – Тошкент: Ўзбекистон. 2011. Б.11.

¹¹¹ М.Жўраев Ой олдида бир юлдуз. Ўзбек халқ қўшиқлари. – Тошкент: Фан, 2000. Б.49.

¹¹² Г. Мардонова Нур тўла уй – Тошкент: Ўзбекистон, 2011. Б. 25.

*Остонаси тиллодан уй сеники, ёр-ёр.*¹¹³

Бу мисралардан шуни англаш мумкинки, тоғда тойчоқ эркин юриб, озодлигидан кенг далаларга ҳукмронлик ҳисси билан, севиниб кишнайди. Бунда қизнинг айнан тоғдаги эркин, беғубор, ҳеч қандай ғам-ташвишсиз, тойчоққа ўхшатилиши, аммо ёши улғайгандан сўнг унинг ота-она бағридаги эркинлиги, орзу-умидлари йўқолиб, эркисизликдан фарёд чекаётгани таққосланади. Шу билан биринчи байтдаги ижобий ҳолат, иккинчи байтдаги салбий ҳолатнинг зарарли моҳиятини чуқурроқ очишга ва фикрнинг таъсир кучини оширишга хизмат қилади. Бу эса қўшиқнинг образли, таъсирчан бўлишига олиб келади.

Бошини қўйган остона,

Тошдан қаттиқ, ёр-ёр.

Ота билан энамизнинг,

Меҳри қаттиқ, ёр-ёр.

Тилаб олган боласини,

*Пулга сотди, ёр-ёр.*¹¹⁴

Уй остонаси билан боғлиқ бўлган жараён “Ёр-ёр”ларнинг кўплаб вариантларида учрайди. Бунинг сабаби, остона билан боғлиқ қадимий қарашлар бўлиб, демак, “Ёр-ёр”ларнингда, қадимий эканлигини исботлайди. Остона мавжуд бир ҳаётдан, бошқа бир янги ҳаётга ўтиш эшиги, ибтидоси сифатида қаралгани, ҳамда, “остона” култи билан боғлиқ қадимий қарашлар остонанинг муқаддаслигини ифодалашидадир.

Тарих фанлари доктори, этнограф олим Адҳамжон Аширов ўзбек халқининг қадимий урф-одат ва қарашларини ўрганар экан, остонанинг халқимиз эътиқоди бўйича ислом дини кириб келмасдан бурун ҳам, муқаддас деб қараганлигини таъкидлайдилар. Жумладан, “Ўрта Осиё халқларида юксак ҳурматга эга бўлган меҳмонлар қадамига бўсағада қўй сўйиш ёки келин ва куёв учун остонада оқлик солиш сингари одатлар ҳанузгача мавжуд. У икки дунё

¹¹³ Шода-шода марварид. Ўзбек халқ қўшиқлари. / Тўплаб, нашрга тайёрловчи, сўз боши ва изоҳлар муаллифи: Э. Очилов. – Тошкент: Шарқ, 2006. – Жами: 415 б, Б.377.

¹¹⁴ Икки кўнгил бир бўлсин. Ёр-ёрлар / Тўпловчи ва тузувчилар: М. Жўраев, Л. Худойкулова. – Тошкент: Ғ. Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2016. – Жами: 264 б, Б.216.

чегараси ҳисобланган. Эшик эзгулик ва ёвузлик, ёруғлик ва қоронғулик, янгилик ва эскилик чегарасидирки очилади, ёпилади, шу билан нафақат ўз вазифасини бажаради, балки қуёш чиқиши ва ботиши, кутиб олиш ва кузатиш каби рамзларни ҳам ифодалайди”.¹¹⁵ Дарҳақиқат, остона, ўзбек халқининг, қолаверса барча туркий халқлар эътиқодига кўра ҳам муқаддасдир. Шунинг учун ҳам, халқимиз орасида “Ватан остонадан бошланади”, “Олтин остонанг” каби мақол ва иборалар юзага келган.

Умматлари умид билан,

Тўй қилибди, ёр-ёр.

Остонаси тиллолик.

*Уй қилибди, ёр-ёр.*¹¹⁶

Буюк аждодимиз Имом Исмоил ал-Бухорийнинг “Ал жомеъ ас-саҳиҳ” асарларидаги ҳадисларда ҳам остона билан боғлиқ фикрлар баён этилади: “Иброҳим алахиссалом, ўғли Исмоил алахиссалом уйланганларидан сўнг, ўғилларига эшигининг остонасини мустаҳкамлаб қўйишини амр этадилар”¹¹⁷, яъни эшик остонаси бу унинг ўғлининг, жуфти-ҳалолини назарда тутган бўлиб, уни қўлдан чиқармаслигини буюрган эдилар.

Шу сабабдан, бугунги кунда куйланаётган “Ёр-ёр”ларда ҳам, қиз узатиш билан боғлиқ маросимларда ҳам, остона билан боғлиқ бир неча урф-одатлар тўй куни бажарилиши анъанага айланган. Масалан, Қашқадарё вилоятининг Қамаши туманида ўтказиладиган қиз узатиш маросимида, қиз отасининг уйидан чиқиб кетар чоғида, “Ёр-ёр” қўшиқлари садосида, остонада отасининг оёғига бош эгиб, рози-ризалик сурайди. Бу жараён атрофдаги барча яқинлари-ю, йиғилган барча меҳмонларнинг ҳам юм-юм йиғлашига сабаб бўлади. Бунда қиз агар ўз юртидан олисроқ овулга, ёки туманга келин бўлиб, тушаётган бўлса, бу йиғи янада, мунгли ва қайғулироқ тус олади.

Ҳаводаги юлдузни,

Отган отам, ёр-ёр.

¹¹⁵ А. Аширов Ўзбек халқининг қадимий эътиқод ва маросимлари. – Тошкент: 2007. – Б.174.

¹¹⁶ Ой олдида бир юлдуз. Ўзбек халқ маросим қўшиқлари. Тўплаб нашрга тайёрловчи кириш сўзи ва изоҳлар муаллифи: М.Жўраев. – Тошкент: Фан. 2000. – Б.42.

¹¹⁷ Имом Исмоил ал-Бухорий . Ал жомеъ ал саҳиҳ. –Тошкент: Қомуслар, 1997. – 27-боб. Б.303.

*Ўз қизини танимай,
Сотган отам, ёр-ёр.
Ёки:
Ҳай-ҳай ўлан, жон ўлан.
Ой каби тўл, ёр-ёр,
Ота-онам қолди, деб,
Хабардор бўл, ёр-ёр.*¹¹⁸

Наманган вилоятининг Уйчи туманида ҳам, тўй куни келин, куёвнинг уйига олиб келинганда, ичкарига киришдан аввал хонадон остонаси олдида уч марта эгилиб таъзим қилиш удуми мавжуд. Келинни куёвнинг уйига олиб келгандан сўнг куёв томон аёллари унинг устидан ширинлик сочишади. Келинчак кирадиган уй остонасига пояндоз соладилар, ана шу ўринда “остона салом” деган удум бажарилади: келин уч марта энгашиб, уй остонасига таъзим бажо қилади. Бу билан куёвнинг хонадонига бўлган ҳурмат ифода этилади.

Нурота тоғларидаги қишлоқлар бўйлаб фольклор материалларини тўплаган Раҳматулла Юсуф ўғлининг “дала ёзувлари” дафтарида ҳам “бўсағани тавоф қилмоқлик кўпинча келинлардан бўлган. Бу билан уй эгасини улуғлар эмиш”, — деган қайднома битилган.

Этнограф олим К.Шониёзовнинг маълумотларига қараганда, Шўрчи туманида яшовчи қорлуқлар удумича, келин куёвникига келгандан кейин уйга куёвнинг ота-онаси, яқин қариндошлари кирадилар. Аёллардан бири “келин салом” айтиб, келинни йиғилганларга “таништиради”. Сўнггра, келин-куёвни тоғасининг уйига олиб борилади. Келин куёвнинг тоғасининг уйи остонасига таъзим солиб, бусағани тавоф қилади. Чунки қорлуқларда ҳам уй остонаси табаррук саналган. Келиннинг остонада туриб келин салом қилишининг ўзи ҳам остонадек муқаддас жойдан янги ҳаёт бошланиши назарда тутилган бўлса ажаб эмас.

¹¹⁸ Ой олдида бир юлдуз. Ўзбек халқ маросим қўшиқлари. Тўплаб, нашрга тайёрловчи, кириш сўзи ва изоҳлар муаллифи: М. Жўраев. — Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 2000. Б.74.

*Давлатингни борида,
Тўй қила кўр, ёр-ёр.
Остонаси тиллодан,
Уй қила кўр, ёр-ёр.*¹¹⁹

Бундан ташқари, “Ёр-ёр” кўшиқларида ҳам бошқа халқ оғзаки ижоди жанрлари каби мифологик-диний ёндошув, диний тасаввурлар орқали ифодалаш кузатилади. Мифлар кишилар руҳини, бадий эстетик қарашларини, олам ҳақидаги тасаввурларини ифода этади. Айниқса Шарқ халқлари хануз-ханузгача ўз орзу ҳаёллари ва ўтмишини мифологик образларда, тасвирларда ифодалашга ўта мойил эканини кузатамиз. Янги дунё ва Европа кишиси қадимдан ғайриҳаётий символларга очикдан-очик курашиб келса, Шарқ халқларида мифологияга ғайритабиий кучга эга валийлар, пайғамбарлар ва авлиёларга ишониш ҳамон кучлидир. Шунинг учун ҳам, мифлардан фойдаланилган бадий асарлар халқимиз, кишиларимиз ҳис-тўйғуларига тез таъсир қилади.

*Қизил гул билан оқ гул,
Хуш бўлибди, ёр-ёр.
Куёв қўлига келин,
Қуш бўлибди, ёр-ёр.*¹²⁰

Халқ кўшиқларини ўрганган олимларимиз, Қизил гулни севги рамзи сифатида баён этилишини исботлаб беришган. Севган ёрига қизил гул ҳадя этилиши ҳозир ҳам шундай рамзий маъно касб этади. Бу ерда қизнинг қизил гулга ва йигитнинг оқ гулга қиёсланиши табиий ҳол бўлиб, ҳатто тиббиёт нуқтаи назаридан қараганда ҳам ўғил бола ва қиз боланинг она қорнида илк ривожланиш босқичида оқ ва қизил рангда бўлиши айтилади.

*Дарёга тош отманглар,
Ботар-кетар, ёр-ёр,
Узоққа қиз берманглар,*

¹¹⁹ Икки кўнгил бир бўлсин. Ёр-ёрлар. Тўпловчи ва тузувчилар: М. Жўраев, Л. Худойкулова. – Тошкент: Ғ. Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2016. – Жами: 264 бет.

¹²⁰ Шу адабиёт.

*Олар-кетар, ёр-ёр.*¹²¹

Ушбу “Ёр-ёр” мисралари халқимизда бир хилда тушунарли бўлган рамзий образларга бойлиги билан кенг тарқалган. Дарё – сафар, айрилиқ рамзи. Дарёга отилган тошнинг ном-нишонсиз ботиб кетиши узоққа тушган қизнинг домдараксиз кетишига қиёсланган. Дарҳақиқат, “Ёр-ёр”ларнинг мавзулари рангбарангдир.

Узун-узун йўл юрдик деб, эринманглар, ёр-ёр.

Ўн беш тилло пул бердик деб, керилманглар, ёр-ёр.

Ўн беш тилло пулингизни, харжлаб келдик, ёр-ёр.

Тўлган ойда қизимизни, бошлаб келдик, ёр-ёр.

Қолаверса, халқ номаъқул одатни асрлар давомида авайлаб-асраб юрмайди. Ўғил уйлантирганда қалин берилади, қиз чиқарганда эса қалин олинади. Ҳаётнинг, урфу-одатининг адолати ҳам шунда. Бундан ташқари, бизнинг ўзбек халқи орасида ҳаддан зиёд қалин ҳам суралмайди. Инсонлар худди кундалик урф-одат ва маросимларни ўйлаб топиб йиллар, асрлар давомида, ўзлари учун аҳамиятли бўлганларини қадрлаб, асраб авайлаб келганларидек, икки ёшни қовуштириш тадбирини, шоду хуррамлик сифатида қабул қилиб, тўй маросимини ҳам асрлар давомида қадрлаб, бойитиб асраб келишган.

Арча сандиқ кўтарилди, учдим-кетдим, ёр-ёр.

Синалмаган жойларга, тушдим-кетдим, ёр-ёр

Ёки яна бошқа вариантида:

Тилло сандиқ устидан тойиб тушдим, ёр-ёр

*Қадрим билмас ерларга, қайдан тушдим, ёр-ёр.*¹²²

“Ёр-ёр” қўшиқлари мусиқийлиги, маълум чўзиқ оҳангда кўпчилик бўлиб қуйланиши, нақоратлари билан ажралиб туради. Улар лирик кечинмаларга ғоятда бой; “Ёр-ёр” қўшиқлари мазмунини, асосан қиз ўстирган она билан отанинг таърифи, орзулари, узатилаётган қизнинг мадҳияси – гўзаллиги,

¹²¹ Гулёр.Фарғона халқ қўшиқлари. Кўп томлик. Тўпловчи: Ҳ. Раззоқов. – Тошкент: Ғ. Ғулом нашриёти, 1967. – Б.56.

¹²² Ой олдида бир юлдуз. Ўзбек халқ маросим қўшиқлари. Тўплаб нашрга тайёрловчи кириш сўзи ва изоҳлар муаллифи: М.Жўраев. – Тошкент: Фан, 2000. – Б. 81-82.

чеварлиги, қизга турмуш насиҳатлар, униб ўсиши, серфарзанд бўлиши ҳақидаги тилаклар ташкил қилади. Қўшиқларда катта умидлар билан ўз қизини вояга етказган, лекин қизининг эртанги ҳаётидан хавотирда бўлган муштипар онанинг ғамгин, мунгли ноалари, қизининг кейинги тақдири изтиробга соладиган “Ёр-ёр”лар ҳам анчагина:

*Токчадаги қайчини занг босибди, ёр-ёр,
Келин ойим онасини ғам босибди, ёр-ёр,
Узоққа қиз берганнинг ранги сариқ ёр-ёр,
Кўзларидан ёш оқар мисли ариқ, ёр-ёр.*

Халқимизда “Томчи тошни тешади, занг – темирни” деган мақол бор. Ғам эса инсоннинг умрини кемиради. Қўшиқдаги занг босган қайчи тимсоли, қиз узатиб роҳатини кўролмаган, қаддини ғам юки эгган онанинг ташвишлари ниҳоясиз эканини образли, таъсирчан ифодалаш имконини туғдирган. “Ёр-ёр”ларга хос бўлган бадий ўхшатиш, фикрни образли ифодалашнинг кенг қўлланадиган усули бўлиб, унда қиёс қилиш асосий ўрин тутди. Бунда келинни гулга, тойчоққа, кийикка, ойга, толга, куёвни булбулга, Мажнунга, Соҳибқиронга қиёс қилишади. Яна келин-куёв иккиси учун ҳам умумий бўлган қиёсий рамзлар ҳам мавжуд: юлдузлар, қушлар, турли қимматбаҳо тошлар, жумладан: олмос, гавҳар, тилла кумуш ва ҳоказолар.

*Тогдан кийик тушади, сув ичгали, ёр-ёр,
Богда булбул сайрайди, гул очгали, ёр-ёр.*

Ёки:

*Ярми кумуш, ярми тилла, пиёламан, ёр-ёр,
Ёрга салом бергани, уёламан, ёр-ёр.*

Яна:

*Хулкар билан Тарози, тенг келипти, ёр-ёр
Куёв-қаллиқ иккиси, хил келипти, ёр-ёр.¹²³*

¹²³ Икки кўнгил бир бўлсин. Ёр-ёрлар. Тўпловчи ва тузувчилар: М. Жўраев, Л. Худойкулова. – Тошкент: Ғ. Гулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2016. – Жами: 264 б. Б.65.

“Ёр-ёр”ларда нозик юмор, баъзи сатирик элементлар кинояли кулгига сабаб бўлади. Бундай қўшиқни куёвнинг уйига қиз узатиб борган хотинлар – янгалар айтадилар. Уларнинг келин тушди тўйини қиздириш учун атайлаб айтган кулгили “Ёр-ёр”ларида куёв томон ҳазиломуз танқид қилинади. Бундан қудалар хафа бўлмайдилар. Аммо шу “Ёр-ёр” қўшиқлари баҳонаси билан мазлум шарқ хотинлари мавжуд тузумга, тенгсиз никоҳ қонунларига, эрларнинг хотин устига хотин олишларига, оналарнинг ҳуқуқларини оёқ ости қилган бойлар, дин пешволарига қарши ўзларининг норозилик нидоларини баралла изҳор қилганлар.

Сатирик ва юмористик мотивлар акс этган “Ёр-ёр” қўшиқларида ўз севганига етиша олмаган бахтсиз қизнинг тилидан айтилган аччиқ-аччиқ киноя, пичинг устунлик қилади. Бундай қўшиқларда “ошиқ”нинг кўримсиз қиёфаси, унинг қари чол эканлиги характерли деталлар орқали очиб ташланади:

Ҳай-ҳай ўлан, ҳай улан, бир бог похол, ёр-ёр,

Куёв поччам сўрасангиз, пахмоқ соқол, ёр-ёр.

Бу каби қўшиқ, эшитувчиларда кучли кулги уйғотади. Бу кулги тагида ҳаёт ҳақиқати ётганлигини билиш қийин эмас. Юмористик мазмундаги “Ёр-ёр”ларда синамаган жойга келин, танимаган йигитга хотин бўлиб тушган қизнинг оғир руҳий кечинмалари, эртаги кунда дардига даво тополмай иложсиз, қўмакчисиз қолиши, лекин бунга чидаш кераклиги олдиндан айтиб қўйилади. Ана шундай жиддий фикрлардан кейин куёвнинг енгил танқид этиш баҳонаси билан гап кулгига йўйиб юборилади.

Эр йигитлар кураш тушса,

Шолпар боглар, ёр-ёр,

Куёв ўзи кўтарсин деб, ёр-ёр,

Келин йиғлар, ёр-ёр.¹²⁴

Қўшиқларни айтгувчи кўпинча, мунгли бу “Ёр-ёр”ларни ҳазил-мутуйиба қилиб, тўй эгаларининг кайфиятини кўтаришга ҳаракат қилганлар. Бу

¹²⁴ Гулёр.Фарғона халқ қўшиқлари. Кўп томлик. Тўпловчи: Ҳ. Раззоқов. – Тошкент: Ғ. Ғулом нашриёти, 1967. – Б.161.

тўртликдаги биринчи байтда, эр йигитнинг шолпар боғлаши яъни кураш тушиши, унинг мард бўлиши лозимлиги, ҳамда келинни кўтаришга кучи етадими, деган ҳазилона байт орқали, сўз таъсирчан чиқиши учун, аслида келин куёв кўтарсин деб ҳеч қачон йиғламасада, келиннинг номидан айтиши унинг янада юморга бой чиқишини таъминлайди.

Ҳай-ҳай ўлан, жон ўлан,

Жоним фидо, ёр-ёр.

Шу қиз бола ишқида,

Бўлдим адо, ёр-ёр.

Бу каби йигитларнинг тилидан куйланувчи “Ёр-ёр”лар, кўп бўлмасада учраб туради. “Ёр-ёр” кўшиқларининг катта қисми келинчакни мадҳ этадиган кўшиқлардир.

Қўлидаги кумуши,

Давлат бўлсин, ёр-ёр,

Қўндирилган қушлари,

Фарзанд бўлсин, ёр-ёр.

Яна, “Ёр-ёр”лардаги энг беғубор, энг кичик образ фарзанд образидир. У ҳали мавжуд бўлмасада, оилани оила қилувчи, гўзал хилқат бўлганлиги сабабли, келин билан куёвга яхши тилаклар тиланганда биринчи тилаклардан бўлиб, уларга фарзанд сўрашади.

Қайрағоч қаттиқ ёғоч,

Синмас экан, ёр-ёр,

Қариндошга қиз берган,

Тинмас экан, ёр-ёр.¹²⁵

Қайрағоч, тут, чинор каби дарахтлар ҳам, кўплаб “Ёр-ёр”ларда учрайди. Бунга сабаб уларда инсонларнинг табиат билан боғлиқ қарашлари ифодаланган бўлиб, бу “Ёр-ёр”ларнинг қадимий “Ёр-ёр”лардан эканлигидан далолат. Мазкур тўртликдаги қайрағочнинг қаттиқ ёғочлиги, ҳаётдаги қийинчиликлар,

¹²⁵ Гулёр.Фарғона халқ кўшиқлари. Кўп томлик. Тўпловчи: Ҳ. Раззоқов. – Тошкент: Ғ. Ғулом нашриёти, 1967. – Б.95.

турмушнинг оғирлиги назарда тутилган бўлса, баъзи ҳолларда эса қайрағоч дарахти аксинча, қизнинг шу дарахтдек сабрли, оиласи мустаҳкам бўлишига ишора қилинган.

*Чимилдиққа арзирлик,
Қизимиз бор, ёр-ёр.
Ойдаёй ёруғ, кундай иссиқ,
Юзимиз бор, ёр-ёр.*

Ёки

*Чимилдиқнинг богини
Боглаган қиз, ёр-ёр.
Ота-она бағрини,
Доглаган қиз, ёр-ёр.¹²⁶*

Иккита бир-бирига қарама-қарши бу “Ёр-ёр”ларда айтгувчи вазият тақозоси билан унинг турли кўринишларини куйлаган. Бу “Ёр-ёр”ларнинг бирида қизнинг покиза, ва поклиги куйланса, иккинчи тўртликда назаримизда, ота-онасини уятга қўйган қизга нисбатан, ёки узатилиб узоққа кетиши орқали ота-она бағрини куйдираётгани рамзий маъно касб этмоқда.

Чимилдиқни келиндан айро тасаввур этиб бўлмайди. Шунинг учун “Ёр-ёр”ларда чимилдиқ кўплаб ўринларда куйланади ва рамзий маъно касб этади. У икки ёшни магик ҳимоя қилувчи асосий восита ҳисобланади.

*Чимилдигинг чип-чинор,
Бўйинг чинор, ёр-ёр.
Бўйингга кўз тегмасин,
Олай тумор, ёр-ёр¹²⁷.*

XX аср бошларида водий қипчоқларида хонадон ўчоғи ҳеч қачон ўчирилмаган. Хонадон ўчоғини ҳеч қачон ўчирмаслик ота-боболардан қолган одат бўлиб, уларнинг тасаввурича, оловсиз ўчоқ — мисоли эгасиз, кимсасиз уйдир. Кўп жойларда ҳозир ҳам ўчоқ олди эътибор талаб қилинадиган жой

¹²⁶ Ой олдида бир юлдуз. Ўзбек халқ маросим кўшиқлари. Тўплаб нашрга тайёрловчи кириш сўзи ва изоҳлар муаллифи: М.Жўраев. – Тошкент: Фан, 2000. – Б.95.

¹²⁷ Ой олдида бир юлдуз. Ўзбек халқ маросим кўшиқлари. Тўплаб нашрга тайёрловчи кириш сўзи ва изоҳлар муаллифи: М.Жўраев. – Тошкент: Фан, 2000. – Б.94.

хисобланади. Ҳаттоки, кул билан ахлат бир жойга ташланса, ушбу хонадонда тўй билан аза маросимлари бир-бирига қўшилиб кетади, деган қарашлар, оловнинг қанчалик аҳамиятли экани, уни инсон ризқ билан ҳам боғлаши кузатилади.

*Ҳай-ҳай ўлан жон ўлан,
Гулдин қафас, ёр-ёр.
Куёв билан келинчак,
Оташпараст, ёр-ёр¹²⁸.*

Мазкур тўртликда зардўштийлик дини билан боғлиқ қарашлар ўз ифодасини топган бўлиб, неча йиллар, асрлар давомида унутилган диний эътиқодларни халқ оғзаки ижодида сақланиб қолганига гувоҳ бўламиз. Мотам маросимларида уй эгалари оловни булғамаслик учун уч кунгача хонадон ўчоғида овқат қилишмайди. Бундан ташқари, никоҳ тўйи маросимларида келин-куёвларни инс-жинслардан поклаш мақсадида, олов атрофида уч маротаба айлантириш, деярли барча ҳудудларимизда амалга ошириладиган урф-одатларимиздан бири саналади.

*Ҳай-ҳай ўлан жон ўлан,
Отасизим, ёр-ёр,
Отасининг йўғида,
Баҳосизим, ёр-ёр¹²⁹.*

Бу албатта йўқлов “Ёр-ёр”лари бўлиб, қадимги урф-одатларга кўра, қизни йиғлатиш, бу орқали ўтиб кетган отасининг руҳини эслаш, хотирлаш, унинг руҳини шод этиб, қизининг келажақда бахтли бўлишига ёрдам беришини сўраш каби ишончларни ўзида ифода этади.

*Ола қонга суянган
Онангмиди, ёр-ёр,
Ўйнамайди, кулмайди,
Угаймиди, ёр-ёр¹³⁰.*

¹²⁸ Икки кўнгил бир бўлсин. Ёр-ёрлар. / Тўпловчи ва тузувчилар: М. Жўраев, Л. Худойкулова. – Тошкент: Ғ. Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи. 2016. – Б.23.

¹²⁹ Гулёр. Фарғона халқ қўшиқлари. Кўп томлик. Тўпловчи: Ҳ. Раззоқов. – Тошкент: Ғ. Ғулом нашриёти, 1967. – Б. 157.

Ҳатто “Ёр-ёр”лар куйланганда угай она образи ҳам четда қолмай, бу шу овулни яхши билган, угай онанинг қизга қилган зулм-ситамларига гувоҳ бўлган айтувчининг қўшиқ асносида, уни сўз билан “савалаб” кетаётганини кўришимиз мумкин. Угай она бу ерда тўйдан қувонмаётгани, қизга ҳамдард эмаслиги куйланади.

*Оқ куйлагим енгини,
Сўкдим яна, ёр-ёр,
Оқ сутингга рози бўл,
Кетдим она, ёр-ёр.¹³¹*

Қиз тилидан куйланаётган бу “Ёр-ёр”да онасини оқ сути учун, у ерда ўтказган кунлари учун мунгли тарзда рози-ризолик сўралмоқда. Бу айтгучи томонидан қўлланилган маҳорат бўлиб, нафақат она ва қизни, атрофда йиғилганларни ҳам йиғлатишга мажбур қилган.

*Бахтингизга кўп-кўпларнинг келар рашки, ёр-ёр,
Шому-саҳар сиздай хуррам бўлса кошки, ёр-ёр.
Тогдан тошиб, сувдан кечиб, ўтсин ҳамма, ёр-ёр,
Сиздай, биздай гул бўстонга етсин ҳамма, ёр-ёр.*

Фольклоршуносликда халқ қўшиқлари асосан мустақил тўртликлардан иборат деган фикр айтиб келинди. Бу фикр қўшиқчиликнинг дастлабки даври учун тўғри келар, ўзбек халқ қўшиқларининг кейинги ривожига бундан истисно.

*Дарёга тош отманглар, ботар кетар, ёр-ёр.
Узоққа қиз берманглар, олар-кетар, ёр-ёр.
Узоққа берган қизнинг, ранги сариқ, ёр-ёр.
Кўзидан оққан ёши мисли ариқ, ёр-ёр.
Мисли ариқ мис бўлсин, сомон бўлсин, ёр-ёр.
Узоққа тушган синглим омон бўлсин, ёр-ёр.*

Тўй қўшиқларини жиддий кузатишларимиз куй, бирор деталь, поэтик образ воситасида юқоридаги каби яхлит шеърлар ҳам пайдо бўлиши ўзига хос

¹³⁰ Гулёр. Фарғона халқ қўшиқлари. Кўп томлик. Тўпловчи: Ҳ. Раззоқов. – Тошкент: Ғ. Ғулом нашриёти, 1967. Б.157.

¹³¹ Шу адабиёт. Б. 159.

бир қонуният эканлигини кўрсатади. Келтирган мисолимизда **узоқ** сўзи поэтик образ бўлиб, фақат масофани эмас, айрилиқни ҳам англатади. Агар кўшиқдан шартли равишда “Ёр-ёр” нақорати олиб ташланса, у ажойиб шеър намунасига айланади. Бу шеърнинг асосини узоқ поэтик образи ташкил қилади. “Ёр-ёр” кўшиқларида бундай образлар жуда кўп.

Ишқ-мухаббат куйланган баъзи лирик кўшиқларнинг “Ёр-ёр” маросим кўшиғига кўчиши табиий кечади. Бунда 11 бўғинли вазндаги кўшиқ матнига “Ёр-ёр” нақорати кўшилиб 7х6 нисбатидаги мисралар пайдо бўлади. Бирок барча “Ёр-ёр” кўшиқлари лирик номаросим кўшиқларга ёки барча ўн бир бўғинли вазндаги лирик кўшиқлар “Ёр-ёр”ларга айланиши мумкин деб қараш хато бўлар эди. Бу жараён аввало кўшиқларнинг мазмунига боғлиқ. Шундай мазмундаги “Ёр-ёр”лар борки, уларни фақат тўй пайтидагина ижро этиш мумкин. Маъно ва ҳиссиёт кечинмаси тўй билан боғланмайдиган лирик кўшиқлар ҳеч қачон “Ёр-ёр” бўла олмайди.

Дарёларнинг ул юзидан, гуллар тердим, ёр-ёр.

Ўз қизимни сўйганига, эрга бердим, ёр-ёр.

Дарёларнинг бўйларига, экдим райҳон, ёр-ёр.

*Сўйганига теккан қизда, йўқдир армон, ёр-ёр.*¹³²

“Ёр-ёр” кўшиқларида вариантлилиқ лириканинг бошқа турларига нисбатан изчил ҳаракатда бўлади.

Тут ёғочга ип солиб, учган синглим, ёр-ёр.

*Меҳнатда шону-шуҳрат, қучган синглим, ёр-ёр.*¹³³

Аслида, бу кўшиқнинг биринчи байти, энг қадимий “Ёр-ёр”лардан бўлиб, қизларнинг мевали дарахтларга ип солиб, баланд-баланд учиши ҳосилдорлик культлари билан боғлиқлигини назарда тутадиган бўлсак, кейинги иккинчи байти мазмунига кўра, “Ёр-ёр” кўшиғининг кейинчалик ўзгарган варианты, деб, бемалол айтишимиз мумкин. Аммо унинг кейинги ҳаёт тарзи яна бошқача кечди, ҳамда яна бир варианты юзага келди:

¹³² Гулёр. Фарғона халқ кўшиқлари. – Тошкент: Ғ. Ғулом нашриёти, 1967. – Жами: 246 бет. Б.167.

¹³³ Шу адабиёт. Б.165.

Қайрағочга ип солиб, учган синглим, ёр-ёр.

*Маҳаллага хол бўлиб, тушган синглим, ёр-ёр*¹³⁴.

Ҳозирги никоҳ тўйларида ижобий ўзгаришлар бўлаётганлиги албатта бизни қувонтиради. Масалан, бугунги никоҳ тўйлари ота-оналарнинг ўзаро келишувига биноан эмас, балки йигит-қизлар розилиги, ўзаро муҳаббати асосида ўтказилади. Ёки никоҳ тўйида келин-куёвнинг қайси табақага мансублигидан қатъий назар, уларнинг тенг ҳуқуқлилиги таъминланади. Бугунги никоҳ тўйларида ўзбек халқи этник маданияти, ташкилий нуқтаи назардан трансформацияларга учраган бўлса-да, ижтимоий моҳиятига кўра, инсонпарварлик ғояларини тарғиб этувчи миллий қадриятлардан биридир.

3.2. “Ёр-ёр” кўшиқларида бадий тасвирий воситалар

Ўзбек фольклоршунослигида халқ кўшиқларида қўлланилувчи рамзий образлар ва ибораларнинг табиати ҳамда ўзига хос жиҳатлари ва кўшиқлардаги бадий тасвирий воситалар таҳлили тўғрисида М.Алавия, А.Мусакулов, М.Ёкуббекова, Ш. Турдимов, Д. Ўраева, М.Рўзиева, Ш.Имомназарова каби олимлар муҳим фикр-мулоҳазаларни билдирганлар¹³⁵. Илмий адабиётлар ва манбаларни ўрганиш обзори юзасидан юқорида билдирилган қисқача таҳлилий мулоҳазалар шуни кўрсатадики, “Ёр-ёр” кўшиқлариининг матнида қўлланилган бадий тасвирий воситалар, анъанавий рамзлар тизими тўлалигича аниқланиб, уларнинг тарихий-генетик асослари ва бадий-эстетик вазифалари тўлалигича очиқ берилмаган.

Индивидуал ижодкорлар ҳам халқ оғзаки ижодида ҳам асар қаҳрамонларини тасвирлашда уларнинг ўзига хос индивидуал хусусиятларини очишда, руҳий ҳолатларини акс эттиришда, табиат манзараларини тасвирлашда

¹³⁴ Гулёр. Фарғона халқ кўшиқлари. – Тошкент: Ғ. Ғулом нашриёти, 1967. – Жами: 246 бет. Б.150.

¹³⁵ Алавия М. Ўзбек халқ маросим кўшиқлари. – Тошкент: Фан, 1974; Мусакулов А. Ўзбек халқ лирикаси. – Тошкент: Фан, 2010. 306 б; Ёкуббекова М. Ўзбек халқ кўшиқларининг лингвопоэтик хусусиятлари. – Тошкент: Фан, 2005; Турдимов Ш. Поэтические символы в узбекских народных лирических песнях: Автореф. Дисс....канд. филол. Наук. – Ташкент, 1987; Ўраева Д.С. Ўзбек халқ лирик кўшиқларида параллелизмларнинг характери ва бадий-композицион вазифалари: Филол. Фан-ри номз. Дисс. – Тошкент, 1993. Рўзиева М. Ўзбек халқ кўшиқларида ранг символикаси: Филол. фанлари бўйича фалсафа д-ри (PhD) ...дисс. – Тошкент, 2017. Имомназарова Ш.Х ўзбек фольклорида ўлан жанри (ўзига хос хусусиятлари, генезиси ва бадийиети): Фило. фанлари бўйича фалсафа д-ри (PhD) ...дисс. – Тошкент, 2017.

ўхшатишлардан фойдаланилади. Бадиий тасвирий воситалар уларни конкретлаштиради, бўрттиради. Тингловчининг диққатини образнинг кўринмас томонларига жалб қилади, асарнинг ғоясини очишга йўналтиради.

Ўхшатиш деб, бир предмет ёки ҳодисани иккинчи бир предмет ёки ҳодиса билан таққосланганда уларнинг шакли ёки мазмун томондан образли ўхшашлигига айтилади. Ўхшатиш объекти тасвирламоқчи бўлган предмет, ҳодиса; ўхшатиш образи таққосланган предмет, ҳодисаларнинг тасвирий воситаси, икки предмет ва ҳодисанинг бир-бирига мос келишидир. Ўхшатишларни белгилашда асосан ана шу уч белгининг роли катта. Масалан,

Тол хивичдай синглим ўтиради, ёр-ёр,

Ўнг қўлини узукка тўлдиради, ёр-ёр,

Бунда синглим-объект, тол хивич- образ, ўтиради-белгисидир. Белги, объект ва образлар билан алоҳида бир синтактик алоқани ташкил этади. Ташқи томондан қараганда, тол хивич билан одам ўртасида ҳеч қандай алоқа йўқдек туюлади. Лекин ижодкор халқ, синглисини бу ҳодисага арлашолмаслиги, унинг ҳали толнинг новдасидек ниҳоллиги, соддалиги, беғубор ва поклигини ва унинг ҳаракатсиз ўтиришини асосий ўхшашлик белгиси қилиб олган.

Қўшиқлардаги рамзлар ҳам, ҳар бир соҳадаги каби ўз табиатидан келиб чиқиб, ўзига хос мезонлар асосида ёндошади. Фольклордаги кўпчилик рамзларнинг туб поэтик маъноси деярли ўзгаришсиз авлоддан-авлодларга ўтади. Баъзи ҳолатларда бир қўшиқда қўлланувчи рамзлар иккинчисида бошқа вазифани бажариши мумкин. Анъанавийлик, оммавийлик, бир жанрга тегишли асарлар доирасида туб турғунлик маънолилиқ қўшиқлардаги рамзлар учун етакчи хоссалар ҳисобланади.

Дарёга тош отманглар, ботар-кетар, ёр-ёр,

Узоққа қиз берманглар, олар-кетар, ёр-ёр.

Ушбу “Ёр-ёр” мисралари халқимизда бир хилда тушунарли бўлган рамзий образларга бойлиги билан кенг тарқалган. Дарё – сафар, айрилиқ рамзи. Дарёга отилган тошнинг ном-нишонсиз ботиб кетиши узоққа тушган қизнинг дом-дараксиз йўқолиб кетишига қиёсланган. Рамзий образнинг аниқ тасвирга

мослиги, ҳаётийлиги “Ёр-ёр” мисраларининг таъсирчанлигини таъминлаган.

Халқнинг ҳақиқий маънавий бойлиги бўлган, миллийлик ва урф-одатлар тўйларда намоён бўлади. Тўй маросимлари – бешик тўйи, хатна тўйи, мучал тўйи, никоҳ тўйи каби хилма-хил бўлганидек, унинг қўшиқлари ҳам турлитумандир. Тўйлардаги қўшиқларда эса, тўғридан-тўғри урф-одатларимиз, анъаналаримиз, ҳаттоки тўйга тайёргарлик жараёнлари ҳам куйга солиб куйланади. “Ёр-ёр” қўшиқларидаги қатламалар пишириш, янгаларнинг келинни олиб куёвникига олиб кетиш каби оддий жараёнлар ҳам қўшиқларда ўз ифодасини топади.

Қат-қатгина қатламалар қатланади, ёр-ёр,

Қизни олиб янгалар отланади, ёр-ёр.

Қизни олиб янгалар тура турсин, ёр-ёр,

Оқ сут берган оналари рози бўлсин, ёр-ёр,

Ҳимоятлик оталари қози бўлсин, ёр-ёр.¹³⁶

Ўзбек халқ лирикасининг, айниқса, “Ёр-ёр” маросим қўшиқларининг вариантлари жуда кўп ва хилма хилдир. Уларни ижрочилар давр ва муҳитдан, келиб чиқиб, шунга мослаб куйлайверганлар. Айнан “Ёр-ёр”лар менимча лириканинг бошқа турларига нисбатан камроқ ўзгаришга учраган назаримда. Негаки, “Ёр-ёр”ларда доимо қизнинг орзу умидлари, ота-она ташвишлари, атрофдаги яқинларнинг тилак ва истаклари куйлаб келинган. “Ёр-ёр”даги мавжуд тилак, истак, ҳоҳиш ва ташвишлар доим бир хил тарзда, яъни бувидан қизига, қизидан набирасига мерос бўлиб ўтаверган. Улар турмушга чиқиш жараёнида, шу мавжуд “Ёр-ёр” билан узатилиб, келин саломи билан ҳаётларини бошлайверган.

“Ёр-ёр”ларни куйлаш қизнинг ота уйи, яқин қариндош-уруғлари, оила аъзолари билан хайрлашувидан бошланиб, то куёв хонадонига етгунга қадар давом этади. Гарчанд “Ёр-ёр”ни келин куйламасада, бироқ аслида бу айтим унинг умумлашма сиймосига бевосита дахлдордир. Унинг мазмунида аёллар

¹³⁶ Оқ олма қизил олма. Ўзбек халқ қўшиқлари. / Ўзбек халқ ижоди. Кўп томлик. Тўпловчи: М.Алавиё. – Тошкент: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1972. – Б. 157.

келинни овутган бўлишиб, панд-насихат қилган бўлишади, қизнинг отасига “таъна” сўзлар ҳам айтган бўлишади.

*Осмондаги юлдузни,отган отам, ёр-ёр,
Ўз қизини танимай, сотган отам, ёр-ёр.
Ўз қизини ўрнига, бодом эксин, ёр-ёр,
Бодом шохи қайрилса,болам десин, ёр-ёр.*¹³⁷

“Ёр-ёр”ларда куйланаётган келиннинг таърифи бўрттирилиб, сифатлари фақат яхши жиҳатдан тилга олинади.

*Ҳай-ҳай ўлан жон ўлан,
Жононадир, ёр-ёр, жононадир,
Ҳар бир сўзи гавҳардай,
Якдонадир, ёр-ёр, якдонадир.
Қийғоч қоши қалдирғоч,
Қанотидай, ёр-ёр, қанотидай,
Айтган сўзи қандолатчи,
Новвотидай, ёр-ёр, новвотидай.*¹³⁸

Худди шу “Ёр-ёр”нинг кейинчалик бошқача кўринишда, сўзлари ўзгарган ҳолда кўп учратамиз. Баъзи “Ёр-ёр” кўшиқларининг бошқа вариантлари вужудга келишига сабаб, унинг эскирган сўзларини янги давр қабул қилмайди. Аммо юқорида келтирилаётган “Ёр-ёр” кўшиғининг матнига даврнинг дахли йўқ. Унга дунёнинг тараққий этиши таъсир қилмайди аммо, шунга қарамай бу “Ёр-ёр”нинг бошқа вариантлари кўпроқ куйланади. “Ёр-ёр”ларнинг вариантлари жудаям кўп, аммо, негадир “Ёр-ёр” айтувчилар чегараланиб қолишган, улар “Ёр-ёр”ларнинг ҳамма вариантларини ҳам куйлашмайди.

*Мусобақа шартига,
Келишган қиз, ёр-ёр.
Баҳс бойлашиб ўйинда,*

¹³⁷ Ой олдида бир юлдуз. Ўзбек халқ маросим кўшиқлари. Тўплаб нашрга тайёрловчи кириш сўзи ва изоҳлар муаллифи: М.Жўраев. – Тошкент: Ғ. Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 2000. – Б.81.

¹³⁸ Ўзбек халқ кўшиқлари. Ўзбек халқ ижоди. Кўп томлик. Нашрга тайёрловчилар: Алавия М., Рўзимбоев С. – Тошкент: Ғ. Ғулом номидаги санъат нашриёти, 1983. – Б.263.

*Севишган қиз, ёр-ёр.*¹³⁹.

Юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, келин бўлмиш қизни токи никоҳ ўқитилмагунча келин, келинчак ёки келинпошша деб аталмаган. Бу ерда қизнинг бахтли экани ва турмушга ўзи истаб, турмушга чиқаётгани акс этади. Олимларимиз лапардан ташқари айнан “Ёр-ёр” матнлари билан ҳам йигит-қизлар айтишувлар айтганини таъкидлашади. Бу “Ёр-ёр” тўртлигида ҳам айтишув ўйини орқали йигит-қиз бир-бирини топгани ва кўнгил қўйгани куйланмоқда.

Ариқ суви оқади,

Жимир-жимир ёр-ёр.

Уйда келин кўнглига,

*Ёзар ёмғир, ёр-ёр.*¹⁴⁰

Бу ерда ариқдаги сувдек умрнинг ўтиши ва вақти келиб, яъни қизнинг бўйи етгач узатилиши таққосланиб, бу жараён яқинлашиши билан қизнинг кўнглига ғулғула солиши, унинг шодликлари якунига етиб, кўнглига ёмғир ёғиши рамзий маъно касб этмоқда.

Никоҳ тўйларимизда айтиладиган “Ёр-ёр” қўшиқларида келинчакнинг ўз уйида, дугоналари ўртасида ўтказган қизлик йиллари билан видолашуви, дугоналарининг куёвдан ўпқаланишлари, келин-куёвнинг ҳусн ва фазилатлари ҳикоя қилинади. Тўй айёмида янги ҳаёт оstonасида турган ёшларга яхши тилаклар изҳор этилади:

Бориб кўрган жойлари,

Боглар бўлсин, ёр-ёр,

Синглим тушган жойларда,

*Тўйлар бўлсин ёр-ёр.*¹⁴¹

Бизнинг одатимизга кўра, никоҳ тўйида узатилаётган қизнинг йиғламаслиги эл ичида уят саналади. Хатто у севган кишисига ўз ҳоҳиши билан

¹³⁹ Гулёр. Фарғона халқ қўшиқлари. / Кўп томлик. Тўпловчи: Ҳ. Раззоқов. – Тошкент: Ғ. Ғулом нашриёти, 1967. – Б.163.

¹⁴⁰ Ой олдида бир юлдуз. Ўзбек халқ маросим қўшиқлари. Тўплаб нашрга тайёрловчи кириш сўзи ва изоҳлар муаллифи: М.Жўраев. – Тошкент: Фан, 2000. – Б.54.

¹⁴¹ Икки кўнгил бир бўлсин. Ёр-ёрлар. / Тўпловчи ва тузувчилар: М. Жўраев, Л. Худойқулова. Тошкент: Ғ. Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2016. – Б.151.

тегаётган, тўй яқин қариндошларининг розилиги билан бўлаётган бўлса-да, барибир, йиғлаши шарт ҳисобланади. Кўпинча қизлар “Ёр-ёр” куйлана бошланиши билан йиғлашга тушадилар. “Ёр-ёр”га хос оҳанг, кетиш, хайрлашиш руҳи узатилаётган қизда ва унинг яқинларида йиғи кўзғатади. Аслида “Ёр-ёр”лар узатилаётган қизга тасалли бериш, бу ҳол ҳамма аёлларнинг бошида борлигини уқтириш учун куйланса-да, барибир, кўпчилик қизлар ўзини қийнаётган руҳий изтиробга дош беролмай кўз ёши тўкадилар.

Ота-онам ҳузуридан,

Мен кетарман, ёр-ёр.

Жудоликнинг ҳасратини,

Мен ютарман, ёр-ёр.

Тўй “Ёр-ёр”лари орасида келиннинг ўз тилидан куйланган мисралар кўпчиликти ташкил этади:

Игнам учи синди, деб,

Урдинг, онам, ёр-ёр.

Энди кетиб бораман,

Тиндинг, онам, ёр-ёр¹⁴².

Бу мисраларда қизнинг кўп йиллик қадрдон уйини, яқинларини ташлаб, ўзга хонадонга, ёт кишилар даврасига кетишга беихтиёр маҳкумлик ҳолати тасвирланади. Шунинг учун “Ёр-ёр”лар “кузатиб қолиш қўшиғи” сифатида хайрлашиш руҳида бўлади. Хайрлашиш, кетиш, айрилиқ эса инсон учун ҳамиша оғир, қийин руҳий вазият бўлиб, кўз ёши тўкишга олиб келади. Шу боисдан, тўйда “Ёр-ёр” айтилаётганда узатилаётган қиз ва унинг яқинлари: онаси, опа-сингиллари, дугоналари йиғлаши деярли табиий ва одатий тус олган. Ҳолбуки, тўй “Ёр-ёр”ларининг асосий вазифаси узатилаётган қизга тасалли бериш, уни ҳаёт қонунларига бўйсунтиришга ундаш, тинчитиш ва овутишдир. Шунинг учун тўй “Ёр-ёр”ларида “йиғлама қиз, йиғлама” мурожаати алоҳида ўрин тутади ва диққатни тортади.

¹⁴² Ой олдида бир юлдуз. Ўзбек халқ маросим қўшиқлари. Тўплаб нашрга тайёрловчи кириш сўзи ва изоҳлар муаллифи: М.Жўраев.— Тошкент: Фан, 2000. — Жами: 160 б. Б. 82.

*Йиғлама қиз, йиғламагин,
Уй сеники, ёр-ёр,
Қоши қаро, мирзо йигит,
Ёр сеники, ёр-ёр¹⁴³.*

Халқ “Ёр-ёр”ларининг таъсирида ёзма адабиётда ҳам “Ёр-ёр” кўшиқлари яратилганлигини юқорида кўриб ўтдик. Ҳар бир ҳудуднинг ўзига хос “Ёр-ёр” кўшиқлари мавжуд. Негадир, “Ёр-ёр” кўшиқлари куйланганда ҳам, эшитилганда ҳам, киши кўзига беихтиёр ёш қуйилиб келади, нега? Балки бу жону-жаҳонимиз бўлган азиз фарзандимизни, халқимиз тили билан айтганда, “оқ ювиб, оқ ўстирган”, “кўзимизнинг оқу-қароси”ни тақдирини ўзгалар кўлига топшираётганимиз учундир. Шунинг учун ҳатто бирга ўйнаб, бирга ўсган, опа-сингилнинг ҳам кўзига ёш келар:

*Ой ёрузда ўйнашган, дўстинг қолди, ёр-ёр,
Тўрт қўлоқли қозонда, улушинг қолди, ёр-ёр.
Олқишлангиз жамоат, олди кетди, ёр-ёр,
Ота-онасин йиғлатиб, синглим кетди, ёр-ёр¹⁴⁴.*

Ёки:

*Шилдир шилдир қамишга, сирғам тушди, ёр-ёр,
Синалмаган йигитга, синглим тушди, ёр-ёр.
Синглим тушган жойларга, ой бўлайин, ёр-ёр,
Куёв чеккан чилимга, най бўлайин, ёр-ёр¹⁴⁵.*

Халқ кўшиқларидаги воқеабандлик, “Ёр-ёр” кўшиқлари жанрида ҳам учрайди. Баъзан “Ёр-ёр”ларда ҳам, кўшиқ эгасининг тақдири тўлалигича куйланади. Биринчи тўртликнинг маъноси изоҳсиз ҳам тушунарли, унда халқ ижодининг соддалиги, беғуборлиги уфуриб турибди. Иккинчи тўртликдаги “сирға” сўзи, унинг учун қадрли бўлган буюмнинг ифодаланиши, у қадрли буюмнинг синглисига ўхшатиш орқали тўртликни аниқроқ ифодалаётганини

¹⁴³ Икки кўнгил бир бўлсин. Ёр-ёрлар. / Тўпловчи ва тузувчилар: М. Жўраев, Л. Худойкулова. – Тошкент: Ғ. Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2016. – Жами: 264 б. Б.220.

¹⁴⁴ Оқ олма, кизил олма. Ўзбек халқ кўшиқлари. / Ўзбек халқ ижоди. Кўп томлик. Тўпловчи: М. Алавия. – Тошкент: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1972. Б.74.

¹⁴⁵ Икки кўнгил бир бўлсин. Ёр-ёрлар. Тўпловчи ва тузувчилар: М. Жўраев, Л. Худойкулова. – Тошкент: Ғ. Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2016. – Жами: 264 б. Б.126.

кўрамиз. Унинг учун кадрли сирғасининг топиб бўлмас жойга тушиб йўқолиши, аслида ҳеч қачон сирғаси камишлар орасига тушмас, лекин худди синглисининг тақдири нотаниш жойда давом этиши, кичик аммо, кадрли бўлган, буюмидек, камишлар орасига тушишдек мавҳумлик, қийинчиликнинг белгиси сифатида келтирилмоқда. Синглиси синалмаган йигит билан бир умрга ҳаёт бошлаши, кейинги ҳаёти мавҳумлиги баён этилиб, қўшиқнинг таъсирчанлигини оширмоқда. Ҳатто жонининг бир парчаси бўлган синглисидан хабардор бўлиш учун осмонга ой бўлиб, унинг йўлларини ёритмоқчи, унинг ҳолидан хабардор бўлмоқчи, унинг аҳволини билиш учун, гарчи у учун бу ёқимсиз ҳолат бўлса-да, куёв чеккан чилимга най бўлишга ҳам розилиги – “Ёр-ёр”ларнинг нақадар мунгли қўшиқ эканлигини кўрсатади.

Халқимизнинг миллий кадриятлари мужассам бўлган никоҳ тўйи маросими қўшиқларининг, урф-одатларимизнинг моҳиятини ёшларга ўргатишда, уларнинг қалбида меҳр ва мурувват чечакларини ундириб-ўстиришда фольклор этнографик жамоалари дастурларида кенг ва тўғри фойдаланишни йўлга қўйиш, замонавий тўйларимизда “Ёр-ёр”лар билан ҳаёт бошламоқчи бўлган ёшларнинг тўйларини “андоза” сифатида тарғиб этишимиз яхши самара беради.

Фольклор қадимий сўз санъати сифатида нафақат чуқур ғоявийлиги, балки юксак бадийлиги билан ҳам ажралиб туради. Унда воқеликни ифодалашнинг дoston, эртақ, мақол, қўшиқ, топишмоқ сингари хилма-хил жанрлари шаклланган. Халқ ижодиётининг воқеликни умумлаштириш принципларида, шунингдек, бир қатор сюжет ва унинг компонентлари, образлилик, тасвирий воситаларда, талай ўзига хосликлар мавжуд.

Ўзбек халқ ижодиётида тасвирий ифода воситаларининг бадий адабиётдан фарқ қилувчи ўзига хос бутун бир системаси ишланган. Бу халқ қўшиқларидаги рамзий образлар, доимий сифатлашлар, анъанавий формулалар, турғун ибораларнинг яшовчанлиги, фольклор асарлари тилида эркаловчи, кичрайтирувчи қўшимчаларнинг кўплигида, параллелизм, муболаға ва сажънинг актив ва ўзига хос қўлланилишида ёрқин намоён бўлади. Коллектив

ижодий салоҳиятидан баҳрамандлашган ҳолда, мукаммаллашиб, ғоявий-бадий камолот касб этиб боради.

“Ёр-ёр”ларда образлардан ташқари, турли тимсоллар, рамзлар ва тилсимларнинг ҳам ўз ўрни ва вазифаси мавжуд. Улар орқали қўшиқнинг янада жозибаси ортиб, маъно жихатидан янада сайқалланади. Бу каби рамз тимсолларга: табиат жисмлари: ой, қуёш, юлдузлар, тол, қайрағоч, гул, қуш; нарсa буюмлар: тилло (олтин), чимилдиқ, сирға, остона ва ҳоказолар киради.

Куёв йигит уйларини толдан ёпган, ёр-ёр,

Шундай қизни куёв болам қайдан топган, ёр-ёр.

Топди-топди, деманглара кўриб олган, ёр-ёр,

Ҳар иккови бир-бирини севиб олган, ёр-ёр.

Уялмасдан куёв болам гапга солинг, ёр-ёр,

Ширин шакар сўзлар билан кўнглин олинг, ёр-ёр.

Бу каби “Ёр-ёр”ларнинг ҳам вариантлари жуда кўп бўлиб, уларда асосан онанинг икки ёшга, тилаклари, маслаҳатлари, атрофдагиларга уларнинг қилган ишларидан фахрланишу-мақтовлари ташкил қилади. Бу ерда асосий образ куёв ва келин бўлсада, онанинг тилидан куйланаётгани учун она асосий образ ҳисобланади.

Чимилдиқнинг богидан,

Сичқон қочди, ёр-ёр!

Ёр-ёр пули тополмай,

Куёв қочди, ёр-ёр!

Қочди-қочди деманглар,

Қочгани йўқ, ёр-ёр,

Ҳамёнининг оғзини

Очгани йўқ, ёр-ёр¹⁴⁷.

Никоҳ тўйларидаги ўзбекона урф-одатлар ҳам “Ёр-ёр” қўшиқларида ўз ифодасини топган, жумладан, кўпгина ҳудудларимизда, “Куёв қочди” одати

¹⁴⁶ Алавия М. Ўзбек халқ қўшиқлари. – Тошкент: Давлат ўқув педагогика, 1959. – Б.48.

¹⁴⁷ Икки кўнгил бир бўлсин. Ёр-ёрлар. / Тўпловчи ва тузувчилар: М. Жўраев, Л. Худойкулова. – Тошкент: Ғ. Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2016. – Б.56.

мавжуд. “Куёв қочди” – тўй куни келин олиб келинганда куёв келинни уловдан кўтариб олгунига қадар одамлар кўзига кўринмасдан жўраларининг панасида яшириниб туриш одати.

Пайғамбарлар руҳини шод этали, ёр-ёр,

Балиқчининг қизидай бахтинг бўлсин, ёр-ёр.

Сулаймоннинг тахтидай тахтинг бўлсин, ёр-ёр,

Олтин қобок отарга уйинг бўлсин, ёр-ёр,

Ўнг қўлингда ўйнаган ўғлинг бўлсин, ёр-ёр.

Бу “Ёр-ёр” кўшиғида ўғил фарзанд кўрганда “олтин қобок” оттириб тўй бериш истаги билан боғлиқ жараён ўз бадий ифодасини топган. “Олтин қобок” ўйини халқ орасида кенг тарқалган ошиқ ўйини бўлиб, унда баланд ёғоч учига ошиқ осиб қўйиб, “олтин қобок”қа қўйилган нишонни беҳато урган мерган ёғоч учидаги ошиқни ўзи билан олиб кетишга ҳақли бўлган ва қайси мерганда ошиқ кўп бўлса, бу унинг усталиги, ўқ отишдаги маҳоратидан далолат берувчи белги деб қаралган. Бу анъанавий ўйин халқ турмуш тарзига чуқур сингиб кетганлиги учун ҳам, халқ кўшиқларида, айниқса, маросим кўшиқларида “олтин қобок” ўйинига алоқадор мотивлар кўп учрайди. “Ёр-ёр”ларда бегона хонадонга узатилиш қисмати барча қизлар учун бир эканлиги, бу қисматга қизларнинг кўниши ҳаёт қонунияти эканлиги ҳам таъсирчан тарзда кўшиқларда намоён бўлади.

Ҳай-ҳай ўлан, жон ўлан,

Мис панжара, ёр-ёр.

Ҳар жафого кўнади,

Қиз бечора, ёр-ёр¹⁴⁸.

Мазкур тўртликда келаётган “мис панжара” шунчаки келтирилмаган, худди қизнинг мисга ўхшаб, эгилувчанлиги, ҳаёт қийинчиликларига кўникувчанлиги ифодаланмоқда. Албатта, қиз янги ҳаётга кўникиши учун синиши – тақдирга тан бериши лозим. Бу тўртликдаги биринчи мисрадаги мис

¹⁴⁸ Гулёр. Фарғона халқ кўшиқлари. Кўп томлик. Тўпловчи: Ҳ. Раззоков. – Тошкент: Ғ. Ғулом нашриёти, 1967. Б.151.

панжара образи орқали иккинчи мисрадаги ҳолат мунглироқ баён қилинган.

Тўй қўшиқлари бошқа тур қўшиқлардан ижро ўрни ва образлар силсиласи билан аниқ фарқланади. Бу қўшиқлардаги асосий образлар: она, қиз, қайнона, куёв, сингил, янгалар, қудалар, қизнинг дугоналари, куёв жўралардан иборатдир. Булар орасида келин бўлаётган қиз, келин бўлиб тушган келинчак етакчи образ ҳисобланади. Тўйнинг кўп одат ва расм-русумларида йигит-қизнинг оналари иштирок этишмайди. Чунки бу ўзбекона қарашларга кўра уят саналади. Шунинг учун “Ёр-ёр” қўшиқларида ҳам, тўйдаги асосий етакчи роль ҳам янгалар зиммасига тушади. Янгалар келинга маслаҳат берувчи, уни янги ҳаётга кузатувчи образ сифатида “Ёр-ёр”ларда ҳам куйланади.

Идеаллаштириш айниқса келинчак таърифида юқори нуқтага кўтарилади. Келинчакнинг сурати ҳам, сийрати ҳам етук ва гўзал: “Ёр-ёр”ларда айтгувчилар кизни гулга, йигитни булбулга ўхшатиб таъриф берадилар.

“Ёр-ёр” қўшиқларининг вариантлари хилма-хил бўлганидек улардаги образлар, тимсоллар, рамзлар ҳам ранг-барангдир. “Ёр-ёр” қўшиқлари қайси ҳудудда, ўша ҳудуд анъанасига мослаб куйланмасин, улардаги энг етакчи образлар ўзгармай қолаверади. Булар: келинчак, куёв, йигит-қизнинг ота-оналари, янга, опа-сингил, совчи ва бошқалар.

Индивидуал ижодкорлар ҳам, халқ оғзаки ижодида ҳам асар қаҳрамонларини тасвирлашда уларнинг ўзига хос индивидуал хусусиятларини очишда, руҳий ҳолатларини акс эттиришда, табиат манзараларини тасвирлашда ўхшатишлардан фойдаланилади. Бадиий тасвирий воситалар уларни конкретлаштиради, бўрттиради. Тингловчининг диққатини образнинг кўринмас томонларига жалб қилади, асарнинг ғоясини очишга йўналтиради.

Ўхшатиш деб, бир предмет ёки ҳодисани иккинчи бир предмет ёки ҳодиса билан таққосланганда уларнинг шакли ёки мазмун томондан образли ўхшашлигига айтилади. Ўхшатиш объекти тасвирламоқчи бўлган предмет, ҳодиса; ўхшатиш образи таққосланган предмет, ҳодисаларнинг тасвирий воситаси, икки предмет ва ҳодисанинг бир-бирига мос келишидир. Ўхшатишларни белгилашда асосан ана шу уч белгининг роли катта. Масалан,

Тол хивичдай синглим ўтиради, ёр-ёр,

Ўн қўлини узукка тўлдиради, ёр-ёр,

Бунда синглим-объект, тол хивич- образ, ўтиради-белгисидир. Белги, объект ва образлар билан алоҳида бир синтактик алоқани ташкил этади. Ташқи томондан караганда, тол хивич билан одам ўртасида ҳеч қандай алоқа йўқдек туюлади. Лекин ижодкор халқ, синглисини бу ҳодисага арлашолмаслиги, унинг ҳали толнинг новдасидек ниҳоллиги, соддалиги, беғубор ва поклигини ва унинг ҳаракатсиз ўтиришини асосий ўхшашлик белгиси қилиб олган.

Ўзбек халқ ижодиётида рамз ва образларни таҳлил этиш ва тасвирий ифода воситаларининг бадиий адабиётдан фарқ қилувчи ўзига хос бутун бир системаси ишланганлигини эътироф этган ҳолда **учинчи бобга қуйидагича хулоса** қилишимиз мумкин:

1. Тўй қўшиқлари бошқа тур қўшиқлардан ижро ўрни ва образлар силсиласи билан аниқ фарқланади. Бу қўшиқлардаги асосий образлар: она, қиз, қайнона, куёв, сингил, янгалар, қудалар, қизнинг дугоналари, куёв жўралардан иборатдир. Булар орасида келин бўлаётган қиз, келин бўлиб тушган келинчак етакчи образ ҳисобланади.

2. Тўйнинг кўп одат ва расм-русумларда йигит-қизнинг оналари иштирок этишмайди. Чунки бу ўзбекона қарашларга кўра уят саналади. Шунинг учун “Ёр-ёр” қўшиқларида ҳам, тўйдаги асосий етакчи роль ҳам янгалар зиммасига тушади. Янгалар келинни янги дунёга кузатиб борувчи магик образдир.

3. Ўтмишда қуйланган “Ёр-ёр”лардаги баъзи образ ва тимсолларнинг функцияси ўзгарган. Тўй маросимидаги кўплаб урф-одатларнинг унутилиши “Ёр-ёр”лардаги айрим образларнинг бу жараёндан чиқиб кетиш ҳолатини юзага келтиради. Жумладан, қайнона образида сезиларли ўзгаришларни кузатамиз. Олдин айтилган “Ёр-ёр”ларда қайнонанинг зулмкорликлари кўпроқ тасвирланган бўлса, бугунги “Ёр-ёр”ларда қайнонанинг юмшаган, меҳрибон образларда кўрамиз.

4. Тўй қўшиқларида ҳар бир образни идеаллаштириш аломати бор. Бунда тўй сабабчилари ҳам, тўйхона ҳам, зиёфат ҳам, келин тушган уй ҳам, келин-

куёв фазилатлари ҳам, уйлари ҳам жуда бўрттириб тасвирланади. Идеаллаштириш айниқса келинчак таърифида юқори нуқтага кўтарилади. “Ёр-ёр”ларда, куёв, янгалар, қудаларга нисбатан ҳазил тариқасида айтилган намуналар кўп учрагани ҳолда, келинчакка нисбатан ҳазил ёки ножоиз мисралар айтилмайди. Келинчакнинг сурати ҳам, сийрати ҳам етук ва гўзал.

5. “Ёр-ёр” қўшиқларида мифологик-диний ёндошув, диний тасаввурлар орқали ифода этилади. Айниқса Шарқ халқлари хануз-ханузгача ўз орзу хаёллари ва ўтмишини мифологик образларда, тасвирларда ифодалашга ўта мойил эканини кузатамиз. Шунинг учун ҳам, мифлардан фойдаланилган бадиий асарлар халқимиз, кишиларимиз ҳис-тўйғуларига тез таъсир қилади.

6. “Ёр-ёр”ларда анъанавий мисралар, рамзлар, поэтик образлар, этнографик деталлар кўплаб учрайди. Уларни ҳар томонлама тадқиқ қилиш халқ тарихи, маданияти, урф-одатларини ўрганишда жуда муҳим.

Хулоса

Ўзбек халқ маросим фольклорида ҳар бир халқнинг ўзига хос маиший турмуш тарзи билан боғлиқ реал воқеалар ифода этилади. Маросимлар таркибининг асосий узвларидан бўлган халқ кўшиқлари ва айтимлари ўзида халқнинг улкан кашфиётлари, орзу-умидлари, армонлари, уй-кечинмаларини бадиий шаклда сақлаб қолганлиги билан диққатни тортади. Улардаги ҳар бир сўз, ҳар бир образ ўзига хос маъно-мазмун ташиб келади.

“Ёр-ёр” кўшиқларидаги анъанавий мотивлар, образлар, рамзлар шунчаки бадиий тўқима бўлмай, этнографик-археологик асосга эгалиги билан эътиборга сазовордир.

Мазкур тадқиқот жараёнида, “Ёр-ёр” кўшиқларининг жанрий ва ареал ўзига хос хусусиятлари, вариантлилиқ масаласи, улардаги асосий рамзлар, образлар, бадиий тасвирий воситаларнинг таҳлили ва таснифи масалаларига эътибор қаратилди.

Ўзбек фольклоршунослиги илмида, мазкур жанрга мансуб халқ оғзаки бадиий ижоди намуналарини бевосита ижрочилар оғзидан жонли ижро шароитларида ёзиб олиш ишлари эса XX асрнинг 20-йилларидан бошланган бўлиб, мустақилликдан кейинги йилларда ҳам халқ лирикаси тилининг фольклоршунос мутахассислар томонидан ўрганилишида энг самарали йиллар бўлди. Бу даврда кўплаб фольклоршунос, адабиётшунос олим ва олималаримиз томонидан халқ оғзаки ижодининг барча жанрлари, жумладан, ўзбек халқ кўшиқларини тўплаш, ёзиб олиш, ўрганиш, таҳлил қилиш, турли жиҳатдан таснифлаш, поэтик хусусиятларларини аниқлаш борасида ҳам кўплаб тадқиқотлар олиб борилди. Бу эса бизнинг тадқиқотимизда асосий манба ва методологик асос бўлиб хизмат қилди.

Умуман олганда мазкур тадқиқот иши юзасидан қуйидаги умумий хулосаларга келишимиз мумкин:

Ўзбек халқ маросимларида ижро этилиб келинаётган “Ёр-ёр” кўшиқларининг жанрий таркиби ва генезиси, бадиияти масалалари ҳал этилиши натижасида уларнинг шаклланиш жараёни ва тарихий тараққиёт босқичлари

этнофольклористик нуқтаи назардан ёритиб берилди.

Фольклоршунос ва мусикашунос олимларимизнинг илмий-назарий ва амалий хулосалари ва ўзбек фольклоршунослиги материаллари, мавжуд илмий адабиётлар, тарихий-этнографик ва ёзма манбаларга суянган ҳолда “Ёр-ёр” кўшиқларининг жанрий хусусиятлари тадқиқ қилинди. Халқ “Ёр-ёр”ларида келадиган бадий тасвирнинг таъсирчан воситалари, ўхшатиш, поэтик хусусиятлари муштараклигидан келиб чиқадиган эстетик ҳодисани янгича таҳлил ва талқин қилинди.

“Ёр-ёр”ларнинг турли намуналарини қиёсий таҳлил этиш, ижро ҳолати, ижро ўрни, усули ва мусикий табиатидан келиб чиқиб, ареал ҳудудларга кўра, фарқли жиҳатлари аниқланди ва унга кўра гуруҳларга ажратиб чиқилди.

Бугунги тўй маросимларида “Ёр-ёр” кўшиқларининг ижроси билан шуғулланаётган “Ёр-ёр”чилар ва мусика таълими бўйича устоз-шогирд анъанасини давом эттираётган, турли йўналишда ижод қилувчи устозлар ва бошқа шу соҳа мутахассислари билан интервьюлар олиб бориб, ҳали-ҳамон “Ёр-ёр”ларнинг янгидан-янги вариантлари юзага келаётгани, ҳамда, “Ёр-ёр”лар никоҳ тўй маросимларидан ташқари “хатна тўйи” ва “хотин оши” маросимларида ҳам қўйланаётганлиги ва турли йўналишларда ижроланаётганлиги аниқланди.

“Ёр-ёр” кўшиқларининг келиб чиқиши ва тадрижий ривож туркий халқлар поэтик тафаккури ва бадий-эстетик анъаналари билан муштарак жиҳатларга эгалиги кўрсатиб берилди. Шунингдек, диссертацияда яна “Ёр-ёр” намуналарининг кўп вазифадорлиги, ижро ўрни, пайти, усули, ижрочилари, оммага ахлоқий-эстетик таъсири масалалари ҳам яхлит тизим шаклида ёритишга ҳаракат қилинди.

“Ёр-ёр”лардаги энг етакчи образ қиз, келинчак эканлиги, улардаги рамзий образлар ва тимсоллар бугунги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаганлигини кўришимиз мумкин. Тўй маросимларидаги кўплаб урф-одатларнинг унутилиши “Ёр-ёр” билан боғлиқ жараёнларни ҳам унутилишига ва ўзгаришига сабаб бўлади. Жумладан, олдин айтилган “Ёр-ёр”ларда қайнонанинг зулмкорликлари

кўпроқ тасвирланган бўлса, бугунги “Ёр-ёр”ларда уни юмшаган, меҳрибон образларда кўрамиз.

Ҳар бир жанрнинг ўзига хос бўлган жанрий хусусиятларини ўрганиш ўзбек халқ кўшиқларининг генезисини тадқиқ этишнинг муҳим манбаи эканлиги, унинг юзага келиш тарихи, мифологик асослар билан чамбарчас боғлиқлиги ва қадимда “Ёр-ёр”ларнинг тўй маросимининг йиғи айтимлари таркибида бўлганлиги илмий асосланди.

Тўй “Ёр-ёр”лари кўриб ўтганимиздек, у ҳоҳ хатна тўйи ёки хотин оши бўлсин мавзуси чекланмаган, аммо мотам ёр-ёрларининг эса мавзу жиҳатидан чегараланганлиги кўзга ташланади. Тўй “Ёр-ёр”ларида образлар ҳам ранг-баранг бўлса, мотам ёр-ёрларидаги етакчи мотив мотам ҳолати бўлса, орзулари эрта сўнган қиз эса асосий образ сифатида тилга олинади.

Бугун ОАВ орқали тарғиб этилаётган миллий қадриятларимиз орасида “Ёр-ёр” кўшиқларига, айнан халқ “Ёр-ёр”ларига ҳам ўрин ажратилса мақсадга мувофиқ бўлар эди. Бундан ташқари, “Ёр-ёр” айтувчиларимизга ҳам кўп нарса боғлиқ бўлиб, улар билан устоз-шогирд анъанасини давом эттиришлари учун тарғибот ишлари амалга оширилса, фольклор жамоалари репертуарларида уларнинг турли вариантлари ўрнига кўра қуйланса, “Ёр-ёр” кўшиқлари бўйича кўрик танловлар уюштирилса НММ талаблари бўйича вазифаларни амалга оширган бўламиз.

Бугун биз замон шиддат билан одимлаб кетаётган, глобаллашув жараёнида халқ кўшиқларининг санъаткорлар ва ҳаваскор ижодкорлар томонидан бузиб ижро этилиши(масалан, халқ кўшиқларидан бир байт олиб қолган матнини ўзлари ҳоҳлаган сўзлар билан бузиб айтилиши)га гувоҳ бўлмоқдамиз. Бу каби кўшиқларни даврлар ўтиб келажак авлод “халқ кўшиғи намунаси” деб қабул қилиш хавфи туғилиши эҳтимоли бор. Биз эса, авлодларга фольклорнинг ҳақиқий дурдоналарини шундайлигича етказишимиз, келажакда халқ кўшиқларининг бузиб ижро этилган вариантларини ёш авлод, халқ кўшиғи деб қабул қилиш хавфи туғилишини бартараф этишимиз лозим.

Юқорида келтирилган хулосаларга кўра, қуйидаги **таклиф**ларни келтириб ўтдик:

- “Ёр-ёр” қўшиқларининг локал хусусиятларига кўра ранг-баранглигини сақлаб қолишга ҳаракат қилиш, бунинг учун бугунги кунда ҳудудларда жонли ижро шаклида ижро этиб келинаётган “Ёр-ёр”ларни ёзиб (аудио, видео, қўлёзма шаклида) олиш;

- “Ёр-ёр” қўшиқларини ҳудудлараро фарқли жиҳатларини ажратган ҳолда нашр этиш ҳамда шу орқали фольклор жамоалари репертуарларида тўғри талқин қилишни йўлга қўйиш;

- телеведение ва радиода халқ қўшиқларидан ташкил топган махсус эшиттириш ва кўрсатувлар тайёрлаш каби тарғибот ишларини олиб бориш;

“Ёр-ёр” қўшиқлари тўй маросим фольклорининг қадимий поэтик жанрлари сифатида маълум тарихий тараққиёт босқичини босиб ўтган. Уларнинг генетик илдизлари тўй маросимининг шаклланиши ва тараққиёти билан боғлиқ бўлиб, ўтмишда яратилган абадий-тарихий манбалар ва ўзбек халқ қўшиқларини тадқиқ этган олимларимизнинг тадқиқотлари ҳам “Ёр-ёр”нинг келиб чиқиши қадимийлигини кўрсатади. Шунингдек, фольклорнинг тили муттасил ҳаракатда эканлигини ҳисобга оладиган бўлсак, ҳамда бу жараён фольклорнинг бошқа жанрларига қараганда халқ қўшиқларида жадал кечиши, унинг ҳар бир кечмиши тадқиқ этилишни талаб этади.

Ҳозирги никоҳ тўйларида ижобий ўзгаришлар бўлаётганлиги албатта бизни қувонтиради. Масалан, бугунги никоҳ тўйлари ота-оналарнинг ўзаро келишувига биноан эмас, балки йигит-қизлар розилиги, ўзаро муҳаббати асосида ўтказилади. Ёки никоҳ тўйида келин-куёвнинг қайси табақага мансублигидан қатъий назар, уларнинг тенг ҳуқуқлилиги таъминланади. Бугунги никоҳ тўйларида ўзбек халқи этник маданияти, ташкилий нуқтаи назардан трансформацияларга учраган бўлса-да, ижтимоий моҳиятига кўра, инсонпарварлик ғояларини тарғиб этувчи миллий қадриятлардан биридир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Расмий нашрлар.

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 31 майдаги “Маданият ва санъат соҳасини янада ривожлантириш ва такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори. www.lex.uz.
2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 7 октябрда “2010-2020 йилларда номоддий маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш, асраш, тарғиб қилиш ва улардан фойдаланиш давлат дастурини тасдиқлаш тўғрисида”ги 222-сонли қарори.
3. Мирзиёев Ш.М. Биз келажагимизни мард ва олийжаноб халқимиз билан бирга қурамиз. – Тошкент, Ўзбекистон. 2017.
4. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. – Тошкент, Ўзбекистон. 2017.
5. Мирзиёев Ш.М. 2017 йил 3 август куни Ўзбекистон зиёлилари вакиллари билан учрашувда сўзлаган нутқи – Тошкент, www.lex.uz.
6. Мирзиёев Ш.М. Тошкент, 2017 йил 25 декабрь маданият ва санъат соҳасидаги долзарб масалалар муҳокамасига бағишланган нутқи. www.lex.uz.
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги фармони билан 2017-2021 йилларда Ўзбекистонни ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегияси.

2. Монографиялар, тўпламлар, қўлланмалар.

1. Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. Хамса. Садди Искандарий. 20 томлик. 11-том. – Тошкент: Фан, 1993. 452-б.
2. Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. Мезон ул-авзон. 20 томлик. 16-том. – Тошкент: Фан, 1993.
3. Амир Темур. Темур тузуклари. – Тошкент: Фан, 2001.

4. Алавия М. Ўзбек халқ маросим қўшиқлари – Тошкент: Фан, 1974.
5. Оқ олма, қизил олма. Ўзбек халқ қўшиқлари. Ўзбек халқ ижоди. Кўп томлик. Тўпловчи: М.Алавия. – Тошкент: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1972.
6. Абдулла Қодирий. Ўтган кунлар. – Тошкент: Шарқ, 2014.
7. Абдурауф Фитрат. Аруз ҳақида. – Тошкент: 210-б.
8. Аширов. А. Ўзбек халқ қадимий эътиқод ва маросимлари. – Тошкент: А.Навоий номидаги Ўзбекистон миллий кутубхонаси нашриёти, 2007.
9. Адабий турлар ва жанрлар. – Тошкент: Фан, 1991. Уч жилдлик. 2-жилд.
10. Бўзлардан учган ғазал-ей. (ўзбек халқ йиғи ва йўқловлари) Тўплаб, нашрга тайёрловчилар: О.Сафаров., Д. Ўраева. – Бухоро, 2004.
11. В. Сухомлинский Тарбия ҳақида. – Тошкент: Ёш гвардия, 1997.
12. Гулёр. Фарғона халқ қўшиқлари. Тўпловчи, Ҳ. Раззоқов. – Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги бадиий адабиёт нашриёти, 1967.
13. Геродот. История – Ленинград: 1955.
14. Давлатов.С. Анъана ва маросим. – Тошкент: Фан, 2009. Ўқув-услубий қўлланма.
15. Жўраев. М., Худойкулова.Л. Маросимнома. – Тошкент: Ўзбекистон миллий кутубхонаси, 2008.
16. Жўраев М. Фольклоршуносликка кириш. – Тошкент: Республика методика ва ахборот маркази, 2008.
17. Жўраев М., Тоҳиров Ў. Остонаси тиллодан. – Тошкент: 2003. Остонаси тиллодан илмий экспедициясининг илмий сафарномаси. 1-қисм.
18. Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Мухтасар. Нашрга тайёрловчи: С.Ҳасанов. – Тошкент: Фан, 1971.
- 19.Ой олдида бир юлдуз. Ўзбек халқ маросим қўшиқлари. Тўплаб, нашрга тайёрловчи. Жўраев. М. – Тошкент: Ғ. Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 2000.
20. Имом Ал Бухорий. Ал-жомеъ ас-саҳиҳ. 2-жилд. – Тошкент: Қомуслар, 1997. 27-боб. 303-бет.

21. Икки кўнгил бир бўлсин. Ёр-ёрлар. Тўпловчи ва тузувчилар: Жўраев. М., Худойкулова. Л.– Тошкент: Ғ. Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2016.
22. Ишмухамедов Р., Абдуқодиров А., Пардаев А. Тарбияда инновацион технологиялар. – Тошкент: 2010. 182-бет.
23. Йўлдошева С. Ўзбек миллий фольклор санъати ва этномаданий кадриятлар. – Тошкент: Наврўз, 2014. Ўқув қўлланма.
24. Кайковус. Қобуснома. – Тошкент: Истиқлол. 1994.
25. Келиной қўшиқлари. Ёзиб олувчи ва тўплаб, нашрга тайёрловчи О. Собиров. – Тошкент: Ғ. Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1981.
26. Мусакулов А. Ўзбек халқ лирикаси. – Тошкент: Фан, 2010.
27. Мардонова Г. Нур тўла уй. – Тошкент: Ўзбекистон, 2011.
28. Маданият ва санъат атамаларининг изохли луғати. – Тошкент: Ғ. Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2015.
29. Носиров Р. Халқ қўшиқлари композицияси. – Тошкент: Фан, 2006.
30. Нишонова О. Этник маданият ва маросимлар. – Тошкент: 2009. Маърузалар тўплами.
31. Очилов Э. Шода шода марварид. – Тошкент: Шарқ, 2006.
32. Остонаси тиллодан. Тўй қўшиқлари. Нашрга тайёрловчилар: Мусакулов.А., Мирзаева М. – Тошкент: Фан, 1992.
33. Саримсоқов Б. Ўзбек маросим фольклори. – Тошкент: Фан, 1986.
34. Сафаров О. Алла-ё алла. Ўзбек халқ аллалари. – Тошкент: Ўқитувчи. 1999.
35. Турғунова Н. Фарғона водийси яллачилик санъати. – Наманган: 2016. Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Санъатшунослик институти.
36. Усмонхўжаев А. Муסיқий муолажа – Тошкент: Фан, 2007.
37. Ҳотамов И., Саримсоқов Б. Адабиётшунослик терминларининг русча-ўзбекча изохли луғати. – Тошкент: Ўқитувчи, 1979.

38. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, Ё – ҳарфи.
39. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, Ё – ҳарфи.
40. Ўзбек халқ оғзаки поэтик ижоди. – Тошкент: Ўқитувчи, 1990.
41. Ўзбек халқ оғзаки ижоди хрестоматияси. – Тошкент: Алоқачи, 2008.
42. Эшонқулов Ж. Фольклор: образ ва талқин. – Қарши: Насаф, 1999.
43. Юсупова Х. Қўшиқ билан отар тонг – Тошкент: 2004. Ўқув қўлланма.

3. Диссертациялар

1. Алавия М. Ўзбек халқ қўшиқлари – Тошкент: 1959. 21-бет. Диссертация.
2. Давлатов С. Қашқадарё воҳаси ўзбек тўй маросимлари фольклори – Тошкент: 1996. Диссертация.
3. Турдимов Ш. Поэтические символы в узбекских народных лирических песнях: Автореф. Дисс... канд. филол. Наук. Ташкент: 1987.
4. Якуббекова М. Ўзбек халқ қўшиқларининг лингвопоэтик хусусиятлари. – Тошкент: 2005. Диссертация.
5. Ўраева Д. С. Ўзбек халқ лирик қўшиқларида паралелизмларнинг характери ва бадий-композицион вазифалари – Тошкент: 1993. Диссертация.
6. Ўраева Д. С. Ўзбек мотам маросими фольклорининг жанрий таркиби, генезиси ва бадиияти. – Тошкент: 2005. Диссертация.

4. Мақолалар

1. Арифджанов. З. Т. Тилшуносликда вариантлик ҳодисаси // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 2015. – № 2. – Б.46-48.
2. Баротова Ш. Ўзбек халқ “Ёр-ёр”ларининг жанр хусусиятлари // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1998. – № 2. – Б.46-48.
3. Саримсоқов Б. Мотам Ёр-ёрлари ҳақида // Ўзбек тили ва адабиёти.– Тошкент, 1983. – № 5. – Б.29-33.

4. Турсунов Р. “Ёр-ёр”ларнинг мусикий табиати // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1990. – № 1. – Б.59-62.
5. Эшонқулов Ж. Ўзбек халқ ижро санъатининг Номоддий маданий меросда тутган ўрни // Номоддий маданий мерос ва фольклор ижро санъати анъаналари. С. Йўлдошева. – Тошкент, Наврўз. 2017. – Б. 44-52. Ўқув қўлланма.
6. Эргашева С. Никоҳ тўйи – оила мустаҳкамлигини таъминлаш омили сифатида // Мустаҳкам оила – маънавий тарбия маскани. – Тошкент, Сано-стандарт. Илмий тўплам. 2012.– Б. 59-62.

5. Интернет сайтлари

1. www.Ziyo.net. – Ўзбекистон таълим портали.
2. www.lex.uz.